O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYE VAZIRLIGI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **28** сентябрь, жума № **39** (2218).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **28** сентября, **2007** год, № **39** (2218).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена договорная

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ислом КАРИМОВ

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун 27 сентябрь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз пахта далаларида ҳосил чўғи ҳар йилгидан баланд. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган.

Юртимизнинг улкан пахта хирмонига Жиззах вилояти миришкорлари ҳам муносиб улуш қўшадилар. Шуниси эътиборлики, Жиззах юртимизда фермерлик тизимига биринчи бўлиб тўла ўтган вилоятлардан. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳосилдорлик муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда пахтачиликда ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 16,1 центнерни ташкил этган бўлса, 2006 йили у 23,4 центнерга етди.

Вилоятдаги салкам 10 минг фермер хўжалигидан 5 мингта яқини пахтачилик билан машғул. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 98,1 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Жиззахлик миришкорлар бу йил 255 минг 326 тонна қимматбаҳо хомашё тайёрлашни мўлжаллаган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг вилоятга ташрифи Жиззах туманидаги Абдунаби Абдураҳмонов раҳбарлик қилаётган «Қўрғонтепа» фермер хўжалиги даласида мазкур ҳудуддаги фермерлар, теримчилар, қишлоқ аҳли вакиллари билан учрашувдан бошланди.

– Кишиларимизнинг ҳаёти фаровонлашгани сари, табиийки, уларнинг талаби ва диди ҳам юксалиб, замонавий турмуш шароитига мос тарзда эҳтиёжи ҳам ортиб боради, - деди Президентимиз. – Яқиндагина автомобиль юртдошларимиз учун ҳою ҳавас ҳисобланган бўлса, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди. Қишлоқ жойларда машиналарнинг кўпайиши одамларимизнинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Аёллар, ёшлар мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, юртимиз кундан-кунга ободонлашиб, халқимиз ҳаёт даражаси юксалаётгани, янги маҳалла марказлари, йўллар бунёд этилаётгани, аҳоли даромади ортаётгани, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий таълим масканлари, спорт иншоотлари қад ростлаётгани хусусида мамнуният билан сўзладилар.

Янги ўқув йилида биз яшайдиган «Тоқчилик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 750 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ишга туширилди, - деди Меҳри опа Эрматова. – Набирам ушбу таълим масканининг ўқувчиси бўлганидан бошим осмонга етди.

– Ҳунари бор хор бўлмас экан, - дея суҳбатга қўшилди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалигининг раҳбари Парда Зиёдов. – Истиқлол шарофати билан зарур соҳалар мутахассислари қишлоқнинг ўзида етишиб чиқаяпти. Бу мамлакатимизда юртимиз тараққиётини, халқимиз, айниқса, ёш авлод келажагини ўйлаб амалга оширилаётган улуғ ишларга бир мисол. Бундай залворли ютуқларни барча соҳаларда кўриб, нафақат гувоҳи, балки ана шу хайрли юмушларнинг фаол иштирокчилари бўлаётганимиздан жуда фахрланамиз.

Юртбошимиз фермернинг даласини кўздан кечирар экан, қандай пахта навларини эккани, пахтачиликдан қанча даромад олаётгани билан қизиқди. Вилоятнинг ўзига хос иқлим шароитини, сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий навларни етиштириш масаласига алоҳида тўхталди.

– Ҳар бир ҳудуднинг, жумладан, Жиззах вилояти туманларининг ҳам ўз истиқболли пахта навлари бўлиши керак, - деди давлатимиз раҳбари. – Маҳаллий шароитга мос янги навларни танлаш ва жорий этишда олимлар, мутахассислар фермерларга кўмак бериши, бу борада қунт билан изчил иш олиб боришлари даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Пахтакор туманидаги «Усмон бобо» фермер хўжалиги даласида бўлган учрашувда пахтанинг эртапишар, серҳосил, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навларини кўпайтириш ҳар томонлама, айниқса, фермернинг даромади ошишида муҳим омил бўлишига эътиборни қаратди.

– Етти йилдан буён фермерлик қиламан, - деди мазкур фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Мусурмонов. – Мавжуд 21 гектар ер майдонимизнинг 8 гектарида пахта етиштирдик. Ўтган йили «Ан-Боёвут-2» навини экиб, ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олдик ва пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм даромад қилдик.

Юртбошимиз Дўстлик туманидаги «Қаландар Гулбой» фермер хўжалиги далаларида ҳам бўлди. Фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Шодиев ўтган йили 31,7 миллион сўм даромад қилган. Бу даромалдан янги уй қурган, дала шийпони барпо этган, «Нексия» сотиб олган. Ижтимоий ҳимоя йилида туман марказий касалхонасига бир миллион сўм, ёрдамга муҳтож оилаларга бир тонна буғдой ва сигир берган.

Давлатимиз раҳбари кузнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилни тезроқ териб олиш ҳам деҳқон манфаатлари талаби, ҳам фермер зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоят фермерлари билан мулоқот чоғида Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиш баробарида, мавжуд муаммоларга ҳам тўхталди. Вилоятда давлатга пахта сотиш борасида бу йил бироз кечикиш кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаблари айрим хўжаликларда агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилган. Ғўзани чилпиш ва баргини сунъий тўкиш ишларида агротехник талабларга риоя қилинмагани оқибатида пахтанинг пишиши бироз кечиккан.

– Жойларда ирригация иншоотларини барпо этишда муайян натижаларга эришдик. Лекин мелиорация соҳасида амалга ошрадиган ишларимиз ҳали анчагина, - деди Президент. – Шу мақсадда 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ миқдорини жорий йилдагига нисбатан бир неча баравар оширишни мўлжаллаяпмиз.

Истиқлол туфайли фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Фермерларнинг мулк эгаси бўлишига, уларда мулкдорлик ҳисси уйғонишига эришилди.

– Фермерларимиз нафақат далада ишлайдиган деҳқон, айни чоғда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, одамларнинг ўй-ташвишларига шерик бўлиш масъулиятини зиммасига оладиган илғор синфга айланмоқда, - деди Ислом Каримов. – Шу боис улар ишлаб чиқариш билан кифояланиб қолмасдан, ижтимоий муаммолар билан ҳам чуқурроқ шуғулланиши, юртимизда давом этаётган ислоҳотлар жараёнида янада фаолроқ иштирок этиши даркор.

Ислом Каримов Сирдарё вилоятида иқтисодий салоҳияти, ер-сув шароити бир-биридан фарқ қиладиган уч туман фермерлари билан суҳбатлашди.

Сардоба - чўл ҳудудида жойлашган туман. «Бахмал» фермер хўжаликлари уюшмасида қишлоқ мулкдорлари билан учрашган Президентимиз фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидойилик талаб қиладиган касб эканини таъкидлади.

– Бу соҳада ҳам ҳар ким имкониятига, салоҳиятига, билимига қараб иш юритади, - деди Президентимиз. – Қайсидир фермернинг 40 гектар, бошқасининг 600 гектар ери бор. Фермер ишига унинг ери оз-кўплигига қараб эмас, ҳар гектар ердан оладиган даромади, соф фойдасига қараб баҳо бериш тўғри бўлади.

Юртбошимиз фермерларнинг ушбу масала бўйича фикрлари билан қизиқди.

– Фермер хўжалигимиз 1994 йилда ташкил этилган, - дейди «Абдулла Қодирий» фермер хўжалиги раҳбари Асатилла Бердиқулов. – Дастлаб 300 гектар ер олган эдик. Ишни юритиш осон бўлмади. Секин-аста оёққа турдик. 2000 йилдан бошлаб ҳар йили қўшимча ер олиб, умумий майдонимизни 650 гектарга етказдик. Йигирмадан зиёд техникамиз бор. Хўжаликда 75 киши меҳнат қилади. Ўтган йилни 180 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

– Бир пайтлар 650 гектар ер бутун бир колхознинг ери ҳисобланар эди, - деди Президентимиз. - Колхознинг бошқарув тизимида 30-40 киши, далада эса камида минтга яқин одам меҳнат қиларди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислоҳотлар туфайли шунча ерда бугун қанча одам ишлаяпти, қанча даромад олаяпти – мана шу хўжалик мисолида яққол кўриб турибмиз.

Юртбошимиз бир масалага алоҳида эътибор қаратди.

– Ишловчиларда боқимандалик кайфиятининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Агар ҳамманинг – яхши ишлаганнинг ҳам, қўл учида меҳнат қилганнинг ҳам манфаатдорлиги бир хил бўлса, аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолади, - деди Президентимиз. – Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги нафақат уларнинг меҳнатига, балки ишга муносабатига, ташаббускорлигига ҳам қараб белгиланиши керак.

Оқолтин туманидаги «Собиржон Сиддиқов» фермер хўжаликлари уюшмаси фермерлари билан суҳбатлашган Юртбошимиз бир пайтлар 16-17 центнер ҳосил берган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, ҳосилдорлик кескин ошганини таъкидлади.

– Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш қийин, - деди давлатимиз раҳбари. – Бунинг учун дренажларни, коллекторларни тартибга солиш керак. Аммо бу муаммони фермернинг ўзи ҳал қилолмайди. Унга давлат ёрдам бериши керак. Ҳар қандай тараққий этган мамлакатда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади.

Бир пайтлар Мирзаобод туманида пахта етиштириб бўлмайди, деган фикр билан ушбу ҳудудда пахта экиш тўхтатилган эди.

Шу тумандаги «Бўрибек» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан учрашган Президентимиз суҳбатни шу мавзудан бошлади.

– Эски тузум пайтида бу ерда яшайдиган одамларнинг тақдири, уларнинг турмуш шароити, манфаатдорлиги ва рағбатлантирилиши ҳақида ҳеч ким ўйламаган, - деди Ислом Каримов. – Бугун ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосилдорлик ва юксак даромад олишга эришаётган мирзаободлик фермерлар эскича қарашлар нотўғри эканини амалда исботламоқдалар.

Юртбошимиз бугун қишлоқ мулкдорлари замон талаблари асосида иш олиб боришлари, ҳудудда чорвачилик ва саноатни ҳам ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилади.

ЎзА.



Бахром АБДУРАҲИМОВ олган суратда.

Устоз билан қалблар нурафшон

Марказий сайлов комиссиясида

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайловни ўтказиш жараёнларини холисона ёритишга оид битим имзоланди.

Очиқ ва эркин сайловларнинг демократик принципларга мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун талабларига асосан оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов жараёнини кенг ёритиб боради. Бунда, айниқса, телевидение ва радио алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистон теле ва радиоканаллари кўрсатув ва эшиттиришларини нафақат мамлакатимизда, балки, сунъий йўлдош ва Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтасидан кўриш ва тинглаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунтириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмуни ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида мазкур битим имзоланди.

– Ушбу битим Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле ва радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ўзаро ҳамкорликни назарда тутади, – деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов. – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга бағишланган тадбирларнинг муддати, тартиби ва мазмуни тўғрисидаги Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган теле ва радио дастурларини ёритишда техник жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Асосий мақсад – сайловчиларимизга сайловда эркин иштирок этиш, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама танишиш ва сайлов куни ўзлари муносиб деб топган номзодлар учун онгли равишда овоз беришлари учун барча шарт-шароитни яратишдан иборатдир. Ушбу имзоланган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ тадбирларни телевидение ва радио орқали ёритишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Хўжаев имзолади.

(ЎзА).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



КОМАНДИР – УЧИТЕЛЬ, ВОСПИТАТЕЛЬ, НАСТАВНИК

Вновь и вновь вчитываясь в доклад Президента Ислама Каримова «Узбекистан: 16 лет независимого развития», то и дело находишь в нем все новые и новые идеи, мысли. «Важнейшее значение в деле укрепления обороноспособности, обеспечения стабильности и безопасности страны имело формирование Вооруженных Сил», – говорится в докладе.

Раскрывая трудности и особенности этого важного для страны дела, глава государства говорит, что в тот напряженный период «чрезвычайно важное значение имело сохранение и укрепление кадрового, прежде всего офицерского, состава, укомплектование армии национальными кадрами, организация их подготовки и переподготовки».

(Продолжение на 4-стр.).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



АЛПЛИК ТИЗИМИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

(Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони мисолида)

Жами тирикликнинг илдизи – кечмиш тарих. Илдизидан ажралган жон ҳаётдан узилади. «Алпомиш» достони – бизнинг маънавий илдизимиз. Ўтган умримиз сабоқлари – теран бадиий тимсоллари...

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗДА НУРОНИЙЛАРИМИЗ


Қариси бор уйнинг париси бор, дейишади биз ўзбекларда. Бу кексаларга, нуроний зотларга бўлган меҳримиз, муҳаббатимиздан. Қолаверса, нуронийларимизнинг маънавий-ахлоқий ҳаётимизда доимо муҳим ўрин эгаллашидан. Бирон-бир ишни бошламоқчи бўлсак, «кексалардан бир оғиз маслаҳат ол, дуосини ол» дейдилар. Тўйимизга ҳам, азамизга ҳам кексаларимиз бош-қош. Бир сўз билан айтганда, бундайин муносабат қадриятга айланган.

(Давоми 8-бетда).


3 ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ


4 ТВОИ ГЕРОИ, УЗБЕКИСТАН!
ВЕРНОСТЬ ВЫБРАННОЙ СУДЬБЕ


8 МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ
ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗДА НУРОНИЙЛАРИМИЗ


12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ
«СОҲИБҚИРОН РОЛИНИ ЎЙНАГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

УКРЕПЛЯЕТСЯ СОТРУДНИЧЕСТВО

С момента подписания договоров «О стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией» 2004 года и «О союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией» 2005 года российской стороной на безвозмездной основе оказана помощь Узбекистану в военно-технической сфере на сумму свыше 16 млн. долларов США.

В том числе на днях состоялась официальная передача пятидесяти российских дизельных автомобилей марки «Урал» Министерству обороны Республики Узбекистан. Как отметил выступивший на церемонии представитель военного ведомства России генерал-лейтенант О. Латыпов, это только один из этапов запланированных поставок военной техники Узбекистану в рамках оказания военно-технической помощи. В октябре – ноябре 2007 года поступят оборудование и имущество для организации текущего и войскового ремонта авиационной и автобронетанковой техники, пятьдесят санитарных автомобилей марки «УАЗ», пять передвижных рентген-кабинетов на базе автомобилей «КамАЗ». Заключен договор об оказании помощи в ремонте девяти боевых самолетов.

Ранее на безвозмездной основе были отремонтированы два военно-транспортных самолета АН-12, получена воздушно-десантная техника для тактических подразделений, запчасти и комплектующие для автомобильной, бронетанковой техники и ракетно-артиллерийского вооружения.

Участники данного события с обеих сторон подчеркнули, что продолжается успешная реализация широкого круга взаимовыгодных проектов по вопросам военно-экономического и военно-технического сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией.

В мероприятии принял участие Чрезвычайный и Полномочный Посол Российской Федерации в Республике Узбекистан Ф. Мухаметшин.

Пресс-служба Министерства обороны Республики Узбекистан.









Кузги чақирув – 2007

СИНОВЛАРДАН ЎТИШМОҚДА

Ватан, эл-юрт олдида ҳар биримиз масъул ва бурчлимиз. Бу борада йигитларимизга бир қадар устуворроқ масъулият юкланган, десак арзийди. Яъни Ватан тинчлиги ва мустақиллигини асрашдек улуғвор вазифани улар елкаларида тутмоғи зарур. Балки шу сабаб ўғлонларимиз ёшлик чоғлариданоқ юрт посбони бўлишдек шарафли бурчга интилиб яшашади. Айниқса, мустақил юртимизнинг бўлажак посбонлари миллий армиямиз сафида хизмат қилиш учун синовларга шай турмоқлари лозим. Айни дамларда туман ва вилоят мудофаа ишлари бўлим, бошқармаларида чақирилувчиларни муддатли хизматга тайёрлаш, тўғрироғи саралаш ишлари авжида. Бу қизғин паллада бўлажак посбонларнинг саломатлиги, жисмонан етуклиги ва интеллектуал салоҳияти ҳар томонлама синовдан ўтади. Ушбу масъулиятли вазифани амалга ошириш учун ўз соҳасининг етук мутахассислари жалб этилган. Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида бўлганимизда ўғлонларимизни ҳаёт мактабига йўллаш борасидаги қизғин тайёргарлик гувоҳи бўлдик.

Қадди-қомати бир-биридан қолишмайдиган бўйчан ва елкадор йигитлар тиббий кўрикдан ўтиш учун шай туришибди. Уларнинг нигоҳидан ўзига ишонч, ҳарбий хизматга юксак иштиёқни англаш қийин эмас. Юқори малакага эга бўлган тиббиёт ходимлари йигитлар саломатлигини обдон текширишмоқда. Тиббий кўрик хоналарига эътибор бераман. Барчаси замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган, озода ва ораста.

– Мана, кузги чақирувни юксак савияда ўтказиш учун тиббий кўрикни кўтаринки руҳда бошладик, – дейди чақирув комиссияси бош шифокори, жарроҳ Қуддус Сулаймонов биз билан суҳбатда. –Албатта, ҳарбий хизмат посбонлардан ҳар томонлама юксак жисмоний ва руҳий тайёргарликни талаб этади. Шубҳасизки, бунинг учун йигитларимиз том маънода соғлом ва бақувват бўлишлари шарт. Шу сабабли улар тиббий комиссиямизнинг тажрибали мутахассислари томонидан белгиланган талаблар асосида текширувдан ўтишади. Шифокорларимиз олий ва биринчи тоифали етук мутахассислар. Улар орасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ички касалликлар шифокори Сайфулло Худойназаров, асаб касалликлари мутахассиси Улхан Далиева, кўз шифокори Чори Эшқурбоновларнинг номларини алоҳида келтириб ўтишни ўринли деб ўйлайман.

Бу йилги текширув бўйича чақирилувчилар саломатлигига тўхталадиган бўлсак, натижалар жуда яхши. Баъзи тоғли туманларимиз чақирувчиларида бўқоқ касаллиги тез-тез учраб турар эди. Ҳозирга келиб бу ҳолат камаяётганлигини ҳис қилаяпмиз. Бундан кўриниб турибдики, ёшларимиз хизмат қилиш иштиёқида саломатликларига жиддий эътибор қаратишмоқда. Ўйлайманки, сурхоннинг соғлом ва бақувват ўғлонлари посбонлик бурчларини аъло даражада ўташади.


Муддатли хизматга танлов жараёнида бўлажак посбонларнинг саломатлиги билан бир қаторда маънавий баркамоллиги, билимдонлиги ва ахлоқий фазилатларига ҳам катта эътибор қаратилаётгани сир эмас. Хўш, бу борада Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ватан посбони бўлишдек шарафли вазифага ҳар бир йигит ҳам муяссар бўлавермайди. Чунки бўлажак аскарларимизга қўйилаётган бугуннинг талаби жуда юқори, – дейди мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими офицер Асқад Авизов. – Ҳозирда чақирилувчиларнинг билим даражаси ва интеллектуал салоҳиятига катта эътибор қаратиляпти.

Кузги чақирувга тайёргарликни июнь ойидаёқ бошлаганмиз. Яъни бўлажак посбонларнинг шахсий жилдлари бевосита уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, мактаб ўқитувчилари, қишлоқ врачлик пункти шифокорлари ҳамда маҳалла нозирлари билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Уларнинг оилавий шароити, оилада тутган ўрни, феъл-атвори биз учун аҳамиятли, албатта. Энг асосийси, йигитларимизда хизмат қилиш иштиёқи жуда юксак. Бу эса уларни ҳар томонлама етукликка ундайди, армия хизматини муносиб даражада ўташга руҳлантиради.

Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида чақирув жараёни қизғин давом этаяпти. Паҳлавонлар юрти бўлмиш жануб ўғлонлари бу синов онларидан мардонавор ўтиб, ҳарбий либос қийишларида омад тилаймиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.



МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоят ҳокими қарор қабул қилди.

Маълумки, мазкур қарор вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳокимликларидан Қуролли Кучларимиз сафларининг сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида чақирув комиссияларининг ишини намунали уюштиришларини талаб этади. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси вилоят мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда чақирув участкаларини зарур тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаши, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувидан сифатли ўтказилишида юқори малакали шифокорлар томонидан ҳар томонлама текширилиши каби муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят молия бошқармаси томонидан эса шаҳар ва туманлар ҳудудларида ташкил этилган чақирув комиссиялари иш фаолиятларини талаб даражасида олиб боришлари учун кетадиган зарур маблағлар ажратилди.

– Кузги чақирувга бағишлаб Ғузор туманида бўлиб ўтган кўргазмали минтақавий семинарда, – дейди Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи офицер Мунаввар Эгамназаров, – Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округи масъул офицерлари, туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари, чақирув комиссиялари бош шифокорлари иштирок этиб, тадбирнинг ҳар томонлама самарали бўлишни таъминлаш юзасидан тегишли тавсия ва таклифларини билдиришди.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.

Кўкрак нишони соҳиби

МАШҒУЛОТЛАРДА ПЕШҚАДАМ ПОСБОН

Шу кунларда барча ҳарбий жамоаларда мавсумий ўқув машғулотларининг якуний босқичига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Масъулиятли жараённи ғалвир сувдан кўтариладиган паллага қиёсласак, хато қилмаган бўламиз. Капитан Сардор Маҳмудов жамоасида бугунги кун илғорлари бўлган пешқадам посбонлар талайгина.

Улардан бири оддий аскар Алишер Матназаров. Посбон муддатли ҳарбий хизматнинг сўнгги кунларини ўтамоқда. Яқин кунларда резервга бўшаб, яқинлари бағрига ёруғ юз билан қайтади. Ўша кунда унинг армия ҳақида яқинларига сўзлаб беришга арзийдиган, ҳамма учун бирдек қизиқарли, мақтанишга арзирли воқеалар бор.

Ўтган синов машғулотлари ҳам оддий аскарнинг бошқалардан устун томонларини кўрсатди. Ҳозир спортга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Алишер хизмат қиладиган ҳарбий жамоада ҳам ҳафтанинг спортга бағишланган алоҳида кунлари мавжуд. Бу ерда барча қулайлик ва имкониятларга эга спорт шаҳарчаси фаолият кўрсатади. Ва бу нарса жамоанинг жисмоний тайёргарликда бир қатор устунликларга эга бўлишини таъминлади. Синов машғулотларида бир қатор ҳарбий спорт аълочилари аниқланди. Улар орасида оддий аскар Матназаров ҳам "Ҳарбий спортчи" кўкрак нишонига сазовор бўлди. Посбон йигит нафақат спорт соҳасида, балки ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳам сафдошларига ўрнак бўлиб келади. "Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси" кўкрак нишони бу борада аскар эришган алоҳида ютуқлари учун берилди.

Машғулотлар бир-бирини тўлдириб туриши барчага маълум. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларининг юксак савияда ташкиллаштирилиши жанговар тайёргарликнинг ҳам юқори бўлишига замин яратади. Аълочи посбон жанговар тайёргарликда ҳам сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Алишер ҳарбий хизматга қадар Урганч касб-ҳунар коллежининг ҳисобчилик бўлимини тамомлаган. У колежда ҳам намунали хулқи, билимдонлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Бу эса унинг йигитлик бурчини аъло даражада ўташида муҳим мезон бўлди. Посбон йигит ҳарбий хизматдан кейин олий билим даргоҳига кириб ўқишни ният қилган. Намунали хизмати унинг бу борадаги имкониятлари бошқаларникидан кўра бирмунча устунлигини таъминлайди. Илғор посбоннинг аъло хизматларини эътиборга олган қисм қўмондонлиги уни имтиёзли тавсиянома билан тақдирланувчилар номзодлари сафига киритган.

– Йигитлик бурчимни ёруғ юз билан ўтаётганимдан фахрланаман, — дейди оддий аскар Алишер Матназаров. — Ҳаёт мактаби кўплаб унутилмас кунларни туҳфа этди. Бу ерда Ҳамро Тожибоев, Раҳимбой Ортиқов каби қадрдон дўстлар орттирдим. Келгусида келажаги буюк Ўзбекистон тараққиётида менинг ҳам ўз муносиб ҳиссам бўлишига интиламан.

Алишер ҳам хизматга дастлабки келган кезлари ҳали болаликнинг беғам-беташвиш туйғулари тарк этмаган кўплаб тенгдошларининг бири эди. Эндиликда фикрлашига, мулоҳазаларига эътибор қилсангиз, ҳаёт мактабида тобланган, иродали, юрт тақдирига ўзини масъулиятли билган инсонни кўрасиз. Ҳаёт мактабининг комил инсон тарбиясида тутган муҳим ўрни биргина оддий аскар Алишер Матназаров тимсолида ҳам яққол акс этиб турибди.

Назокат ЗАКАРИЁЕВА.

Огоҳлик – давр талаби

ЎЗ ПОСТИДА ҲУШЁР ПОСБОНЛАР

Қисм ва бўлинмалар шахсий таркиби жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида қатор муваффақиятларга эришган ҳолда ўқув мавсумини юқори кўрсаткичлар билан якунлашга интилишмоқда. Илмга чанқоқ ҳарбий хизматчилар ўтказилаётган кундалик дала-ўқув машқларида эгаллаган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш орқали ҳарбий касб сирларини пухта эгаллаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Қоровуллик хизматини ўташ жанговар вазифани бажариш билан баробар эканлиги барчага маълум. Патруллик ва назорат ўтиш жойидаги хизмат ҳам юксак масъулият, метин интизом ва ҳушёрликни талаб этади. Буни яхши билган она юртимиз ҳимоячилари ўзларига ишониб топширилган ҳудудларни қўриқлаш ва назорат қилиш бўйича қўйилган вазифаларни сидқидилдан ўтаб, қўмондонликнинг олқишларига сазовор бўлишмоқда.

Яқинда бу борадаги аъло хизматлари учун бир гуруҳ сержант ва оддий аскарлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи генерал-майор В.Маҳмудовнинг ташаккурномаси ва эсдалик нишонини олишга муваффақ бўлдилар. Гранатомётчилар гуруҳи расчёти командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ф. Бозоров, автомобилчилар гуруҳи ҳайдовчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А. Равшанов, радиореле секцияси катта телеграфчиси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти С. Самаддинов, қўриқчилар гуруҳи ўқчилари, муддатли хизмат оддий аскарлари – А. Аноров ва Н. Рихсиевлар шулар жумласидандир. Улар хизматни ўташ жараёнида ҳушёрликни қўлдан бой бермаган ҳолда тезкор саъй-ҳаракатлар қилиб, тартиббузарларни аниқлаб, тегишли органларга топширдилар.

– Биз қоровуллик хизматини бажаришга ҳозирлик кўрганимиз каби патруллик ва назорат ўтиш жойларидаги суткалик нарядларга ҳам астойдил тайёргарлик кўрамиз, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А.Равшанов. – Зеро, зиммамизга катта масъулият юкланади. Туну кун, қаерда бўлмайлик, қандай топшириқни бажаришимиздан қатъи назар огоҳ бўлиш ва доимо ҳушёр туриш ҳар бир посбоннинг муқаддас бурчига айланган. Шу боис бу гал ҳам ўрнатилган тартибни назорат ўтиш жойи яқинида бузган фуқаронинг хатти-ҳаракатларини илғаб, аниқ ва ишончли ҳаракат қилдик. Қоидабузарни қўлга тушириш бизга қийинчилик туғдирмади.

– Яқинда назорат ўтиш жойида хизмат вазифамизни ўтаётган чоғимизда бир фуқаро келиб қисмимиз ва унинг фаолиятига боғлиқ турли маълумотларга қизиқиб қолди, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ф.Бозоров. – Унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракати бизда дарҳол шубҳа уйғотди. Фараз мақсадда келганлигига ишонч ҳосил қилгач, қоидабузарни дарҳол қўлга олдик. Биз келгусида ҳам қўмондонлик томонидан қўйилаётган ҳар қандай ўқув-жанговар топшириқларни юксак масъулият ҳисси билан адо этиб, халқимиз тинч-осуда турмушини таъминлаш йўлида камарбаста бўлаверамиз.

Майор Жавоҳир СОБИТОВ.

Боевые стрельбы групп

ВАЖЕН ПРОЧНЫЙ ФУНДАМЕНТ

Недавно проведенные боевые стрельбы групп стали не только проверкой уровня боевой готовности личного состава, но и дали ответ на очень актуальный вопрос – насколько успешно проходит в войсковых частях адаптация молодых лейтенантов на первом месте службы?

Хотелось бы напомнить, что боевые стрельбы были проведены на завершающем этапе боевого слаживания групп. При этом основное внимание уделялось ведению боевых действий личным составом в различных условиях обстановки, применению индивидуального и группового оружия, мастерству управления боевой техникой в сложных условиях местности.

В целях выработки единой методики проведения и организации боевых стрельб групп (БСГ) повсеместно были проведены показательные занятия под руководством заместителей командиров частей по боевой подготовке. К занятиям привлекались также командиры батальонов, начальники штабов батальонов, заместители командиров по боевой подготовке, а непосредственно БСГ руководили командиры взводов. Руководством Министерства обороны отмечено, что в целом командиры взводов имеют прочные знания руководящих документов по проведению БСГ и достаточный опыт.

Не случайно объявлены благодарности и награждены Памятными знаками министра обороны командиры мотострелковых взводов капитаны Шерали Азизов и Санжар Ганжаков. Умелая организация данных боевых стрельб нашла такую высокую оценку. Такого же поощрения удостоены командиры групп лейтенанты Илҳомжон Полотбаев, Шерзоджон Умаров, Жавлон Сатболдиев и Авазбек Рисбеков. Несомненно, высокая оценка ратного труда вдохновила молодых офицеров и впредь также образцово служить Отчизне.

Однако наряду с выявлением положительных моментов проведенные боевые стрельбы групп выявили и немало узких мест. Уже намечена перспектива учебно-боевой работы на ближайшее будущее. Думается, преподавателям высших военно-образовательных учреждений стоит усилить акцент на методику проведения боевых стрельб, чтобы выпускники были на высоте и не подводили своих наставников.

Немаловажно и то, что командному составу звена «взвод – группа» еще раз было сделано напоминание о том, что основа боевого и командирского мастерства закладывается именно в первые годы службы. Если на стартовом участке офицерской службы тот или иной момент будет упущен, недоработан, в ходе дальнейшей службы это может привести к значительным осложнениям. И самим молодым офицерам и их нынешним старшим командирам необходимо еще раз осмыслить тот факт, что закладка прочного фундамента будущих успехов в боевой учебе – дело первостепенной важности, не приемлющее легковесных подходов и упрощенчества.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

Муносабат

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

Мана шу ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради.

Ислом КАРИМОВ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси билан танишган ҳар бир одам бу йиллар ҳақиқатдан ҳам тарихий ўзгаришлар даври бўлганига ишонч ҳосил қилади. Бу даврда барча соҳаларда амалга оширилган улкан ишларни янада яққолроқ тасаввур этиш учун шўро тузумининг сўнгги йилларида республикамизда юзага келган аҳволни хаёл кўзгусидан ўтказиш, бугунги кунларимиз билан таққослаш кифоядир.

Собиқ шўро ҳудудида парокандалик ҳукм сурган, ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқалари издан чиқиб, дўконлар шип-шийдон бўлиб қолган, турли оқим ва кучлар майдонга чиқа бошлаган, одамлар эртанги кунга хавотир билан қарай бошлаган таҳликали йилларни ҳали-ҳануз юрагимда ҳадик ва қўрқув ҳисси билан эслайман. Ўшанда қимматчилик нима эканлигини ўз кўзи билан кўрган, кўп қийинчиликларни бошидан кечирган айрим ёши улуғ ҳамюртларимиз нонни қуритиб, ғамлаб – озиқ-овқат захираси яратиш ҳаракатига тушиб қолгани ҳам ёдимда. Чунки вазият чинданам кескин, нарх-наво осмонга чиқиб кетган, пул эса қадрсизланиб, бамисли хазонга айланган, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайдиган вақтлар эди.

Яхшиямки, Президентимиз ўзига хос бўлган жасорат ва қатъиятини намоён этиб, бошқарув жиловини ўз қўлида маҳкам тутди, мамлакатда тартиб-интизомни мустаҳкамлади. Одамларнинг энг зарур истеъмол товарларига, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашни йўлга қўйди.

Вақти келса, бир майизни қирқ бўлиб еган, энг сўнгги бурда нонини ҳам бир-бири билан баҳам кўриб ўрганган халқимиз оғир-вазминлик билан ана шу синов ва машаққатлардан беталофат, эсон-омон ўтиб, бугунги дориломон кунларга етиб келди. Йўлбошчимизнинг, юртда тинчлик, ҳамжиҳатлик бўлса, меҳнат билан ҳамма нарсага эришиш мумкин, деган гаплари ҳаётда ўз исботини топди: ғалла, газ ва нефть, энергетика соҳаларида ўз эҳтиёжларимизни таъминлабгина қолмай, бу маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам ўтдик. Пахта, олтин, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кўркам, қулай ва тежамли автомобиллар мамлакатимиз олтин валюта захирасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, бу йиллар давомида дунё харитасида пайдо бўлган янги мустақил давлат - Ўзбекистонимиз оёққа турди, иқтисодиётимиз, маънавиятимиз юксалди, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлдик. Лекин, бу айтишгагина осон. Ушбу улуғ неъмат - истиқлолимизга эришиш, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш қанча меҳнат, ирода ва матонат талаб этганини юртдошларимиз яхши билишади.

Барча ўзгариш ва янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган, мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини демократлаштириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилди. Шу мақсадда барпо этилган Асакадаги автомобиль, Бухородаги нефтни қайта ишлаш, Қўнғиротдаги сода заводлари, Шўртан нефть-газ мажмуаси каби улкан ишлаб чиқариш иншоотлари, ўнлаб корхоналарнинг замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозланиши куч ва имкониятларимизни кенгайтирди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи ва муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши, ернинг ўз ҳақиқий эгасини топиши, боғ-роғлар, чорвачилик фермалари, бошқа қишлоқ хўжалиги субъектларининг хусусийлаштириб берилиши натижасида қишлоқда янги мулкдорлар шаклланди, одамларнинг ерга, меҳнатга муносабати ўзгарди, улар тежамкорликка, даромадини кўпайтириш ва уни оқилона тасарруф этишга жиддий эътибор қаратадиган бўлиб қолди.

Ана шу фидокорона меҳнат ва саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, муҳташам маъмурий ва ижтимоий объектлар, кўркам уй-жойлар, замонавий меҳмонхоналар, барча қулайликларга эга бозорлар, кенг ва равон йўллар, муаззам кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар бунёд этилди. Ватанимиз юраги – Мустақиллик майдонида амалга оширилган ишлар, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тасвирий санъат галереяси каби маданият ва маърифат ўчоқлари қурилиши натижасида юртимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, гўзаллашди. ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси учун барча талабларга жавоб берадиган махсус бино қуриш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани барчамизни қувонтиради. Нафақат пойтахтимиз ва вилоят марказлари, чекка-чекка туман, қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий мактаб, лицей ва коллежлар, маданият ва спорт мажмуалари қурилиб, ёшларимиз учун билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш имкониятлари яратилди.

Бундай кенг кўламли, келажакни ўйлаб қилинган ишлар самарасини Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол», «Келажак овози» танловларида, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида, халқаро фан олимпиадалари, спорт ва санъат анжуманларида иштирок этаётган, совринли ўринларни эгаллаётган ёш иқтидор соҳиблари сони йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, халқимиз орасида «аср қурилиши» деб ном олган, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда бунёд этилган улкан иқтисодий ва стратегик аҳамиятга молик 233 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистралининг қисқа муддатда қуриб ишга туширилиши ўз кучимизга бўлган ишончимизни янада оширди.

Энг муҳими, биринчи галда одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб беришга, бир сўз билан айтганда, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган ана шундай олижаноб ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бугун Қамчиқ довонидан ўтиб, Наманган томонга бурилсангиз, йўл четидаги қатор нон расталарига дуч келасиз. Бу ердаги нонларнинг хилма-хиллигидан ҳайратга тушиб, мазасини тотиб кўриб, машҳур Самарқанд нонларидан асло қолишмаслигига амин бўласиз. Тошкент бозорларидаги нон расталарини, туман ва мавзелар, маҳаллалардаги нон дўконлари ва новвойхоналардаги ёқимли ҳиди димоққа уриладиган нонларни айтмайсизми! Буларнинг бари ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси, юртимиздаги тўкинлик нишонасидир.

Бугун ўз донимиз, ўз нонимиз бор. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда йилига ўртача олти миллион тонна ғалла етиштирилмоқда. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг. 1970 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 31,9 кг дон етиштирилган. Бу кўрсаткич 1989 йилда - 31,5, 1995 йилда - 139,8, 2006 йилда – 230,6 килограммга етган. Жорий йилда эса 232,8 килограммни ташкил этган. Бу шўро давридагига нисбатан деярли 8 баравар кўп, демакдир.

Юртимизда истиқлол йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтариш ва ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш йўлида қилинган хайрли ишларни санаб адоғига етиш қийин.

Ҳеч кимга сир эмас, кейинги вақтларда дунёнинг турли мамлакатларида рўй берган табиий офатлар, сув тошқини, қурғоқчилик боис жаҳон миқёсида буғдой нархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Масалан, АҚШда буғдой нархи йил бошидагига нисбатан 54,4, Европа Иттифоқи давлатларида 64,3 фоизга ўсди. ҳозирги глобаллашув замонида бу ҳол бошқа минтақа ва давлатлар бозорларига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди, албатта.

Шундай экан, ризқ-рўзимиз тимсоли бўлган нонни эъзозлашимиз, ерда бурда нон ётганини кўриб қолса, қўлига олиб, кўзига суртган ота-боболаримиз удумларига амал қилиб, унинг увоғини ҳам увол қилмасликка интилишимиз лозим. Дунёда нима ёмон – тўқликка шўхлик ёмон, дейдилар. Айниқса, турли маросим, тўй-ҳашамларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик даркор.

Инсон ҳаётда фақат қорин дарди билан яшамайди. Балки эзгу интилиш, улуғ орзу-мақсадлар одамнинг умр йўлини ёритади. Ўз турмушини тўкис қилиш, уйи, маҳалласи, қишлоғини обод этиш, фарзандларининг камолини кўриш истаги уни олижаноб ишларга даъват этади.

Шу маънода, юртимизда истиқлол йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтариш ва ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш йўлида қилинган хайрли ишларни санаб адоғига етиш қийин. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдухолиқ ғиждувоний, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби улуғ сиймолар, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилон каби қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ саналари нишонланиши муносабати билан амалга оширилган кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари ҳар биримизда халқимизнинг буюк тафаккур қудрати ва бунёдкорлик салоҳияти билан фахрланиш, бу олижаноб ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интилиш туйғуларини уйғотади.

Ана шу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлган, Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан биргина Ҳастимом мажмуасида амалга оширилган қурилиш ва ободончилик ишлари нафақат ватандошларимиз, балки кўплаб хорижий давлатлардан келган сайёҳларни, дин намояндаларини ҳам ҳайратга солмоқда. Шу ўринда юртимизга турли туҳмат тошларини отаётган, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинмаяпти, диндорлар сиқувга олиняпти, дея аюҳаннос солаётган айрим қабиҳ ниятли кимсаларга қарата, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг машҳур сўзларига ҳамоҳанг қилиб, кимки бизнинг дину диёнатимиз, имон-эътиқодимиз нечоғли мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлса, лоақал янгича қиёфа ва маҳобат касб этган Шоҳизинда, Ҳастимом мажмуаларини келиб кўрсин, дегинг келади.

Биз истиқлол бахш этган неъматларни, ислоҳотлар бераётган самараларни ўз ҳаётимиз мисолида кўряпмиз, деб кўп гапирамиз. Мен яқинда туғилиб ўсган она қишлоғим – Шаҳандда бўлдим. У – Фарғона водийсининг аҳоли энг зич яшайдиган қишлоқларидан. Бир қишлоқда еттита умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи ва махсус мактаб-интернат мавжудлигининг ўзиёқ буни яққол кўрсатиб турибди. Мени қувонтирган янгилик шу бўлдики, ана шу мактаблардан бир йўла учтаси келгуси йилнинг август ойига қадар мукаммал қайта қуриладиган бўлибди. Улар орасида орзу-ҳавасга тўла ўқувчилик йилларим кечган 33-сонли Сўфизода номидаги қадрдон мактабим ҳам борлигини кўриб, бошим осмонга етди. Шунингдек, Тўрақўрғон туманимиз бўйича 6 та, вилоятимиз бўйича эса 42 та мактабни янгидан қуриш, 18 та касб-ҳунар коллежини ётоқхона ва спорт заллари билан биргаликда барпо этиш режалаштирилибди. Мана шу биргина мисол замирида мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қандай самаралар бераётганининг бевосита гувоҳи бўлган, Юртбошимизнинг «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун», деган сўзларининг амалий ифодасини кўрган устоз ўқитувчиларимнинг қувончини тасаввур этиш қийин эмас.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг қайси соҳасини олманг, Олий Мажлис палаталаридан - «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётлар паркигача, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибидан – таълим стандартларигача, ҳаммаси-ҳаммаси ислоҳ этилганини кўрамиз. Ва бу ўзгаришларнинг барчаси инсон манфаатларига хизмат қилиши билан эътиборлидир. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, суд-ҳуқуқ, жиноий жазони либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистонда 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача узайгани ҳам бунинг ёрқин амалий тасдиғидир. Давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги, янада юқори босқичга кўтариши шубҳасиз.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш ва собиқ аскарларни ишга жойлаштириш, ўқишга киришга кўмаклашиш дейсизми, ёшларнинг замонавий билим олиши, ҳар томонлама камол топиши учун яратилаётган шарт-шароитлар дейсизми, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш дейсизми – буларнинг барчаси Ўзбекистонимизнинг навқирон авлоди, унинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрлик намунаси бўлиб, ёшларимизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги йўлида чин дилдан меҳнат қилишга, юксак чўққиларни эгаллашга, Ватанимизнинг қудрати ва шуҳратини бутун дунёга тараннум этишга руҳлантирмоқда.

Бугун халқимизга хос жасурлик, қатъий ирода ва матонат каби юксак фазилатларни ўзида мужассам этган жаҳон чемпионлари – шахматчи Рустам Қосимжонов, боксчи Руслан Чагаев, курашчиларимиз Абдулла Тангриев ва Артур Таймазов, теннисчи Ирода Тўлаганова, енгил атлетикачи Светлана Радзвил каби ҳамюртларимиз номини бутун дунё билади.

Йўлбошчимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни ислоҳ қилишга киришилган дастлабки йилларда, аҳолининг таъминотини йўлга қўйиш, иқтисодиётни ўнглаш – булар албатта долзарб масалалар, лекин одамларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш ғоят муҳим, мураккаб вазифадир, дея таъкидлаган эди. Бугун мамлакатимизда жорий этилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ўзлигимизни англаш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш, муқаддас динимизнинг асл, инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш борасидаги изчил ишлар натижасида юртдошларимизнинг маънавияти юксалди, меҳнатга, мулкка муносабати, онгу тафаккури тубдан ўзгарди, ўз куч ва имкониятларига, келажакка бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

...Тошкент. Оқшом. Кўм-кўк либосга бурканган, фавворалар камалакранг жило тараташётган Мустақиллик майдонида фарзандларини етаклаб, сайр қилиб юрган одамларнинг бахтиёрлик, хотиржамлик, шукроналик, ўз Ватани билан фахрланиш туйғулари акс этиб турган чеҳраларида юртимизда амалга оширилаётган буюк ўзгариш ва янгиланишларнинг ёрқин ифодасини кўргандек бўламан...

Аҳмад ХЎЖА.
ЎзА.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олганимизданоқ олдимизга аниқ мақсадлар қўйдик. Аниқроғи, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни, замон талабларига мос демократик жамият барпо этишни, дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшашни, халқаро майдонда ўзимизга хос ўрнимизга эга бўлишни олий мақсад сифатида илгари сурдик. Табиийки, бу йўлнинг ўзига хос жиҳатлари, машаққатлари, синовлари бор. Давлатимиз раҳбариятининг узоқни кўзлаб юритаётган одилона сиёсати, халқимиз иродаси, кишиларимиз онгида, тафаккурида содир бўлган ўзгаришлар сабаб устувор мақсад йўлидан оғишмай келяпмиз. Шу азиз, муқаддас заминимизда нафақат фарзандларимиз, балки йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли саодатли, маърифий ҳаёт кечирицлари учун, Ўзбекистон, ўзбек деган ном дунё тургунча тириши учун курашмоқдамиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси билан танишар экансиз, ана шу фикрлар хаёлдан кечади.

«Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик», дейди Юртбошимиз маърузасида.

Дарҳақиқат, ўша тарихий бурилиш даврида-ёқ, ғоят хатарли ва мураккаб кунлардаёқ тўғри йўлни танладик. Ўта мафкуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик. Бир сўз билан айтганда, элимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, келажак авлодларимизга улкан имкониятлар эшигини очиб берадиган ҳаёт сари қадам ташладик. Бугун шуни фахр билан айта оламизки, мустақил давлат, эркин жамият, фаровон ҳаёт қуришдек, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашдек мақсад сари интилиш жамоатчилигимиз, халқимиз онгу шуурини эгаллаб бормоқда. Ютуқларимиз ҳам, ислоҳотларимиз самараси ҳам аслида шунда.

Ўзбек давлати тараққиётининг бугунги босқичини давлатимиз раҳбари ўз маърузасида демократияни ривожлантиришга йўналтирилган фаол ислоҳ этиш ва модернизациялаш даври, дея эътироф этганини яхши биламиз. Президентимизнинг мазкур маърузаси, хусусан таъкидланаётган эътирофи дунё мамлакатлари экспертлари, давлат, жамоат арбобларида улкан қизиқиш уйғотди. Буни «Жаҳон» ахборот агентлиги тарқатган хабарларда ҳам яққол ҳис қилишимиз мумкин.

Масалан, Россия федерацияси Сиёсий конъюктура маркази эксперти Евгения Войконинг фикрлари шундай бўлди: «Айни пайтда ўзини сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан намоён этаётганини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонни муваффақиятли мамлакат, деб аташ мумкин. Ўзбекистон нафақат минтақада, балки халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамият касб этадики, хорижий шериклар томонидан республикага қаратилаётган катта эътибор бундан далолат бериб туради».

Япониянинг собиқ молия вазири, Тойо университети фахрий ректори М.Шиокава республикамиздаги иқтисодий барқарор ўсишнинг суръатларини таъминлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида юқори рентабелли тармоқларни яратиш, шунингдек, миллий кадрлар тайёрлаш учун яратилаётган зарурий кафолат бўлган сиёсий барқарорлигимизга юксак баҳо берган.

Кембридж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси, профессор Ситхард Саксена эса Президентимиз маърузаси юзасидан фикрларини билдирар экан, Ўзбекистоннинг давлат ривожланишидаги танлаган йўли, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт моделининг тўғрилигини ва унинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётганини таъкидлаб ўтган.

Қирғизистонлик академик Р.Раҳмоналиев Ўзбекистонда жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожлантиришда Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилнинг муҳим аҳамият касб этаётганига тўхталиб ўтган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Юртбошимизнинг маърузасини хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ҳам кенг шарҳламоқда. Масалан, Британиянинг «Би-би-си мониторинг» хизмати Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 16 йиллигида ўз иқтисодиётимизни қайта ташкил этиш, миллий армиямизнинг мудофаа қобилиятини яхшилаш, халқимиз фаровонлигини ошириб, ғалла ва нефть мустақиллигига эришганимиз борасидаги фикрларини келтириб ўтган.

«Демократияни ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳукумат сиёсатининг диққат марказида бўлди», деб ёзади Саудия Арабистонида чоп этиладиган «Араб ньюс» газетаси.

Шулардан ҳам, бундайин эътирофлардан ҳам биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли кўриниб турибди.

Толмас ҚУРБОНОВ.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда сенаторлар, қонунчилик палатаси депутатлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик қўмитасининг раиси М.Усмоновнинг кириш сўзи билан ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги юридик хизмати бошлиғи Борис Трегубовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар тўғрисида», Мудофаа вазирининг ўринбосари Шуҳрат Абдуллаевнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг ижтимоий ҳимояси – ислоҳотларнинг ажралмас қисми», вазирликнинг уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи офицер Юрий Кимнинг «Қуролли Кучларда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларнинг моддий таъминотини ташкиллаштириш масалалари», Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармасининг бошлиғи офицер Ислом Иноятовнинг «Армия – маънавий ва жисмоний баркамоллик мактаби» мавзусидаги маърузалари тингланди. Маърузачилар шуларни алоҳида таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида мамлакатимизда мустақиллик йилларида замонавий талаблар ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, уни барқарор тарзда изчил демократик ривожлантиришнинг ишончли кафолати бўлган миллий армияни шакллантириш соҳасида ўз кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилганлиги, қўшинларнинг сифат таркиби, уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилганлиги, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланганлиги, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилганлиги, шартнома асосидаги хизматга ўтиш амалда тугалланганлиги армиямиз қиёфасини, мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. Изчил ислоҳотлар жараёнида миллий армиямизнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашдаги роли сезиларли даражада ошди.

Ўтган йиллар мобайнида ташкил топган офицер кадрларни тайёрлаш тизими армияни барча даражадаги юқори малакали командирлар билан таъминлашга, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, Қуролли Кучлар сафини даврнинг юксак талабларига жавоб бера оладиган, замонавий фикрловчи, пухта тайёргарлик кўрган мутахассислар билан тўлдириш имконини бермоқда. Бу даврда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Сўнгги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори икки баробардан зиёд кўпайтирилди.

Семинар иштирокчилари ўз нутқларида ҳозирги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш нуфузли ҳам шарафли касблардан бирига айланиб қолганлигига, ёшлар армия сафларида ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаб бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, камол топаётганларини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Тадбир жараёнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уй-жой ва маиший шароитларини, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳарбий ислоҳотларнинг узвий қисми эканлиги таъкидланиб, бу вазифа айни кунда изчиллик билан амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, улар учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, хизматни ўташ ва маиший турмуш шароитларини яхшилашнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилди.

Қизғин мунозараларга бой тадбирда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш ва янада такомиллаштириш масалалари юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ
суратга олган.

СИЗГА ҲУРМАТ, СИЗГА ТАЪЗИМ,

Биз демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорликдек устувор мақсадни илгари сурганмиз. Шу сабабли комил инсонни тарбиялаш миллий истиқлол ғоясининг асосини ташкил этади. Халқимизнинг эзгу орзуси бўлган баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб, масъулиятли, олижаноб ишга борлиғини бағишлаган, ҳаётини бу эзгу ишга сарфлашга қарор қилган касб эгалари бор. Улар инсонларга зиё улашишдек шарафли касбни эгаллашган ўқитувчи ва мураббийлар, устозлардир.

Устоз деган сўзни ўзига хос ҳурмат-эҳтиром, чексиз миннатдорлик туйғулари билан айтамизки, уни таърифлашга тил ожиз. Ўзининг бор меҳрини, қалб қўрини бизга беради, ҳаётимизга мазмун-маъно бағишлаш, бизга оқу қорани танитиш учун, илм-маърифат зиёсидан қалбларимизни нурафшон айлаш учун ҳаловатидан кечади, ул зотлар. Президентимизнинг шундай гаплари бор: «Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни қўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз».

Бугун маърифий дунё англаб етаётган бир ҳақиқат бор. Маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш йўли билангина тараққиётга юз тутиш мумкин. Мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз ҳам дунё тан олган давлатлар қаторига чиқиш, эзгу орзу ва мақсадларига етиш, кимлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англаш, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, кам бўлмаслигимиз учун илм-маърифатга таянди. Демакки, биз маърифий йўл билан, билимимизни, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш билан дунёга ўз сўзимизни айтамиз. Аниқроғи, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшларимиз – истиқлол фарзандлари бугун дунёга аллақачон ўз сўзларини айтишяпти.

Табиийки, баркамол авлодни вояга етказишдек устувор вазифа замирида ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш каби масалалар бор. Мамлакатимизда бу борада улкан ишлар амалга ошириляпти. Ҳатто Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури сингари муҳим ҳужжатларимиз ва улар асосида олиб бораётган ислоҳотларимиз халқаро доирада эътироф этиляпти.

Ҳарбий ўқув муассаларимизда ўша машаққатли даврлардан бошлаб ёшларимизга соҳа илмидан пухта сабоқлар бериш билан бирга улар онгига миллий истиқлол ғояларини, ватанпарварлик туйғуларини сингдираётган, демакки армиямизнинг миллий кадрлар ҳисобига шаклланишига беқиёс улуш қўшаётган ўқитувчиларнинг масъулиятли хизматларини том маънодаги жасоратга менгзаш мумкин.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган қўш саҳифамизда ана шундай устозлар, қалбларидан меҳр нури ёғаётган мураббийлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ.

КОМАНДИР – УЧИТЕЛЬ, ВОСПИТАТЕЛЬ, НАСТАВНИК



(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Почему глава государства придает этому вопросу чрезвычайно важное значение?

Во-первых, потому что в условиях развала Союза и всеобщей деморализации его Вооруженных Сил сохранить достаточную боеспособность армии могли только опытные военные кадры, преданные идеалам независимости и свободы, люди, всем сердцем воспринявшие происходящие перемены.

Во-вторых, этого требовала наступающая эпоха коренных, качественных преобразований как в обществе в целом, так и в Вооруженных Силах. Именно новая эпоха требовала выхода на передний край социального перелома новых, всесторонне развитых, профессионально подготовленных, духовно богатых и нравственно здоровых личностей, способных воплотить в жизнь величественные предначертания Президента страны и обеспечить мирную жизнь народа и безопасность страны.

В-третьих, это было обусловлено потребностями создания новой национальной армии. В силу чего особое значение приобретал вопрос формирования таких кадров, которые были бы способны решать задачи именно национальной армии на основе новых ориентиров, новых приоритетов, новой военно-политической ситуации в мире и регионе.

Говорят, алмаз шлифуют только алмазной крошкой, любой другой материал отступает перед его крепостью. Воспитать человека новой эпохи, соответствующего духу нового времени, новым задачам и целям, человека новой идеологии и мировоззрения, вырастить его мужественным и беспредельно преданным своей независимой Родине можно лишь живым человеческим примером, воспитателем новой формации. И тут особое значение приобретает подготовка национальных военных кадров.

Сегодня мы можем смело утверждать, что благодаря мудрости главы нашего государства вопрос подготовки национальных военных кадров был решен, как ни в одной другой стране на постсоветском пространстве, качественно и в кратчайшие исторические сроки. Надежные, высококвалифицированные офицерские кадры для частей и подразделений Министерства обороны готовят сегодня Ташкентское высшее общевойсковое командное училище, Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище, Джизакское высшее военное авиационное училище, Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище, а также Специальный факультет Министерства обороны при Ташкентском университете информационных технологий. Кадры офицеров высшей военной квалификации готовятся в Военной академии Вооруженных Сил, единственной в Центральной Азии Военной академии, созданной по инициативе Президента Ислама Каримова.

В основу подготовки военных кадров всех уровней были положены установки Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами, новые приоритеты и ориентиры, новые подходы к анализу угроз и вызовов нашей безопасноети, и адекватная этим угрозам стратегия и тактика, обеспечивающие достойный отпор любым посягательствам на нашу безопасность. «Созданная за годы независимости система подготовки офицерских кадров, – подчеркивает Президент, – нацеленная на обеспечение высокого профессионализма командиров всех уровней, стимулирование их всестороннего интеллектуального развития, коренным образом изменила их качественный состав и позволяет укомплектовывать Вооруженные Силы подготовленным, современно мыслящим командирским составом, отвечающим высоким требованиям нашего времени».

В ходе военной реформы претерпела изменения и система подготовки начального звена наших военных кадров – сержантского состава. На принципиально новой организационной, духовно-нравственной и материально-технической основе были созданы новые школы подготовки сержантов. Они оснащены современными учебными пособиями, новейшими тренажерами, компьютерными и информационными технологиями, что позволяет готовить сержантов-профессионалов. Сегодняшние сержанты уже сыграли решающую роль в профессиональной подготовке солдат, в укреплении здорового психологического климата в воинских коллективах, кардинальном повышении боевого потенциала Вооруженных Сил. Оценивая их организующую и воспитательную роль в жизни подразделений, Президент страны отметил: **«Сегодня сержантский состав становится поистине несущим хребтом нашей армии, наставником солдат, надежным помощником офицеров».**

Такова сегодня опора нашей национальной армии – офицеры и сержанты, определяющей чертой которых является одно: желание и стремление служить своей независимой Родине, как велит воинский долг, долг Воина, Патриота, Гражданина, быть на высоте требований, которые предъявляют боевая готовность, необходимость надежной защиты Отечества, мирной жизни нашего народа.

Особая, ни с кем не сравнимая роль принадлежит командирам. Командир – это не только должностное лицо в Вооруженных Силах, на которое возложено командование подразделением, частью. Он единоначальник и несет личную ответственность перед Президентом, правительством за постоянную боевую готовность. Он наделен государством большими правами и полномочиями. Приказ командира для подчиненных является законом. Но это, как говорят, одна сторона медали. Есть и другая, и не менее важная.

Командир – это прежде всего учитель, педагог, наставник, профессионал, в совершенстве знающий основы военной науки и военного искусства, человек, обладающий огромным опытом обучения и воспитания подчиненных. Ему, как профессионалу, знатоку военного дела, государство вверяет людей, оружие, боевую технику, другие материальные средства.

Командир – это организатор и методист. Это человек творчества, поиска. Он организатор соревнования, умеющий мобилизовать военнослужащих на качественное выполнение учебно-боевых задач, дальнейшее повышение боевой готовности. В ходе соревнования у воинов развивается чувство личной ответственности за порученное дело, активная жизненная позиция, инициатива и товарищеская взаимовыручка.

Командир – это воспитатель. Он изначальный проводник в жизнь требований государства, установок Президента страны, Верховного Главнокомандующего, приказов и директивных указаний министра обороны. Организуя воспитательную работу, командир ставит своей целью добиваться того, чтобы моральное сознание военнослужащих, их помыслы и поступки в полной мере соответствовали требованиям Военной присяги, Общевоинских уставов, военной политике государства. **Командир управляет духовно-нравственным развитием военнослужащих,** обеспечивает крепкую воинскую дисциплину и уставной порядок.

Командир – это психолог. Основываясь на психолого-педагогических знаниях и практических наработках, он умело строит морально-психологическую подготовку военнослужащих, вырабатывая у них качества, необходимые в современном бою. Главное оружие командира-психолога – его личный пример, начиная от соблюдения формы одежды и до наивысшего профессионализма и компетентности.

Командир – это боевой товарищ и заботливый наставник, способный понять своего подчиненного и вовремя прийти ему на помощь. Важнейший показатель зрелости командира – его близость к подчиненным. Он должен быть всегда доступным для младших по званию и служебному положению. Такому командиру всегда сопутствует успех.

В преддверии Дня учителей и наставников хочется поздравить наших командиров, всех офицеров и сержантов с замечательным праздником, дорогим и близким сердцу каждого человека.

Военная служба – особый вид государственной службы. Она, как подчеркнул на IX сессии Олий Мажлиса второго созыва глава нашего государства, **«требует от человека большего, чем у других профессий, мужества, стойкости и самоотверженности, верности данной клятве и долгу перед Родиной».** Именно поэтому мы и отбираем на военную службу самых достойных, лучших из лучших, наиболее подготовленных молодых людей. А военная служба, в сущности, определяет, кто ты, на что способен, испытывает на прочность и мужество. И когда говорят: «Отличный офицер, сержант или солдат», – то всегда имеют в виду их постоянную готовность выполнить любой сложности боевую задачу по защите Родины.

В последние годы комплектование Вооруженных Сил военнослужащими срочной службы проводится на конкурсной основе. В армию идут наиболее грамотные, интеллектуально развитые и физически подготовленные к службе молодые люди. Но это совсем не облегчает труд военного педагога. Высокая техническая оснащенность армии, внедрение компьютерных и информационных технологий не только не снизили, а наоборот, усилили нагрузки, усложнили боевую учебу. И здесь особенно важны для молодого воина твердая воля, высокая работоспособность, выносливость. Прыжки с парашютом, несение боевого дежурства, полеты и походы, марш-броски, действия ночью, в горах, в пустыне, в непогоду, преодоление препятствий, водных преград – все это под силу только всесторонне подготовленным, физически крепким и психологически закаленным людям. Все эти качества молодому воину прививают командиры, офицеры и сержанты.

Важно еще и другое. Министр обороны требует, чтобы за год армейской службы молодой человек стал всесторонне развит, развит гармонически – в интеллектуальном, в военно-профессиональном, морально-психологическом и физическом отношениях. И при увольнении в резерв страна должна получить такого молодого человека, который был бы на порядок выше новобранца во всех этих отношениях. И, как правило, хорошего специалиста. Сегодня это стало приятной явью. Как подчеркивается в докладе Президента, «молодые люди, пришедшие в армию, не только осваивают военные специальности – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины». Следовательно, задача формирования всесторонне развитой личности военными педагогами решается успешно.

Испокон веков профессия учителя была в обществе почетной и престижной. Учитель давал знания, прививал людям добродетели, формировал в молодых душах чувство патриотизма. Учитель был образованным, мудрым человеком, к которому шли за советом не только ученики, но и люди старших поколений. Потом, в определенный исторический период, престиж этой профессии как-то незаметно потускнел. И вот теперь, в годы независимости, усилиями главы нашего государства почетная профессия учителя, педагога, воспитателя, наставника засияла новыми гранями. Посмотрите, какие прекрасные у нас школы, лицеи, колледжи, какое новейшее оборудование, новейшие учебные пособия, учебники, лингафонные и компьютерные кабинеты, школьные библиотеки! Во всем этом – забота и внимание главы государства. Все для детей, для их образования и просвещения. Все для педагогов – твори, ищи, выдумывай, пробуй. И пусть всегда всех учителей, педагогов, наставников вдохновляют слова Президента И. А. Каримова, идущие от всего сердца: **«Учитель – это благородная личность, призвание которой – нести доброту и знания, пробуждать в юных сердцах чувство гуманизма, учить настоящей науке жизни».**

Вместе с многотысячной семьей учителей и наставников страны военные педагоги с чувством собственного достоинства встречают День учителей и наставников. Их повседневный нелегкий труд выкристаллизовывался в краткой, но многозначащей формуле – сегодня для каждого нашего военнослужащего высший смысл его деятельности состоит в постоянной готовности к защите самого дорогого и самого великого достояния – нашей независимой Родины, нашей благодатной земли и нашего великого народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Твои герои, Узбекистан!

ВЕРНОСТЬ ВЫБРАННОЙ СУДЬБЕ



Старшего преподавателя кафедры общей тактики и оперативного искусства Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан Сироча Насруллаева в родном коллективе именно за это и ценят. Тридцать пять лет своей жизни он отдал нелегкой офицерской судьбе. Но его опыт и мастерство остаются в армейском строю и сегодня. Полковник в отставке Сироч Насруллаев уже в новом качестве продолжает вносить весомый вклад в подготовку элиты офицерского корпуса независимого Узбекистана. Накануне 16-летия независимости Указом Президента он был удостоен высокой государственной награды – медали «Шухрат».

Выбор жизненной стези был предопределен для него примером отца, участника Второй мировой войны, завершившего службу в звании полковника. Так ташкентский парень из военной семьи, в 1971 году окончив ТВОКУ, стал продолжателем офицерской династии. А сейчас эстафету верного служения Отчизне принял его сын, майор Евгений Насруллаев, кстати, преподаватель военной кафедры Ташкентского государственного медицинского института. То есть День учителей и наставников в этой дружной семье является уже семейным торжеством, ведь и дочь Сироча Сирочевича, Наталья, трудится воспитателем в детском саду. Впрочем, и супругу, Эмму Федоровну, с которой они живут душа в душу вот уже тридцать лет, по праву можно отнести к этой категории. Ведь быть мамой и женой офицера, беречь тепло семейного очага защитника Родины, воспитывать детей настоящими патриотами Отчизны – это тоже огромный труд души, за который следует воздать должное.

Офицерские пути-дороги пролегали через многие гарнизоны. Была в жизни офицера и служба в «горячей точке». Словно ниточка за иголкой следуя повсюду за мужем, дожидаясь из сложных командировок, жена своей любовью и верностью придавала сил нашему герою. В успешной карьере от командира взвода до командира отдельной мотострелковой части, получении академического образования мужем есть доля и ее труда.

После обретения Узбекистаном независимости офицер Насруллаев вернулся в родное ТВОКУ начальником кафедры тактики. Многие из выпускников училища тех лет, занимающие ныне высокие должности в Министерстве обороны и Объединенном штабе Вооруженных Сил, в штабах военных округов, обязаны прочным фундаментом знаний по тактике именно этому опытному наставнику. В июле, в свой день рождения, получает наставник массу звонков и телеграмм с поздравлениями, помнят и любят его ученики.

С 1999 года офицер проходит службу в Академии Вооруженных Сил, внося большой вклад в обучение будущих полководцев нашей армии. Здесь тоже есть его питомцы.

– Я писал под его руководством дипломную работу по теме: «Батальонные тактические учения с боевой стрельбой», – вспоминает один из молодых преподавателей кафедры майор Одилжон Чинташев. – За годы учебы в Академии встречал немало хороших наставников, и о полковнике Насруллаеве у меня самые теплые впечатления.

– Для нас большая честь служить рядом с таким опытным наставником, – добавляет майор Мухитдин Умаров. – Ведь Сироч Сирочевич никогда не откажет помочь советом, подскажет нужную литературу. Причем не только по службе, но и по жизни мы нередко советуемся с аксакалом. Он всегда выслушает, поймет, поддержит.

Однако было бы неверно считать, что только богатый служебный опыт является основой его успехов. Неустанный поиск, стремление идти в ногу со временем – вот его жизненное кредо. Например, в связи с акцентом на ведение боевых действий в условиях горно-пустынной местности совсем недавно на кафедре при активном участии С.Насруллаева подготовлены новые методические рекомендации для командиров батальонов. И таких работ множество, слушатели постоянно пользуются ими в ходе повседневной учебной деятельности.

Беседуя с этим человеком, проникаешься чувством доброй зависти. Жизнь удалась – дети продолжают любимое дело воспитания, ученики дают немало поводов ими гордиться, знания и опыт по-прежнему востребованы. Но ведь это не пришло само по себе. За всем этим стоит огромный и ежедневный труд, самоотверженный и плодотворный. Хорманг, не уставать вам, устоз!

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ШОГИРДЛАР АРДОҒИДА

Устоз, бу сўзни эшитганимизда илк бор мактабга борганимизда қўлимизга қалам тутқазиб, ёзишни, ҳарф танишни, ўқишни ўргатган зот кўз олдимизда намоён бўлади. Ҳеч эътибор қилганмисиз, ўқитувчилар юзида қандайдир нур, ёруғлик балқиб тургандек. Шунинг учун бўлса керак доно халқимиз «Устоз – отангдек улуғ» деб бежизга айтмаган. Келажакда баркамол инсон бўлиб шаклланишимизда уларнинг ўргатган илмлари, таълим-тарбиялари, ҳунарлари биз ёшларга билим чироғи бўлиб хизмат қилади.

Ўз ишининг устаси, олижаноб инсон, устоз - офицер Фазлиддин Нарзуллаев ҳам бир неча йиллардан буён Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб, юрт посбонларига устозлик қилиб келмоқда. Ҳозирда сержантлар тайёрлаш мактабининг «Ҳарбий педагогика ва психология» цикли бошлиғи вазифасида фаолият юритиб, армиямиз суянчи ва таянчи бўлган кичик командирларга ҳарбий соҳа сир-асрорларини, ҳарбий педагогика ва психология асосларини мукаммал ўргатиб келаётган офицер ҳақида, унинг хизматдошлари ва шогирдлари ҳамиша илиқ сўзларни айтишади.

– Офицер Нарзуллаев ватанпарвар, фидойи инсон, – дейди офицер Бахтиёр Чориев. – У билан суҳбатлашган одам, нафақат ҳарбий билимлар эгаси эканлигини, балки дунёвий илмларни ҳам мукаммал эгаллаганига гувоҳ бўлиб, унинг суҳбатидан баҳра олади. Катталарга ҳурмат ёшларга иззат, олижаноблик, меҳрибонлик каби фазилатларни унда кўриш мумкин.

– Устоз-офицер Ф.Нарзуллаев биз курсантлар билан машғулот давомида сидқидилдан ишлайди, – дейди курсант Мансур Улуғов. – «Ҳарбий педагогика ва психология» фани хизматимиз мобайнида жуда асқотади. Жанговар шайлик жараёнида қўл остимиздаги шахсий таркибни ўрганишимизда, аскарларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтиришда, тарбия, таълим, билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришимизда бу фаннинг ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу боис устоздан фаннинг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, билимларимизни ошириб боряпмиз. Устоз ҳам бизларга илм беришдан асло чарчамайдилар, биз курсантларнинг ҳақиқий профессионал бўлиб шаклланишимиз йўлида жонкуяр офицер сифатида фаолият юритиб келмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, курсантлар фанни чуқур ўзлаштиришлари учун цикл жамоаси томонидан «Ҳарбий педагогика ва психологиянинг тушунчалари ва асосий тамойиллари», «Миллий истиқлол ғояси: тамойил ва тушунчалар» каби бир қатор ўқув қўлланмалари яратилди. Ушбу қўлланмалар ўқув жараёнида курсантлар билими ошишида янада катта ёрдам бермоқда.

– Биз курсантларга ҳарбий педагогика ва психологиянинг вазифалари, унинг асослари ҳамда аҳамиятини ўргатамиз, – дейди устоз-офицер Фазлиддин Нарзуллаев. – Кичик командирлар учун бу фаннинг ўрни ниҳоятда катта. Командир қўл остидаги посбонни ва шахсий таркибни яхши билиши, жанговар шайлик жараёнида маънавий-руҳий тайёргарлигининг юқори даражада сақлаши учун педагогика ва психологиядан хабардор бўлиши керак. Айниқса, бу фан ҳарбий жамоаларнинг юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишлари, посбонларнинг ўз ҳарбий бурчларини бажаришлари учун маънавий, сиёсий ва жанговар хислатларни, жанговар, жисмоний маҳоратни шакллантиришларида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳа, инсонни илмли қилиш, уни касб-ҳунарга ўргатиш шарафли ишдир. Қуролли Кучларимиз сафларида ҳар томонлама тобланган, чиниққан, маънавий ва жисмоний баркамол профессионал кичик командирларни тайёрлашдек муҳим вазифага ўз ҳиссасини қўшиб келаётган устоз-офицер Фазлиддин Нарзуллаев каби жонкуяр офицерлардан – Тўлқинжон Эргашев, Бахтиёр Дадажонов, Мирзоқул Баҳронов, Маннобжон Умиров, Илҳом Сагинбоев, Хайрулло Убаевлар ҳам, устоз сифатида ҳамиша шогирдлари ардоғида, эл-юрт ҳурматидадирлар.

Аҳрор НОЗИМОВ.

БИЗГА АЗИЗ УСТОЗЛАР!

УЛАР БОРКИ, ОЛАМ ГЎЗАЛДИР

Ҳаётда инсон руҳиятининг, фаолиятининг узвий ришталари, бир-бирига боғлиқ жиҳатлари бор. Тарбия ва таълим, устоз ва шогирдлик, маънавият ва маърифат тарзлари шулар жумласига киради.Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний бу ҳақда, хусусан тарбия борасида шундайин фикрни айтганлар. «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир». Хўш, тарбия масаласининг бу қадар муҳим, аҳамиятли ва ҳатто ташвишга йўғрилган ҳолда ўртага қўйилишининг сабаби нимада? Наҳотки тарбияга эътиборсизлик қайсидир йўсинда кимларнидир ҳалокатга етаклаши ҳам мумкин бўлса? Умуман олганда, аллома фақат фарзанд тарбиясини назарда тутмоқдами ёки авлод тарбиясинимиёхуд миллат тарбиясига эътибор қаратяптими? Нима бўлгандаям ҳар ҳолда, ёшлигиданоқ боланинг «малакасини тузатмак» зарурлигини таъкидлаганида Абдулла Авлоний фикр тарбиясини инобатга олган кўринади. Ва, табиийки, бундай тарбия марказида биргина бола эмас, бир оиланинг фарзандлари эмас, балки бутун миллат, бутун халқ туради. Тарбияни миллат қисматини ҳал этувчи даражага кўтаришнинг боиси шунда бўлса, ажабмас.

Ҳақиқатан ҳам авлодни ким тарбиялайди, миллат қаерда тарбия топади, фикр қандай китоблар ёрдамида тарбияланади? Буларнинг барчаси билан ким шуғулланади? Шубҳасиз, бу саволларга жавоб тайёр – ота-она, муаллим, мактаб, таълим вазирлиги, армия ва охир-оқибат давлат. Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз фуқароларини билимли, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, маънавий етук, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб воя га етиши тўғрисида қайғуради. Президентимиз Ислом Каримов бу борада шундай деганлар: **«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».** Бундан аёнки, давлат ўз фуқароларида жамият мақсадларига мос сифат ва қадриятларни қарор топишига ҳаракат қилади.

Етук мутахассис кадрлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш кўп жиҳатдан устозларга бевосита боғлиқ.

Маълумки, ҳар бир давлат, жамият ўз мамлакатининг равнақи, ривожланишини биринчи навбатда табиий захиралари ёхуд қазилма бойликларининг кўплигидан деб эмас, балки халқининг илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг билимга, ҳаётга бўлган муносабатида деб билади. Шу боис, ўз давлатининг келажаги порлоқ, буюк бўлишини ният қилган ҳар бир халқ аввало ёш авлод тарбиясига, таълимига унинг одоби ва хулқига, жисмонан ва руҳан соғлом ўсишига, баркамол инсон бўлиб воя га етишишига дахлдор имкониятлардан фойдаланади.

Бугунги кунда, айниқса, ёшлар тарбияси ота-оналардан, тарбиячилардан, педагоглардан, давлат органларидан, ҳар бир тарбиячи офицерлардан катта масъулият ва фидокорликни талаб этади. Ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятга, Ватанга содиқ фарзанд қилиб тарбиялаш бугуннинг энг долзарб муаммоси ва талабларидан биридир.

Ёшлар давлат ва миллат истиқболини белгилайди. Уларда яхши хулқ, муомала маданиятини шакллантиришда, уларда мардлик, содиқлик, Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришда устоз ва шогирдлик муносабатларининг ахлоқий-маънавий аҳамияти беқиёсдир.

Маълумки, халқимиз азал-азалдан устоз ва шогирдлик муносабатларига нисбатан алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келган, бу хусусият ҳозирда ҳам шундай давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар, урф-одатлар устоз ва шогирдлик муносабатларида уйғунлашади, сақланади, натижада тарихий тафаккур, дунёвий билимлар, маънавий ва ахлоқий қадриятлар, шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, устоз ва шогирдлик муносабатлари касб ҳамда илмда миллат келажагини белгилайдиган ўзига хос барометр вазифасини бажаради, жамоатчилик фикрни, ижтимоий психологияни бошқариб туради.

Устозлар ўз шогирдларининг касбий маҳоратини ошириб, билимини, фикрлаш қобилиятини, ақлини ўткирлаштирадилар, нутқини равшан ва таъсирчан қиладилар, уларни ҳаётда маъқул йўлни танлай билишга ва ҳаётий жумбоқлар ҳамда муаммоларни тўғри ечишга ўргатадилар, шунингдек, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳат берадилар.

Қадим аждодларимизнинг бой тажрибаларига амал қилиш, уларнинг анъаналарини ҳозирги давр билан уйғунлаштириб давом эттиришдек фахрли ҳамда олижаноб ишларида устозларнинг беминнат ва сермашаққат хизматлари каттадир.

Биз устозларни гўёки ёниб турган шамга ўхшатамиз. Зеро, улар атрофга нур сочиб, таратаётган ёғдулари орқали шогирдларига шоир айтганидек, нурафшон йўлларни кўрсатиб, дадил қадам ташлашларига ҳамда узоқни кўра билишларига имкон яратиб берадилар. Улар ўз шогирдларининг порлоқ келажаги учун ҳеч бир ташвишдан озорланмайдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳамма ҳавас қилган устозга муносиб шогирд бўлишнинг ўзи ҳам улкан бахт ва ҳавас қилса арзигулик ҳолдир. Доно халқимиз: «Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деб бежиз айтмаган. Устоз кўрган шогирд билан устоз кўрмаганнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳа, ўтаётган ҳаёт ҳар бир кун, ҳар дақиқа биздан устозларга нисбатан садоқат ҳамда ҳурмат билан хизмат қилишни, уларга нисбатан доимо эъзоз ва муҳаббатда бўлишликни тақозо этади. Устознинг розилигини, дуосини олган шогирдлар эса ҳеч қачон кам бўлмаган.

Шуни унутмаслик керакки, илмли устозни эл ҳам, замон ҳам эъзозлайди. Мамлакатимизда ҳам Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳар йили катта байрам сифатида нишонланмоқда, устозларнинг қадр-қиммати янада ортиб бормоқда.

Юртимизда илму фан йўлида жонбозлик кўрсатиш билан бирга, ёшларга ўз билим ҳамда тажрибаларни маҳорат билан улашиб келаётган жонкуяр устозларнинг кўплиги эса бизнинг омадимиз, бахтимиздир.

Адлия подполковниги
Икромжон ҲИКМАТОВ.

Туҳфа

УСТОЗ

Муаллим – эзгулик, имон боғбони,
Зиёси қалбларни ёритар чақин.
У билан собитдир илм бўстони,
Эл аро азизу ҳар дилга яқин.
Меҳр оташига асло йўқ қиёс –
Устоз.

Дунё тамаддуни тутар кифтида,
Яхши амал борки барига пойдор.
Тошда гул ундирар юрак тафтида,
Ҳар бир соҳа ичра чўнг хиссаси бор.
Қуёшдек нур тутмоқ фақат унга хос –
Устоз.

Камтарсиз камолга етказиб мингни,
Содда чеҳрангиздан ёғилар ҳикмат.
Маърифатга тикиб кўз-нурингизни,
Илму урфон дея чекурсиз заҳмат.
Заминдек хокисор, онадек мумтоз –
Устоз.

Сенга бахт калитин тутар шу қўллар,
Англайсан Ватанни, бурч ва имонни.
Қўлларингдан тутиб ҳаётга йўллар,
Устоз-ла енгурсан минг бир довонни,
Унинг ҳар каломи мукаррам, эъзоз –
Устоз.

Зулфия ЮНУСОВА.

УЛУҒ ЗОТ

Устоз қуёшдир гўё,
Усиз ҳаёт зулматдир.
Унинг сўзлари зиё,
Ҳар бир иши ибратдир.

У отадек улуғ зот,
У онадек меҳрибон.
У дўст каби қўшқанот,
Қариндошдек қадрдон.

Кўнгилларни ёритар,
Унинг меҳр қуёши.
У шундай зот оламда,
Топилмагай қиёси.

Шоҳида БАҲРАНОВА.

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБ

Ўқитувчилик – фидойилик демак. Ўқитувчиларни устозлар, дея эъзозлаймиз. Дарҳақиқат, улар ана шу эъзозу ҳурматга ҳар томонлама муносибдирлар. Чунки буюк олиму уламолар, фозилу фузалолар, саркарда-ю давлат арбоблари ҳам муаллим ва мураббийлардан тарбия олишган.



Таъкидлаш жоизки, юрт посбонлари, яъни офицер ва сержантларнинг чинакам профессионал, илм-фан сирларини ҳар томонлама мукаммал эгаллаган бўлишида ҳам фидойи устозлар хизматининг ўрни юксакдир. Етук малакали офицер ёки сержант – устозлар меҳнатининг меваси! Эришилган муваффақият – яхши устозлар таълим-тарбиясидан далолат. Ҳа, устозлар йўл-йўриғи воситасида билим юртларида курсантлар ва тингловчилар етиляпти, таъбир жоиз бўлса, интеллектуал салоҳият юксаляпти, чинакам профессионал командирлар шаклланяпти. Қуролли Кучларимиз сафларини ўз ишининг моҳир билимдони бўлган етук малакали мутахассислар билан тўлдиришда ҳисса қўшиб келаётган Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси полковник Темур Таиров ҳам ана шундай фидойи ва заҳматкаш устозлардан.

Офицер Таиров бундан анча йиллар олдин айнан ўзи фаолият юритаётган билим юртини тугатган эди. Ўшанда юрагида ўт-олов гуриллаб ёнган ғайрат-шижоатли бу ўғлон келажак сари дадил боқаркан, бир кун келиб ана шу қадрдон билим юртига яна қайтиб келиши мумкинлигини билмас, ўзига оқ йўл тилаётган устозларига ҳамкасб бўлиши ҳақида асло ўйламасди ҳам. Фикри-зикри ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган ва ҳарб санъати сирларининг билимдони бўлишни кўзлаган умидвор ўғлон шу тариқа хизматни бошлади. Турли гарнизонларда, турли хил шароитларда хизмат қилиб улғайди, тинмай билими ва ҳаётий тажрибасини ошириб борди.

Ватанимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда ҳарбий мутахассис кадрларга эҳтиёж катта бўлганини барчамиз биламиз. Ўшанда офицер Таиров биринчилар қатори ўз юртимизга қайтиб келди ва Ўзбекистон армияси сафида хизматини давом эттирди. Кўп ўтмай юқори қўмондонлик томонидан уни Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида курсантларга ўқитувчилик қилишдек шарафли вазифага муносиб топишди ҳамда ёш авлодга тарбия беришдек устувор вазифани ишониб топширишди. Шу тариқа офицер Таиров ўқитувчиликдан кафедра бошлиғи ва факультет раҳбарлигигача бўлган катта ва шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Бугун полковник Таировга нафақат билим юрти, балки Қуролли Кучларимизда кўплаб офицерлар устоз деб, мурожаат қилишади. Ёшлар ундан ўрганишади, ибрат олишади ва нафақат соҳага доир, балки ҳаётий масалаларда ҳам маслаҳатлар сўраб туришади. Бағри кенг устоз эса қўлидан келган барча ёрдамни кўрсатишга доимо шай.

Албатта, астойдил қилинган меҳнат ҳеч қачон бесамар кетмаганидек, полковник Таировнинг фидойи хизматлари ҳам эътиборсиз қолгани йўқ. У бир неча марта мақтов ва миннатдорчиликларга сазовор бўлди, фахрий ёрлиқларга муносиб кўрилди, Қуролли Кучларимиз ташкил этилганига ўн беш йил тўлиши муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан таъсис этилган эсдалик нишон билан тақдирланди.

– Мен нимагаки эришган бўлсам ёки ютуқларимнинг барчасида турмуш ўртоғим, Қуролли Кучлар хизматчиси Моҳирахоннинг ҳиссаси катта, – дейди офицер Таиров оила бошлиқларига хос салмоқ билан. – Моҳирахон билан икки қиз – Насибахон ва Дилшодаларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик. Асалдан ширин икки набирам бор. Ҳа, дарвоқе, кенжа куёвим ҳам ўзимга ўхшаган ҳарбий. Демак, бошлаган ишларимизни болаларимиз давом эттираётганидан қувонсак арзийди.

Ортда қолган йиллар давомида курсантлар ва офицерлар учун маълумотнома, услубий қўлланма ва йўриқномалар тайёрлаган, кўплаб мақола ва рисолаларга ҳамкорлик қилган полковник Тоировнинг олдинда ҳали режалари улкан. Уларнинг барчаси амалга ошишига эса биз астойдил тилакдошмиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Фан фидойилари

ОЛИМЛИК САОДАТИ

Тошкент вилоятининг машҳур қишлоқларидан бўлган Байтқўрғонда Абдуқаҳҳор ота Мусаев хонадони халқнинг назарига тушган. Бу оилада 12 фарзанд - олти ўғил, олти қиз улғайди. Ҳозирда юз ёшни қоралаётган Абдуқаҳҳор ота ва марҳума Баҳринисо оналарнинг фарзандларини маърифатли, етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишида хизматлари беқиёсдир. Барча фарзандлар илмли, маърифатли инсонлар бўлиб етишишди.

Мақоламизда ушбу оиладан етишиб чиққан фарзандлардан бири, математика фанида катта ютуқларга эришган Давлатали Мусаев ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Давлаталининг ўқувчилик даврида оқ илмга, айниқса, математикага бўлган қизиқиши келажакда уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультетида ўқишига сабаб бўлди. Институтни муваффақиятли тугаллагач, 1972 йили уни шу ерда ўқитувчилик қилишга таклиф этишди.

Давлатали билимини юксалтириш, илмий изланишларини давом эттириш ниятида 1980 йили Москва давлат Университетининг «Геометрия ва топология» кафедрасига аспирантурага кирди. Топология фазоларнинг умумий хоссаларини ўрганувчи математиканинг мураккаб бўлимлардан бўлиб, бу фан билан шуғулланиш илмий изланувчидан катта истеъдод, кучли ирода ва матонат талаб қилади. Давлатали Мусаев «Суперпарокомпактли фазо ҳақида» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади.

Шундан сўнг Тошкент Давлат политехника институтининг математика кафедраси мудири, Кимё-технология факультетида тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосари, Тошкент кооператив тижорат коллежи директори, 2002 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Математика институтининг етакчи илмий ходими вазифасида ишлаб келмоқда.

Олимнинг илмий ютуқларни қўлга киритиши учун кенг имкониятлар юзага келиши мамлакатимиз мустақиллиги билан боғлиқ. Чунки, мустақиллик бизга кенг имкониятларни, ҳур фикрлашни, ўзлигимизни, она тилимизни қайтариб берди. Истиқлол шарофати билан ўзбек олимларига кенг йўллар очилди, хориж билан турли фан йўналишлари бўйича илмий ҳамкорлик ўрнатилди.

Давлатали Мусаев мустақиллик йилларида Россия, АҚШ, Польша, Япония олимлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатди. Дунёга машҳур бўлган олимлар - россиялик академик П.Александров, В.Пономарев, англиялик тополог К.Морита ҳамда япониялик тополог Ж.Нагата ва Фрейденталларнинг топология йўналиши бўйича олган классик натижаларини умумлаштиришга эришди. Ўзининг топология бўйича олган илмий натижаларини, 70 дан ортиқ мақола ва монографияларини нафақат Ўзбекистон, балки хориж журналларида эълон қилди. Илмий изланишлари натижаларининг якуни сифатида 2005 йил Республика Фанлар Академиясининг Математика институтида «Топологик фазоларнинг ҳамда узлуксиз акслантиришларнинг компактлилик ва тўлалик хоссалари» мавзуидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Дунёда сарф этган сари кўпаядиган бойлик бор, бу – билимдир. Давлатали ўз билимини ёшларга, шогирдларига ва фарзандларига юқтиришни, унинг ишлари давом эттирилишини истайди. Шунга монанд ҳолда қизи Санобархон ҳозир Тошкент Давлат педагогика университетининг математика факультетида таҳсил олмоқда. У ҳам топологияга қизиқади, ҳозиргача республиканинг нуфузли журналларида «Узлуксиз акслантиришларнинг умумий топологияси йўналиши» бўйича бешдан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган.

Адҳам ИБРОҲИМОВ,
Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти профессори.

ШАРАФЛИ ВА ФАХРЛИ СОҲА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари талабларига риоя этган ҳолда Президентимизнинг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Мудофаа ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг олий ўқув юртлари талабалари ичидан резервдаги ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тўғрисида»ги қўшма қарорлари талабларининг амалдаги ижросини таъминлаш юзасидан ҳозирги кунда ҳарбий кафедраси мавжуд бўлган олий ўқув юртларида талабалар захирадаги ва резервдаги офицерликка тайёрланишмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳам талабалар танлов асосида ҳарбий кафедрага қабул қилиниб, 3-курсдан бошлаб 8 турдаги мутахассислик бўйича резервдаги ва захирадаги офицерлар тайёрлаш курси дастурига мувофиқ ўқитилмоқда.

Ҳарбий кафедрада ўқишга даъвогарлар соғлиги яроқли, ёши 27 дан ошмаган йигитлар (тиббиёт институтида эса толибалар ҳам жалб этилиши мумкин) бўлиши керак. Захирадаги ва резервдаги офицерларни тайёрлаш ғоят жиддий вазифадир. Бугун зиммаларига ана шу масъулиятли вазифани олган кафедрамизнинг ҳар бир аъзоси ишига жиддий ёндашиб, бор билим ва тажрибаларини қўллаб келишмоқда. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳудудий яхлитлигини асраш, халқимиз тинч-тотув ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи, бўлажак посбонларга таълим-тарбия бераётган устозларда эса масъулият ҳисси янада кўпроқдир.

Халқимиз устоз ва мураббийларни ҳамма вақт юксак қадрлаб, эъзозу эҳтиром кўрсатиб келган. Мустақилликка эришганимиздан кейин уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу кунгача шахсан Президентимиз бошчилигида бу борада кўп ишлар қилингани, жумладан, Олий Мажлиснинг 1996 йил 27 декабрдаги қарорига мувофиқ 1 октябрнинг Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб белгиланиши ҳам мазкур ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Ушбу байрамни ҳар йили бутун халқимиз кенг шодиёна билан нишонлайди. Байрам куни устоз ва мураббийларга атаб юртимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларда концерт дастурлари, шодиёналар ташкил этилади. Кўрсатилаётган бу каби эътибору ғамхўрликларнинг барчаси биз ўқитувчиларга танлаган касбимиз нечоғлик эъзозли, шарафли эканлигини кўрсатиб туради ва кўнгилларимизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади.

Капитан Қамбарали АЗИЗОВ,
Тошкент давлат техника университети ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.
Алишер Навоий.

Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Абдураҳмон Жомий.

Ўқув қунт беради, билим – шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон.
Маҳмуд Қошғарий.

Сиздан бошланади асли тафаккур,
Мунис муаллимлар, сизга ташаккур!
Абдулла Орипов.

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий омил – муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.
А.Дистервег.

Бировни ўргатишинг учун, ўзинг ўрганишинг учун лозим бўлганидан кўра ҳам кўпроқ ақл керак.
М.Монтель.

Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади – қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади.
А.Дистервег.

УСТОЗЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Пойтахтда жойлашган Мудофаа вазирлигига қарашли "Ниҳол" болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам устозлар кунига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда болалар тарбиясидек ғоят мураккаб ва машаққатли касбда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари фаолият кўрсатишади. Мазкур тарбия масканининг жажжи кичкинтойлари иштирокидаги чиқишлардан турли тантанали тадбирларда баҳраманд бўлганмиз. Болажонларнинг самимиятга тўлиқ қувноқ чиқишларидан завқ олганмиз. Яқин кунларда нишонланадиган устозлар байрамида ҳам улар кўпчиликка олам-олам шавқ улашишлари шубҳасиз.

Тарбиячи Муҳаббат Васихованинг тарбиячилик фаолияти қарийб ўттиз йилга яқин муддатни ташкил этади. Унинг тарбияланувчилари орасида иқтидорли, зукко кичкинтойлар кўп. Бу тарбиячининг ўзига ҳам боғлиқ бўлса керак. Чунки тажрибали мураббийнинг халқимиз иборaси билан айтадиган бўлсак, қўли гул. Яхшигина рассом, тикувчи, безакчи, руҳшунос хуллас, маҳоратли мутахассис.

Боғча тарбиячилари у ёки бу соҳанинг ўткир билимдонлари ҳамдир. Болажонларнинг завқ-шавқ тўла рақсларини кўрганда билингки, улар Гулсара Муҳамедованинг шогирдларидир. Байрамга тайёрланаётган рақслар гулдастаси ҳозирча сир. Ўйлаймизки, мазкур совға нафақат устозларга балки кичкинтойларнинг ота-оналарига ҳам манзур бўлади.

Байрамга ҳар бир кичкинтойнинг ўз совғаси бор. Тарбияланувчи Никита Никольскийда артистлик қобилияти сабаб ўз чиқиши билан барчани хушнуд қилиши шубҳасиз. Умида Маҳкамова маҳоратли раққоса ҳисобланади. Опа-сингил Сетора ва Назокат Абдурашидоваларнинг байрам чиқишлари ҳам ҳаммани мафтун этишига шубҳа йўқ. Максим Пак, Улуғбек Файзиевларга боғча муҳити ижобий таъсир қилган. Улар илк бор келганларида индамасликлари билан ажралиб турардилар. Ҳозир бийрон болакайлар ўткир зеҳнлари-ю ижодкорликлари билан ажралиб турадилар. Бу борада устозларининг маҳоратига ҳам тан бермасдан иложимиз йўқ. Уларнинг ўз ишларига ижодкорона ёндашувлари иқтидорли кичкинтойлар сафини кенгайтиради. Чучук ва ширин тилда шеър ўқиётган болакайга лоқайд қараш мумкин эмас. Робия Баҳодирова, Женя Соловьев, Саша Пукемова, Севара Файзиева, Эсмира Истамовалар устозларни қувноқ қўшиқ ва рақслардан ташқари шеърлар айтиб қутлашмоқчи.

– Болажонларнинг мен учун энг катта, илҳомбахш совғалари: тонгда қувонч билан бу масканга ташриф буюришларидир ва худди шундай қувонч-ла уйларига қайтишларидир,— дейди боғча мудираси Муқаддас Аҳмедова. – Бу ерда касбини жон-дилидан севган Юта Шафигулина, Елена Арслонова, Людмила Эсонова каби мутахассислар меҳнат қиладилар. Боғча тарбиячилари ўқув йиғинида ҳам улар фаолиятига юқори баҳо берилиб, кўпчилик ўртасида фидокорона меҳнатлари эътироф этилди. Фурсатдан фойдаланиб касб байрами билан барча ўқитувчи ва мураббийларимизни қутлайман.

Инобат НОДИРШОҲОВА,
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



МАЪНАВИЯТ – ҚАЛБ ЗИЙНАТИ

«Энг яхши китобхон»

ИНСОНИЯТ ЗАКОСИНИНГ БУЮК ХАЗИНАСИ

Дунёда мўъжизалар кўп. Шулар орасида энг бебаҳоси китобдир. Ундагина инсоният заковатининг энг теран, мукаммал хазинаси мужассам. Инсон руҳиятининг турфа иқлимларини ана шу хазина орқали англаймиз. Ўзликни англаш, инжа туйғуларга ошно тутиниш, диний ва дунёвий илмлар калити ҳам айнан шу китоб аталмиш мўъжизада мавжуддир.

Аҳли донишлардан бири «Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлни чархлайди ва юракларни юмшатади» деганида минг бора ҳақдир. Ҳаётимизда китобнинг ўрни беқиёс. Инсон «бешикдан қабргача илм излар» экан, аждодлардан қолган бебаҳо маънавий бойликларни фақат китоблар орқалигина кашф этади, эгаллайди. Инсон қалбини гўзалликка ошно қиладиган китоб чин маънода инсониятнинг битмас-туганмас олтин хазинасидир.

Комил инсон тарбиясида китобнинг нечоғли улкан аҳамияти борлигини эътиборга олиниб, кутубхоналар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Ҳарбий хизмачиларнинг тафаккурини янада юксалтириш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай эзгу ишлардан бири «Энг яхши китобхон» танлови саналади. Уч босқичдан иборат мазкур танлов 2005 йилдан бошлаб Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказиб келинмоқда.

Газетанинг ўтган сонида хабар берганимиздек, Мустақиллик байрами тантаналари билан ҳамнафас китобхонлар беллашувининг якуний босқичи ўз ниҳоясига етди. Марказий офицерлар саройининг маданий-маърифий ишлар бўйича йўриқчиси бошловчи Гавҳар Тешабоева китобхонлар учта шарт бўйича беллашишларини эълон қилгач, ғолиблик учун баҳслар бошланди. Биринчи шартнинг саволлари ёзувчи ва шоирлар, уларнинг ҳаёти, ижоди, машҳур асар қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлди. Шартнинг ўзига хос мураккаблиги шундаки, қисқа муддат ичида анчайин қийин саволларга ўта қисқа вақтда жавоб бериш лозим эди.

Иккинчи шартнинг саволлари янада қизиқарли бўлди. Бунда беллашувчилар халқ донишмандлигининг гўзал ифодаси бўлган мақолларни ким кўпроқ ва яхшироқ билиши борасида ўз билимларини намойиш этдилар. Айнан халқ мақолларининг ўрнида, топиб қўлланилиши инсондаги ақлий заковатнинг нечоғли ўткир эканлигини ҳам белгилайди. Ҳарбийларимиз бу борада ҳам ўзларининг чуқур билим эгаси эканликларини намойиш этишди.

Учинчи шарт ҳам ўзига хос. Бунда катакчалар орасида жойлашган ҳарфлар орқали ғоят қисқа вақт мобайнида сўз бойлигини кўрсатиш учун кўплаб сўзлар тузиш керак эди. Мазкур шартнинг талабларига ҳамма бирдек жавоб бера олмади, албатта.

Беллашув ўз номи билан беллашув. Уни талабчан, адолатли ҳакамлар ҳайъати — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Абдураззоқ Обрўев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли кинорежиссёр Шавкат Маҳбубов, Республика маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Ботир Чинибековлар баҳолаб боришди. Танлов ҳакамлар ҳайъати учинчи ўринга шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилафрўз Холиқовани муносиб деб топди. Иккинчи ўрин капитан Мухторжон Қурбоновга насиб этди. Шарафли биринчи ўринни эса шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилдора Каттабобоева эгаллади. Ўтказилган тадбир юзасидан ҳайъат раиси Абдураззоқ Обрўев ўз мулоҳазаларини шундай баён этди:

— Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказиладиган турли маърифий тадбирлардан яхшигина хабардормиз, Хусусан, бугунги «Энг яхши китобхон» танловидан ҳам. Мазкур танлов ҳарбий хизматчиларимиз юксак интеллектуал салоҳиятларининг амалдаги яна бир кўриниши бўлди. Маънавий баркамол посбон тарбиясида бу каби тадбирларнинг ўрни, аҳамияти юксак.

– Мазкур танловни биз ҳайъат аъзолари катта қизиқиш билан кузатиб бордик, — дейди Ботир Чинибеков. — Ҳарбийларимизнинг адабиёт соҳасидаги бирмунча мураккаб саволларга ҳам қийналмасдан жавоб қайтаришлари бизни хурсанд қилди. Бу ҳам бўлса китобнинг устоз даражасида ўрни беқиёслигидандир. Посбонларнинг бундай серфайз тадбирларида биз бундан кейин ҳам бажонидил қатнашишга, ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

– Танлов савияси юксак даражада ташкил қилинганлиги кўриниб турибди, — дейди яна бир ҳайъат аъзоси Шавкат Маҳбубов. – Қалби китобга ошно тутинган, маънавияти юксак инсонлар ҳамиша юрт келажагини белгилашган. Бугунги иштирокчиларнинг барчаси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Тадбирга Мудофаа вазирлигининг Марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонанда ва раққосалари алоҳида файз бахш этдилар. Танлов ғолибларига Мудофаа вазирлигининг махсус дипломи ва пул мукофотлари топширилди.

— Танлов мен учун жуда ҳаяжонли кечди, — дейди биз билан суҳбатда Дилдора Каттабобоева. – Биринчи ўринга эришиш осон бўлгани йўқ. Мен билан бир қаторда беллашган посбонларнинг ҳар бири ўзига хос китоб билимдонлари эди, десам янглишмайман. Ғолиблик менга юксак масъулият ҳам юклайди. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашга, сафдошларимни китобхонликка янада кўпроқ даъват этишга ундаб туради. Китоб тарбиянинг энг кучли қуролидир. Фурсатдан фойдаланиб, шундай сермазмун тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Инобат ЗАКАРИЁЕВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.



ҲАРБИЙ ЛИБОС АСКАРНИНГ КЎРКИ

Ўзингиз жуда яхши биласиз, бизга ота-онамиз, устозларимиз болаликдан озода, саранжом-сариштa юриш, дид билан кийиниш зарурлигини уқтириб келишади. Хўш, кийиниш одобига, маданиятига риоя қилиш инсон учун шу қадар муҳимми? Келинг, ушбу саволга жавоб бериш учун мавзуга сал кенгроқ назар ташлайлик.

Аввал, бизга оддий бир нарса бўлиб туюладиган кийим-кечакларнинг бебаҳо неъмат эканлигини англаб етмоғимиз керак. У пахтадан, жундан, ипакдан тўқилганми, сунъий толадан тайёрланганми, аҳамияти йўқ, танамиз учун ажойиб бир тўсиқ, ҳимоя воситаси вазифасини ўтайди. Вужудимизни совуқдан, иссиқдан, атроф-муҳитнинг зарарли таъсирларидан, шикастланишдан сақлайди. Ташқи кўринишимизга чирой, кўрк беради. Энг муҳими, манбаи ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсига бориб тақаладиган толалар бизга беминнат хизмат қиладиган даражага етгунга қадар минглаб, миллионлаб инсонлар кеча-кундуз заҳмат чекишади, пешона тери тўкишади. Бу оддий ҳақиқатлар эса ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият, кийим-кечакларимизни асраб-авайлаш, покиза кийиш мажбуриятини юклайди.

Қадрини билган, ўзгаларни ҳурмат қилган одам пала-партиш, кир-чир кийимларда юриб, теварак-атрофдагиларнинг кўнглига озор беришни ўзи учун катта иснод, уят деб билади. Озодалик, чиройли кийиниш инсон ички дунёси, ахлоқининг таркибий қисми, ўзаро муносабатларга бевосита таъсир этувчи муҳим омил эканлигини жуда яхши англайди.

Қадим-қадимдан халқимизнинг миллий қадриятига айланиб кетган озодалик, покиза либослар кийиб юришга айниқса, ҳарбийлар катта эътибор қаратадилар. Бу талаб ҳатто Умумҳарбий низомларда ҳам акс этиб, ҳарбий хизматчининг мажбурияти сифатида белгиланган. Ахир ҳарбий либоснинг қадр-қиммати жуда ҳам юксак-да. Унга давлатчиликнинг олий тимсоллари, белгилари қадалади. Уни Ватани, халқининг тинчлигини ҳимоя қилишни ҳаётининг асл мазмуни деб билган энг фидойи ўғлонларгина кийишга муяссар бўла олади. Ҳарбий либосни эъзозлаш ички маданият, маърифатлилик белгиси. Ҳарбийча кийиниш одобига қатъий риоя қилиш интизомли, тарбияли жангчига хос фазилат. Ўз либосини озода тутмаган, ташқи кўринишига аҳамият бермайдиган посбон эса жамоада асло ҳурмат қозона олмайди. Офицер, сержант, аскар сафдами, машғулотдами ёки навбатчиликдами, биринчи навбатда унинг кийинишига қараб баҳо беришади. Ҳарбий либос – аскарнинг кўрки эканлиги командирлар, устозлар, сафдошлар томонидан ҳар қадамда эслатиб турилади.

Шунинг учун ҳам ўзбекнинг посбонларига қарасангиз, кўзингиз яшнайди. Содда, ўнғай, бежирим ҳарбий либослар уларга кўрк, чирой, руҳий кўтаринкилик, завқ бағишлаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Феруз УСМОНОВ.

«Энг улуғ ва энг азиз» кўрик-танлови

СУРАТЛАРДА ВАТАН АКСИ



Мустақиллик байрами арафасида турли мавзуларга бағишланган, миллий урф-одатларимиз акс этган кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Истиқлолимизнинг ўн олти йиллиги олдидан Мудофаа вазирлиги томонидан «Энг улуғ ва энг азиз» 1-Умумармия фото танлови эълон қилинган эди. Унда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчилари ҳамда фахрийлари иштирок этишди.

Яқинда Марказий офицерлар уйида ушбу танловнинг якуний босқичи ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга танлов қатнашчилари, ҳарбий қисмлардан келган юрт посбонлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюришди.

Эслатиб ўтамиз танлов уч номинация асосида ташкиллаштирилганди. Булар:

1. «Ўзбекистон – жонажон Ватаним»;
2. «Менинг армиям – менинг фахрим»;
3. «Профессионал армия сари».

Суратқашлар бу уч номинация бўйича Ватанимиз гўзаллиги ва бойликлари, Ватанга садоқат ва ватанпарварлик туйғулари, Қуролли Кучларимизнинг бугунги қиёфаси, жанговар тайёргарлик, профессионал посбонлар, спорт, маданият, маданий ҳордиқ каби мавзуларда ўз маҳоратларини намоён қилишиб, танловда муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қилишди. Айниқса, ҳаваскор суратқашлар томонидан суратга олинган фотолавҳалар кўпчиликка манзур бўлди.

– Менда фотосуратлар жуда катта таассурот қолдирди, – дейди офицер Аваз-бек Шералиев. – Қуролли Кучларимиз таркибида жуда кўплаб ўз касбининг профессионаллари хизмат қилишмоқда. Суратларда уларнинг жанговор ҳаёти, вазифасини мураккаб шароитларда бажариб келаётганлари маҳорат билан очиб берилган.

Қуролли Кучлар Марказий музейи бошлиғи офицер Содиқ Ортиқов танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, унинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб, танлов ғолиб ва совриндорларини эълон қилди. Унга кўра ҳаваскор суратқашлар орасидан биринчи ўринни Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти офицери Зафар Шакаров қўлга киритди («Йилқилар», «Полигон» фотолавҳалари учун). Иккинчи ўринга эса, Марказий офицерлар уйи мутахассиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Антон Тезиев («Пистирмада», «Снайпер», «Полигонда» фотолавҳалари учун) ҳамда шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилшод Эшонқуловлар сазовор бўлишди («Профессионал армия сари» фотолавҳаси учун). Учинчи ўрин Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти офицери Карим Нўмоновга («Мен учувчи бўлишни хоҳлайман» фотолавҳаси учун) ва Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти офицери Адҳам Мухторовга насиб этди («Мен албатта генерал бўламан» фотолавҳаси учун).

Профессионал суратқашлар ўртасида эса биринчи ўринга «Вазият» газетаси фотомухбири Тимур Каримов сазовор бўлди («Профессионал армия сари», «Тонг», «Самарқанд», «Бургут», «Хива» фотолавҳалари учун). Иккинчи ўринни «Ватанпарвар» газетаси фотомухбири, Қуролли Кучлар хизматчиси Комолиддин Тўраев қўлга киритди («Олма», «Самарқанд», «Полигонда» фотолавҳалари учун). Учинчи ўрин Қуролли Кучлар академияси суратқаши Сергей Спиридоновга насиб этди («Менинг армиям – менинг фахрим», «Курсантлар», «Профессионал армия сари» фотолавҳалари учун).

Шунингдек, танловда фаол қатнашганлиги учун офицерлар Толиб Мансуров, Анвар Мавлонов ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари Матлуба Юлдошева ва Олег Шариповлар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Ғолиб ва совриндорларга Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи офицер Дилавер Аблаев Фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо совғаларни топширди. Танловда энг фаол иштирок этганлиги учун Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Мудофаа вазирлиги томонидан махсус совға, яъни рақамли «SONI» фотоаппарати билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, танлов ғолибларининг энг яхши фотолавҳалари келажакда ҳарбий қисм ва муассасалар ҳудудида, ётоқхонасида, ошхона ва дам олиш хоналарида ўз аксини топади. Танлов сўнгида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан дилтортар куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Суратда: СОҲАҚМБЮ масъул офицери И. СОБИРОВ соврин билан. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Воспитательная работа: опыт, проблемы

К СЛУЖБЕ ТВОРЧЕСКИЙ ПОДХОД

В воинском коллективе подразделения, где заместителем командира по воспитательной работе капитан Рамз Имамов, пристальное внимание уделяется вопросам профилактики нарушения воинской дисциплины. Здесь справедливо полагают, что для поддержания уставной требовательности и образцового порядка в подразделении необходима индивидуальная каждодневная работа со всеми категориями военнослужащих, проводимая в атмосфере доброжелательности и взаимного доверия.



Для военнослужащих, только начинающих службу, в ходе таких бесед, после ознакомления с биографией, изучения их личных качеств, порой достаточно простого доведения требований уставов, приказов старших начальников, примеров отличного выполнения воинского долга лучшими сослуживцами. К более опытным воинам, которым доверяется выполнение ответственных задач, офицеры-воспитатели ищут подход, исходя из результатов их служебной деятельности.

Стрелок взвода охраны рядовой Равшан Исроилов, к примеру, в ходе несения службы в карауле выполняет боевую задачу по охране и обороне вверенного ему поста. Сам солдат к выполнению своих обязанностей относится добросовестно, не раз поощрялся командирами и начальниками. А вот с сослуживцами, допускающими, по его мнению, недобросовестность к службе, порой резок и несдержан.

До службы в армии он поступал в Ташкентское высшее общевойсковое командное училище и не набрал необходимого количества баллов. Равшан твердо намерен отличной службой заслужить право на получение Рекомендации командования, дающей возможность льготного поступления в высшее образовательное учреждение. По признанию воина, многие новички, только прибывающие в армейские подразделения, имеют поверхностное представление об армии. Потому и жалуются на трудности и испытания армейской жизни.

Офицеры-воспитатели нашли подход к рядовому Р. Исроилову, наглядно объяснив, что, став офицером, он может не раз столкнуться с нерадивыми подчиненными. И если он, будучи солдатом, не научится проявлять чуткость, отзывчивость и доброжелательность в отношении к сослуживцам, то как он сможет стать настоящим лидером, заботливым командиром, как будет обучать и воспитывать целый воинский коллектив, став его командиром?

Не сразу, но Равшан научился сдерживать свои эмоции. Более того, он понял, что при выполнении ответственной задачи, когда чувства обострены, а нагрузка высока, доброе слово, надежная поддержка друзей, а порой и уместная шутка помогают новичкам приобрести уверенность в своих силах, не допускать ошибок.

В армейской службе большое значение имеет физическая выносливость и спортивная закалка военнослужащих, умение переносить большие физические нагрузки. Студент факультета физического воспитания Андижанского государственного университета рядовой Улугбек Эргашев с первого дня службы выполняет общественную нагрузку – помогает командованию подразделения в повышении уровня физической подготовленности своих сослуживцев.

– Все кандидаты в солдаты срочной службы перед призывом проходят тестовые испытания в Управлениях по делам обороны, – говорит рядовой У.Эргашев. – Поэтому слабых среди нас нет, да и не могло оказаться. Другое дело, когда ввиду особенностей индивидуального развития организма некоторые ребята в период адаптации снижают свои показатели по физической подготовке. И здесь моим долгом является оказание им методической и психологической помощи, чтобы они обрели уверенность в себе.

Сегодня будущий учитель понимает, что в воинском коллективе, в котором обязательно будут передовые и отстающие, должна царить атмосфера здорового соперничества и взаимопомощи. Потому он старается быть примером доброжелательности и участия по отношению к боевым товарищам. Приобретенный им в армейском коллективе опыт поможет и в дальнейшей жизни, на преподавательской и тренерской работе.

Особое внимание в коллективе уделяется индивидуальной работе с военнослужащими-профессионалами, призванными стать лидерами воинских коллективов, первыми помощниками офицеров в поддержании уставного порядка в подразделении.

– Вопросы воспитания чуткости, отзывчивости, доброжелательности имеют огромное значение не только в отношении солдат срочной службы, они касаются всех категорий военнослужащих, – говорит офицер Шухрат Юсупов. – Когда в доброжелательной индивидуальной беседе обсуждаешь с военнослужащим по контракту конкретную нестандартную ситуацию, а также ее возможные последствия, подкрепляя диалог соответствующими примерами из прежних лет служебной практики, результат не заставляет себя долго ждать. Потому сегодня сержанты стараются быть образцовыми в соблюдении требований воинской дисциплины и, по примеру офицеров, сами проводят соответствующую профилактическую работу с подчиненными. Опираясь, прежде всего, на знание их индивидуальных особенностей.

Как относятся к постоянной профилактической работе командиров по вопросу поддержания воинской дисциплины в подразделении сами военнослужащие срочной службы?

– Хочу подчеркнуть, требование командиров быть отзывчивыми и терпеливыми по отношению к сослуживцам совпадает с менталитетом нашего народа, – говорит рядовой Салохиддин Иноятов, призванный осенью прошлого года из Юнусабадского района города Ташкента и готовящийся к увольнению в резерв. – Подавляющее большинство моих сослуживцев выросли в махалле, в больших, дружных семьях. Для них естественны как уважение к старшему, так и забота о младшем. Служба в армии, выполнение ответственных учебно-боевых задач, общение с ровесниками из самых разных регионов страны дают каждому отслужившему срочную службу неоценимый опыт. И этот опыт обязательно пригодится в нашей дальнейшей жизни.

В своем докладе Ислам Каримов на совместном заседании Олий Мажлиса, Кабинета Министров, Аппарата Президента Республики Узбекистан, посвященном 16-й годовщине независимости, отметил, что: «...служба в армии, без преувеличения, становится не только конституционным долгом гражданина Узбекистана, но и одной из престижных профессий в стране. Молодые люди, пришедшие в армию, не только осваивают военные специальности – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины».

Это высокая оценка большой воспитательной работы, проводимой командирами всех степеней в воинских коллективах. Но сегодня необходима как уже проводимая повседневная профилактическая работа, так и поиск новых форм и методов работы с различными категориями военнослужащих. Только тогда в воинских коллективах будет царить атмосфера доброжелательности и взаимного доверия, обеспечивая и укрепляя профессиональную выучку и боевую готовность защитников Родины.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

1 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Минг бир ривоят».
9.05 «Устозга таъзим!»
9.10 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Одами эрсанг...»
10.25 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
11.55 «Устозга таъзим!»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Дока рўмолнинг қуриши». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10 «Дока рўмолнинг қуриши». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.15 «Оҳанрабо».
15.55 «Одамлардан бири».
16.15 «Интеллектуал ринг».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Устозга таъзим!»
17.25 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.05 «Минг бир ривоят».
18.10 «Рамазон туҳфаси».
18.35 «Олтин мерос».
18.45 «Фанимиз дарғалари». 1-қисм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир кун».
22.10 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея)
23.05 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.15 «Довюрак самурай». Телесериал премьераси (Япония)
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Илмий-техник маркази».
00.35 «Чемпион сирлари».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Дока рўмолнинг қуриши». Бадиий фильм.
03.50 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!
7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Болалар давраси».
8.40 Миллий кино: «Мафтунинг-ман».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 Ўқитувчилар учун кино: «Ғаройиб бола».
11.50 Миллий спектакль: «Парвона».
13.50 «Хайрлашув оқшоми». Видеофильм.
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 «Мening мактабим».
16.10 «Таълим ва тараққиёт».
16.25 «Байрамингиз муборак, азиз устозлар!»
16.30 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
(ёзиб олинган)
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Телетуҳфа».
18.15 Мультсериал.
18.25 «Устозим!»
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.35 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Байрам наволари».
20.40 «Байрамингиз муборак, азиз устозлар!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
21.45 «Радиодан кўрсатамиз!»
21.55 «Эълонлар».
22.00 «ДАВР».
22.50 Ўқитувчилар учун кино: «Мен Сизни севардим».
00.15 «Таскин».

ТОШКЕНТ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция». Познавательная программа. 8-қисм.
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус).
22.50 Кино: «Мисс Поттер».

СПОРТ

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН.
7.00 ДАН – 24.00 ГАЧА.

2 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт».
9.20 «Икки дарё оралиғида».
9.40 «Покахонтас». Мультсериал.
10.05 «Соз сеҳри».
10.20 «Бир кун».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.15 «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 1-қисм.
16.30 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Агар Сиз»
17.30 «Турмуш чорраҳаларида».
18.10 «Рамазон туҳфаси».
18.35 «Олтин мерос».
18.40 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.55 «Фанимиз дарғалари».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.00 «Кўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Довюрак самурай».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тўрақўрғон».
00.35 «Қишлоқ ҳаёти».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.35 «Янги кун».
02.25 «Муқаддас қадамжолар».
02.45 «Шарқ тароналари».
03.00 «Ахборот» (ингл.).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
9.00 «Эрта сўнган юлдузлар».
9.20 «Мулки мумтоз».
9.40 «Ватаним!»
9.45 «Нафосат олами».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Устозим!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 Жаҳон мусиқа мулкидан: Жорж Бизе. «Марварид изловчилар».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Меҳроб-дан чаён».
17.00 «Истиқбол тимсоллари».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Телетуҳфа».
18.15 Мультсериал.
18.25 «Болалар табассуми».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.35 «Айро тақдирлар».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Матонат».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Гурур».
23.45 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар».
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Аёл қалби».
10.30 «Интервью» (рус.).
10.40 «Саломат бўлинг» (рус.).
10.50 «Туризм ҳақида» (рус.).
11.20 «ТВ-юрист» (рус.).
11.30 «Мисс Поттер».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Дом у озера».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири. Тўғридан – тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қурувчи» – «Бухоро».
12.50 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины.
Полуфинал.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири.
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати.
21.25 Футбол. Лигаси чемпионов. ЦСКА (Россия) – «Фенербахче» (Турция). Прямая трансляция. В перерыве «Хабарлар» (узб. яз.).
23.20 Автоспорт. Гран-при.
23.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Манчестер Юнайтед». (Англия) – «Рома» (Италия).

3 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.20 «Икки дарё оралиғида».
9.40 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Покахонтас». Мультсериал.
10.20 «Дутор тароналари».
10.35 «Агар Сиз»
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Экспедиция».
15.15 «Дунёнинг ишлари». Видеофильм. 2-қисм.
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Эътироф».
17.30 «Турмуш чорраҳаларида».
18.10 «Рамазон туҳфаси».
18.35 «Олтин мерос».
18.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
23.10 «Довюрак самурай».
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наққош».
00.35 «Шарқ яккакурашлари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Шум бола». Фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
9.00 «Эрта сўнган юлдузлар». Ҳусниддин Холиқов.
9.25 «Мулки мумтоз».
9.40 «Ватаним!»
9.45 «Нафосат олами».
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
11.10 «Чемпион сирлари».
11.30 «Journal» (инглиз тилида).
11.50 «Тараққиёт сари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Устозим!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 Жаҳон мусиқа мулкидан: Жузеппе Верди. «Норма».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Мехробдан чаён».
17.00 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.25 «Болалар табассуми».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.35 «Айро тақдирлар».
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Мусиқий лаҳза».
20.25 «Автопатруль».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Гурур». Телесериал.
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.35 «Ҳимоя».
9.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.50 «Ўйларим».
10.55 «Репортаж».
11.15 Кино: «Дом у озера».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Ўзбеккино» намойиш этади: «Хаттотлик санъати».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Девять ярдов-2». Премьера.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Кураш. Республика биринчилиги.
12.30 Баскетбол. Чемпионат Европы. Женщины.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири.
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Футбол мундиал».
21.05 Эркин кураш. Жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивное кино: «Легенда Баттера Ванса». Художественный фильм (1-қисм).
22.50 Енгил атлетика. Олтин Гран-при.
23.40 Футбол. Европа чемпионлар лигаси. «Валенсия» (Испания) – «Челси» (Англия).
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

4 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт».
9.20 «Икки дарё оралиғида».
9.45 Мультсериал.
10.10 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.30 «Табаррук замин».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хива».
11.30 «Бир жиноят изидан».
11.50 «Ахборот» (ингл.).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Назм ва наво».
15.40 «Эъзоз».
16.00 1.«Болалар дунёси».
2.«Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Турмуш чорраҳаларида».
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Рамазон туҳфаси».
18.30 «Олтин мерос».
18.40 «Шифокор қабулида».
19.05 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Сизнинг адвокатингиз».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Довюрак самурай».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Номаълум Қизилқум».
00.40 «Спортимиз маликалари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун».
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (ингл.).
03.15 Ўсмирлар симфоник оркестрининг концерти.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
9.00 «Эрта сўнган юлдузлар». Собит Асомов.
9.20 «Мулки мумтоз».
9.40 «Ватаним!»
9.45 «Нафосат олами». Мусаввир Мария Ли-Сафи ижодидан.
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «ВАТАНПАРВАР».
11.40 «Автопатруль».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Устозим!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 Жаҳон мусиқа мулкидан: Жорж Бизе. «Кармен».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён».
17.00 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Болалар табассуми».
18.10 «Даврнинг боласи».
18.20 Мультсериал.
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.35 «Айро тақдирлар».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 «Гурур». Телесериал.
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.30 «Камер оркестри концерти».
9.45 «Мисли гавҳар».
10.45 «ТВ-юрист» (рус.).
10.50 «Анонс».
10.55 Кино: «Девять ярдов-2».
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Иқтисод - ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Черный рыцарь».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Кураш. Республика биринчилиги.
12.30 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины. Финал.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири.
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 «Жасорат».
21.05 «Шарқ яккакурашлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Спортивное кино: «Легенда Баттера Ванса». Художественный фильм (2-қисм).
22.50 Футбол. Европа чемпионлар лигаси.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

5 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт».
9.20 «Икки дарё оралиғида».
9.45 1. «Болалар дунёси».
2. Мультсериал.
10.35 «Муқаддас қадамжолар».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар жилоси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Кўнгил риштаси».
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.15 Эски альбом.
14.20 «Экспедиция».
15.20 «Шарқ тароналари».
15.35 «Қишлоқ ҳаёти».
15.55 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик дастури».
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар –яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ифтихор».
17.20 «Турмуш чорраҳаларида».
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Рамазон туҳфаси».
18.30 «Олтин мерос».
18.45 «Рангин дунё».
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Корея)
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Довюрак самурай».
00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Морхўр изидан».
00.35 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.35 «Янги кун».
02.25 «Икки дил достони». Фильм.
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак»
9.00 «Таълим ва тараққиёт».
9.20 «Мулки мумтоз».
9.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
9.50 «Ватаним!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Интерфутбол».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Устозим!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 Жаҳон мусиқа мулкидан: Гаэтано Доницетти. «Севги шароби».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён» (якунловчи қисм).
17.00 «Соliқ хизмати хабарлари».
17.10 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
18.00 «Болалар табассуми».
18.10 «Даврнинг боласи».
18.20 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.35 «Айро тақдирлар». 20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Ёшлик наволари».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Эрта сўнган юлдузлар». Дилнура Қодиржонова.
22.00 «ДАВР».
22.50 «Гурур». Телесериал (якунловчи қисмлар).

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Биласизми?»
10.25 «Иқтисод-ревю» (рус.).
10.35 «ТВ-юрист»(рус.).
10.45 Кино: «Черный рыцарь».
17.55 «Афиша» (рус.).
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист» (рус.).
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 «Анализируй это». Премьера.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов +».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (узб. тилида).
10.20 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири. Тўғридан – тўғри олиб кўрсатилади.
12.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қурувчи» – «Бухоро».
12.50 Волейбол. Чемпионат Европы. Женщины.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Старые дела». Сериал.
20.45 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири.
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Дастин Хофман в фильме «Герой».
Художественный фильм.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!

6 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Минг бир ривоят».
8.55 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.30 «Мусиқа дунёси».
9.50 «Шифокор қабулида».
10.20 1.«Рангинкамон».
2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
13.50 «Ватанимни куйлайман».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Бекат».
14.45 «Меҳр кўзда».
15.25 «Қорақалпоқ наволари».
15.40 «Болалар сайёраси»:
16.35 ТВ анонс.
16.40 «Минг бир маслаҳат».
17.00 «Саломатлик сирлари».
17.20 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
18.00 «Минг бир ривоят».
18.05 «Рамазон туҳфаси».
18.30 «Олтин мерос».
18.40 «Шахсий фикр».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Кўнгил қўшиқ истайди».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оддий ҳақиқатлар». Токшоу.
22.20 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.30 «КиноТеатр».
23.00 «Тати Даниэль». Бадиий фильм.
00.45-00.55 Тунги наволар. «Uzbekistan».
00.55 Кўрсатувлар дастури.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КиноТеатр».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
05.30 «Нафосат олами».

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ»
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Эртагим-эртак».
9.30 «Эрта сўнган юлдузлар». Дилнура Қодиржонова.
9.50 «Ватаним!»
9.55 «Аждодлар хазинаси».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Айро тақдирлар».
10.40 «Қирол Шер-3». Мультфильм.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Соliқ хизмати хабарлари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Матонат».
14.00 «Пуаро». Телесериал.
14.50 «Тафаккур нури».
14.55 «Устозим!»
15.00 «ЯНГИ КУН»
15.50 Жаҳон мусиқа мулкидан: Жоаккино Россини. «Севилья сартароши».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Кўза». Қисқа метражли бадиий фильм.
16.45 «Тақдир». Ток-шоу.
17.30 «Чемпион сирлари».
17.50 «Камолот» хабарлари.
18.05 «Ёш оилалар – давлат ҳимоясида».
18.20 «Каталог».
18.30 «Мулки мумтоз».
18.50 «Шу кунларга етказганига шукр!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Дунё таомлари».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
20.00 «УЙ МАСАЛАСИ».
20.35 «Янги мавсум туҳфалари».
20.40 «Ватаним!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.00 «ДАВР».
22.50 Жаҳон киноси: «Енгилмас».
00.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.25 «ТВ-юрист».
9.35 «Маърифат фидойилари».
9.50 «Биласизми?»
9.55 «Саломат бўлинг».
10.40 «Репортаж» (рус.).
10.50 «Афиша» (рус.).
11.00 «ТВ-юрист» (рус.).
11.10 Кино: «Анализируй это».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.20 «ТВ-юрист».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Мысли вслух».
20.20 «Подводная экспедиция».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт».
22.50 Кино: «Знакомство с родителями». Премьера.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом оила».
10.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
10.45 Формула-1.
11.25 Баскетбол. Чемпионат Европы. Женщины.
12.05 «Путешествия натуралиста».
12.30 М. Задорнов. «Записки усталого романтика».
14.00 Теннис бўйича «Ташкент Оупен» халқаро турнири.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Фото-ревю».
19.10 «Файзли ошхона».
19.30 «Юлдузлар матчи».
19.50 «Стиль».
20.10 «Спортколлекция».
20.30 «Ледниковый период».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Ледниковый период» (продолжение).
23.30 Смешное кино: «Игра на миллионы».

7 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Минг бир ривоят».
8.50 «Қуёши ботмайдиган юрт». Телесериал.
9.20 «Саломатлик сирлари».
9.40 ТВ анонс.
9.45 «Ҳамон ёдимда» 1-қисм.
10.05 «Минг бир ривоят».
10.10 «Ҳамон ёдимда» 2-қисм.
10.30 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
11.50 «Ҳаёт манзаралари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «КИНОТАҚДИМ».
13.25 «Мусофир». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.50 ТВ анонс.
14.55 «Мусофир». Бадиий фильм. 2-қисм.
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Хатолар ороли». Мультфильм.
16.55 «Одами эрсанг»
17.15 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Рамазон туҳфаси».
18.25 «Олтин мерос».
18.35 ТВ анонс.
18.40 «Азизим».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ анонс.
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.05 «Заковат».
23.05 «Кўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Узганинг чиптаси». Бадиий фильм.
00.55 Кўрсатувлар дастури.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус).
01.30 ТВ анонс.
01.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда акс этган дунё».
01.50 «Ҳамон ёдимда».
02.30 «Заковат».
03.30 «Азизим».
04.00 «Таҳлилнома».
04.45

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗДА НУРОНИЙЛАРИМИЗ

(1 октябрь – Халқаро қариялар куни)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кексалик умрнинг сўнгги фасли. Инсон жисман қарийди. Шунга урғу бериб, шоир «дард ёмони қариликдир, ёронлар», дейди. Тўғри, киши хотираларга, кўрган, кечирганларига суяниб қоладиган бир давр, бу. Аммо суянса бўладиган бошқа мезонлар ҳам бор. Масалан, мен бир отахонни биламан. У Сурхондарёнинг Деновидан. Амир Темур ширкатига борсангиз, Абдураҳмон бова Нурлихоновни сўрасангиз, бас. 85 ёшни қоралаган бўлса-да, эл-юрт ташвишида елиб-югуради. Халқимиз севиб томоша қиладиган «Суюнчи» фильмида Анзират бувига «қишлоқнинг виждони» дейишади. Эсладингиз-а. Топиб айтилган ибора. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган бу бобога нисбатан ҳам шундай десак, муболаға бўлмас. Муаммонинг катта-кичигига қараб ўтирмайди. Вилоятда битмаса, «ҳайё-ҳуйт» деганча пойтахтга келади. Эл-юрт корига ярашдек мақсад отага куч беради, қувват беради. Отанинг суянадигани, таянадигани ана шу эзгу мақсад, аслида. Шунинг учунми, одамлар «бу ишга Абдураҳмон бова аралашмаса бўлмайди» ёки «барака топгур бовамиз битказди, бу ишни», дейишади фахр билан ҳамқишлоқлари. Набира куёви танишимиз – ҳарбий. Шу сабаб Тошкентга келганида ота билан ҳамсуҳбат бўлганмиз. «Ёшинг бир жойга бориб қолганида ўзингни кераксиздай ҳис қилишдан ёмони йўқ, улим. Тўғри, баъзида гапингни, дардингни тушунадиган кимса йўқдек туюлади. Халқдан узилма. Улуснинг хизматидан ҳам улуғроқ иш борми. Кимнингдир кунига ярасанг, бу сенга яшашга завқ беради», дейди ота.

Назаримда бованинг тетиклиги, дадиллиги ана шундан. Бизда ана шундай кексаларимиз кўп. Уларни эъзозлашимиз, улардан ҳаётий сабоқларни ўрганишимиз керак. Бундайин кексаларни кўрганимда чеҳрасидан нуронийлик ёғиб тургандек, ажинларида қувонч балқиб тургандек бўлаверади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1990 йилнинг 14 декабридаги 45-106 резолюцияси билан 1 октябрни Халқаро қариялар куни деб эълон қилган. Ўша йилнинг охирида Венада қабул қилинган қарилик муаммолари бўйича халқаро ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этила бошланди. Гоҳида «Вена режалари» деб ҳам юритиладиган мазкур ҳужжат ҳукуматлар ва фуқаролик жамиятларининг имкониятларини қарилик муаммоларини бартараф этишга қаратишда устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, у 62 та тавсиядан иборат бўлиб, соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат, кекса кишиларни истеъмолчи сифатида муҳофазалаш, уй-жой ва атроф-муҳит, оила, ижтимоий таъминот, даромадлар ва бандлик таъминоти, таълим каби тармоқларга бўлинади.

Мазкур муҳим ҳужжат юртимизда кексаларга ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор бир йўналиши эканлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 октябрдан жорий этиладиган ушбу Фармонининг муҳим хусусияти, пенсияни ошириш пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган даромадларнинг чекланган миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти бараваридан саккиз бараваригача миқдорга ошириш ҳисобидан таъминланишини кўзда тутишида. Таъкидлаш жоизки, истиқлолга эришилган дастлабки кунларданоқ аҳоли фаровонлиги даражасини оширишга, хусусан ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларга улкан эътибор қаратиб келинмоқда. „Мазкур норманинг жорий этилиши эса шу йилнинг 1 октябриданоқ пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг талайгина тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради", дейилади Фармонга шарҳда.

Ҳа, шундан ҳам кўриниб турибди, бизда кексалар доимо эъзозда, эътиборда. Давраларнинг тўри доимо нуронийларимизга мунтазир. Мамлакатимизда кексаларимизга, нуронийларимизга бўлаётган эътибор ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Биргина «Нуроний» жамғармасининг фаолияти мисолида ёки бозор иқтисодиётига ўтишимиздаги устувор тамойиллардан бири бўлган кучли ижтимоий сиёсат билан, мустақил тараққиётимиздаги йилларимиздан бирини Қарияларни қадрлаш йили дея эълон қилганимиз билан, хуллас кўп-кўп мисоллар ёрдамида кекса авлодга бўлаётган ҳурматимизни кўрсатишимиз мумкин. Кексаларимизнинг ғайрати, шижоати, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракати баъзи бир ёшларникидан фаол. Ҳали чақирув пунктида аскарликка йўл олаётган набираларига оқ фотиҳа беради, ҳали таълим масканларида бўлғуси офицерларга панд-насиҳатлар қилади, ҳали ҳарбий Қасамёд қабул қилаётган ўғлонларга ўз тилакларини айтади. Ана шундай бизнинг кексалар, нуроний зотлар.

Кексаларга бўлган муносабатимизнинг ўзиёқ маънавиятимиз илдизлари теранлигини, бой қадриятга эгалигимизни кўрсатади.

Толмас ҚУРБОНОВ.



АЛПЛИК ТИЗИМИ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР



(Давоми. боши 1-бетда).

Ҳар бир авлод «Алпомиш» каби маънавий обидаларни даври, дунёқарашларига кўра уқади, қадрлайди. Бундай қаралса, «Алпомиш» достонида тасвирланган воқеалар бугунги ёшлар тасаввуридан хийла узоқдай, бегонадай туюлади. У ерда кўп қаватли бинолар, машина, телевизор, компьютерлар йўқ. Одамлар ҳам, уларнинг турмуш тарзи ҳам бошқача. Яъни, икки ака-ука бий – Бойбўри ва Бойсарининг келишмаганлигидан эл иккига ажралиб, бир томон ота юрт – Бойсун-Қўнғиротдан бегона мамлакат – Кашалга кўчиб кетади. Натижада бир бутун халқ ва унинг яхлитлигини таъмин этувчи Алпомиш ва Барчиннинг қурилажак оиласи ҳам бўлиниш хавфи остида қолади. Лекин Алпомиш ва Барчин бу аҳволга кўнишмайди. Барчин талашда қолганлиги ҳақида хабар юборади. Алпомиш «зўр душман» қўлидан оринёрини ҳалоллаб олади. Оилани бут қилади. Бўлинган халқни ёри билан элига олиб қайтиб, Бойсун-Қўнғиротни бир-бирига қўшади. Достон воқеаси бу билан тугамайди. Алпомиш олдида яна бир синов турган эди. Унинг Бойсун-Қўнғирот тахтига муносиблигини тўла оқлаш учун давлатнинг бир рамзи – Бойсарини Кашалдан – хўрлик, зорлик тортаётган еридан олиб келиши керак эди. Алпомиш бу юмуш учун яна сафарга отланиб, у ерда душман макри билан етти йиллик зиндонда қолиб кетади. Бойсун-Қўнғирот элининг эгаси кетиб, унинг ўрнига Ултонтоз эга чиқади. Замон ўзгариб, беклар «қул», қуллар «бек» бўлади. Адолат ўрнини ноҳақлик эгаллайди. Ултонтоз Бойсун-Қўнғирот тахтини расман ўзиники қилиш учун Барчинга уйланмоқчи бўлиб тўй бошлайди. Тахт вориси Ёдгорни йўқ қилишнинг зимдан режасини тузади. Алпомиш, оти–Байчибор кўмагида зиндондан озод бўлиб, Қултой қиёфасида бу тўй устига келиб, яхши-ёмонни ўз кўзи билан кўриб, тахтини қайтариб олади. Бировнинг чориғига бировни тойинтирмай адолатни тиклайди. Чиндан ҳам бу воқеа узоқ ўтмишдан ҳикоя қилади. Аммо у шунчаки қўшиқ-достон бўлгани йўқ. Авлоддан-авлодга бекорга ўтиб келаётган эмас. Аслини олиб қаралса, бу воқеани халқимизнинг тимсолий таржимаи ҳоли дейиш мумкин. Чунки ҳар қандай оиланинг, элнинг, мамлакатнинг таназзули бўлинишдан бошланади. Эл, миллат бўлиниб, бир-бирига душман бўлса, унинг қуввати, бунёдкорлик кучи қирқилади. Парокандаликка юз тутади. Элни бу ҳалокатдан, бўлинишлардан Алпомишдай ботир, доно эрлар, Барчинойдай оқила, тадбиркор аёллар сақлаб қолади. Халқ ўз достонида Алпомишни қандай тасвирлайди? Ушбу саволга берилган жавоб халқ тасаввуридаги алп образини аниқлаб, билишимизга имкон беради.

Кўпчилик Алпомиш деганда фақат куч-қудрати беқиёс паҳлавонни тушунади. Чиндан ҳам етти ёшли Ҳакимбек ўн тўрт ботмон биринчдан бўлган парли ёйни отиб, Асқар тоғнинг бир чўққисини ушатиб, «Алп» аталиб – Алпомиш бўлади. Алпомишнинг кучли паҳлавон эканлигини баҳайбат, девсифат Қалмоқ алпларини енгиши ҳам исбот этади:

Тикилсам қурийди дарёнинг гуми,
Наъра тортсам қулар қўрғоннинг тими.

Айни пайтда Алпомиш ушбу паҳлавонлигига мос даражада илму ҳунарда, сўзи созда маънавий камолотга етган инсондир.

Фикримизни бевосита достон асосида исбот этамиз. Алпомишнинг юксак илм эгаси эканлигини унинг болалик номи Ҳакимбек ҳам кўрсатиб турибди. «Ҳаким» сўзининг «доно», «билимли», «билга» маънолари «алп» сўзи ва тушунчасининг архаиклашган маъно қўламининг бир қиррасини изоҳлайди.

«Алпомиш» достонида Алпомишга хос асосий хусусиятлардан бири: «Шоҳимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса, қуймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан ўқи ботмас эди», деган қуйма таърифдир. Алпомишнинг Сурхайил мастон ва Тойчихон гулханию зиндонидан омон чиқишида ана шу хусусиятлар қўл келади. Бундай ўйлаб қаралса, ушбу таъриф анъанавий уч қисмдан иборат бўлсада, уларнинг «қилич солса ўтмас» ва «милтиқ отган билан ўқи ботмас» қисмлари моҳиятан бир умумий семантик ўзанда турибди. Улардан «қаҳрамон танасига ҳеч бир қурол таъсир этмайди», деган маъно англашилади.

Шундай экан учликдаги қайси таъриф унутилиб такрор ҳисобига тўлдирилмоқда?

Таърифдаги анъанавий учликнинг маълум унсурлари – ўт, олов («ўтга солса куймас»); ер жисмидан ишланган қурол («қилич, милтиқ ботмаслиги» асосида маълум бўлмоқда. Бу эса ўз-ўзидан халқимизнинг бутун олам тузилиши ҳақидаги бўйлама (вертикаль) тасаввурлар бирлиги – кўк, ер, сув оламлари учлигини ёдга солади.

Мантиқан олиб қаралса ҳам ўт, олов – кўк дунёси, ер маъданлари (қилич, милтиқ) – ер юзи кучлари билан алоқадор. Демакки, қаҳрамоннинг учинчи сифати «сув» кучлари билан боғлиқ бўлиб, у – «сувга солса чўкмас эди» тарзида бўлиши мумкин. Алпомишнинг зиндонга (ер ости дунёсига) тушиб ҳалок бўлмаганлиги ҳам буни исботлайди. Чунки у ўз вақтида ер ости дунёси ҳомийлари тарбиятини олган эди.

Демак, Алпомишнинг таърифи аслида «Шоҳимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса куймас эди, қилич солса ўтмас эди, сувга солса ботмас эди» тарзида бўлган. Бу ерда уч олам – кўк, ер, сув (ер ости) дунёлари эранларининг тарбият қилганида қаҳрамон ана шундай ғайритабиий хусусиятлар касб этганлиги тасвирланган. Алпомиш ўз жисми ва руҳида кўк, ер, сув дунёси кучлари, қувватларини мужассам этган алп. У бу кучу қувватни ер юзаси юмушларини бажаришга, ерда издан чиққан тартибни ўрнатишга ишлатади. Бу эса ўз навбатида кўк ва сув (ер ости) дунёси тартиботи ва ўзаро мувозанатнинг сақланишига хизмат қилади. Эранларнинг ер ишлари аралашувчан, муродлари ҳам шундан. Зеро, бу оламлар мавжудлиги, воқелиги бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Алпомишнинг ҳунар бобидаги маҳоратини у суякдан ясаган Чанқовузга Қалмоқ подшосининг қизи – Товка ойим ҳам маҳли бўлиб, бу чанқовуз устасини топиш учун чўпонни елкасида кўтариб, чоҳ бошигача келганлигидан билиш мумкин.

Алпомишнинг сўз ва санъатдаги маҳорати эса унинг Бодом бикач ва Барчин билан «Қултой» қиёфасида ўлан айтишиб енганлигида аниқ намоён.

Ҳамиша эл бошига иш тушса, эр унинг корига яраиди. Алпомиш ҳар жиҳатдан – ҳам жисман, ҳам маънан камолга етган етук шахс бўлганлигидан ўз юрти бошидан қора булутларни кетказиб, уни муродига етказди.

XXI аср бўсағасида ўзбек этноси тарих саҳнасига Ўзбекистон деб аталган давлат сифатида навбатдаги янги бир босқичга чиқди. Ўзбекистоннинг жаҳон тамаддуни ва тарихида эгалловчи муносиб ўрни ўзбек этносининг ўзига мерос бўлиб келган ва қон ёдидаги улкан маънавий жавҳарни бойитиб, уни келажак авлодларга янги сифатларда етказиб беришига ҳам боғлиқ.

Халқ оғзаки ижоди, хусусан халқ достонлари ҳам ўзбекнинг бебаҳо маънавий илдизидир. Достонларда халқнинг ҳаёт сабоқлари теран бадиий тимсолларда образли акс этган. Шундай экан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан 1999 йилда 1000 йиллиги кенг миқёсида нишонланган «Алпомиш» достонини ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам фарз ҳам қарздир.

Ўзбек фольклоршуносligида «Алпомиш» достони нисбатан кенг ўрганилган асарлар сирасига киради. Достоннинг туб илдизлари, ривожланиши босқичлари ва ғоявий-бадиий хусусиятлари илк бор Ҳ.Зарифов ва В.Жримунскийларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони» («Узбекский народний героический эпос») (Москва 1947) китобида тадқиқ этилди. Сўнгра М.Сайидов. Т.Мирзаев, М.Муродов, Б.Саримсоқов, М.Қўшмоқов, Ёрматов, С.Йўлдошева, Ж.Эшонқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида бу фикрлар янада бойитилди. Биз қуйида янги бир мавзу – «Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва «Алпомиш» достони хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Бу ўринда аввало «алплик тизими нима?», – деган саволга жавоб бериш керак. Чунки, фольклоршунослигимизда ушбу масала бевосита тадқиқ объекти бўлган эмас. «Алплик тизими» деган атама ҳам илк бор муомалага киритилмоқда.

Аслида эса «Гўрўғли», «Алпомиш» каби достонларимиз ўзагида ушбу тизим ҳақидаги тушунчалар асос бўлиб турганлигини аниқ кўриш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўз қурунмаси (структураси)га эга ва бу қурунманинг ўз мезонлари мавжуд. Худди шунингдек, қаҳрамонлик достонларидаги алпликнинг ҳам ўзига хос мезонлари бор (бу ўринда «алп» атама сифатида олинаётганлиги сабабли унинг луғавий маъноларига тўхталмаймиз).

Мавжуд манба ва материаллар асосида ўзбек фольклоридаги алплик тизими ҳақидаги тасаввурларни қуйидагича яхлитлантириш мумкин:

– Бўлажак қаҳрамоннинг туғилмасданоқ «танланган», яъни, ҳомий-эранлар назарида бўлиши. Илк кўринишида тўғридан-тўғри илоҳий ҳомила меваси эканлиги.

– Бахтли юлдуз остида туғилувчи бўлажак қаҳрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт коҳинларининг карокатлар қилиши. Уларнинг болани йўқ қилишга уринишлари.

– Душманлар доғда қолиб, қаҳрамоннинг дунёга келиши ва улғая бориши давомида алплик дардига йўлиқиши.

– Алплик дардининг «танланган» – қаҳрамон ва «танловчилар» – ҳомий-эранлар ўртасида бевосита мулоқотнинг бошланганлигини билдириши. Янада аниқроқ айтилса, алплик дарди қаҳрамоннинг ерда туғилиб маълум муддатга «ёввойилашган» руҳ ва танини эранлар иқлимига мослашолмай қаршилик қилиш жараёни эканлиги.

Эранларнинг ўз маконида қаҳрамоннинг жисми ва руҳини илоҳий нур ҳамда шароб билан тоблаб, эмлаб (асов тулпорни жиловлаб) дарддан халос этиши. Унга алплик сиру синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг алп сифатида қайта яралиши.

Қаҳрамоннинг алплик куч-қудратига, билимига, сеҳрли хусусиятларига, белгиларига эга бўлиши.

– Қаҳрамоннинг эранлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши.

Қаҳрамоннинг эранлардан алп сифатида бажарадиган вазифаси – ердаги миссияси ва тақдирини (ибтидо–интиҳони) билиши.

– Эранларнинг қаҳрамонга ҳамкор қилиб ўз шериклариидан бирини тайин этишлари.

– Қаҳрамоннинг алп сифатида ўз куч-қудратини амалда намоён этиши ва халқ томонидан алп сифатида тан олиниши.

Қаҳрамонга ҳамкор жанговар отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тоблаш жараёнларидан бир-бир ўтказилиши.

Бир сўз билан айтиладиган бўлса, алплик тизими ҳақидаги тушунчалар қаҳрамонлик эпоси асосида турган таянч – умуртқа ҳисобланади.

Халқнинг алп ҳақидаги бу яхлит тушунчалар тизими моҳиятида нима турибди?

Ер юзасида ўз изидан чиққан тартибни ўзанига қайтариш оддий хом сут эмган банданинг қўлидан келмайди. Ердаги тартибнинг бузилиши эса ўз навбатида коинотдаги тартибни ҳам издан чиқаради. Шу сабабли коинот вакиллари – ҳомий руҳлар бу жараёнга аралашадилар. Улар бу вазифани бажарувчи хос вакил танлашади. Ушбу вакил бутун борлиқ (коинот, хаос, ер) кучларининг қуввати пайванд бўлган жойдан униб чиқади. Чунки унинг коинот, хаос, ер дунёларида тобга келган руҳи ва тани бутун олам тартибига ҳалал бераётган кучларнинг ҳар бирини ўз жойида (кўкдагисини кўкда, ердагисини ерда, ер остидагисини ер остида) ўрнига қўйиш имконини беради. Шунинг учун ҳам алп оддий одамлар орасида туғилган хос – танланган киши ҳисобланади. Лекин у туғилиб алп сифатида кучга энганига қадар кечган вақтда юқорида биз санаб ўтган тобланиш жараёнини яшаб ўтади.

(Давоми бор).

Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари номзоди,
Давлат мукофоти совриндори.

ЮРТ МЕҲРИ

Қишлоқ хонадонларидан бирида бўлган тўйда уй тўла меҳмонлар билан гурунглашишга тўғри келди. Таниш-нотаниш одамлар ўртасидаги суҳбат мавзуси бориб мустақиллик байрамига тақалди-ю, беихтиёр юрт меҳри, Ватан соғинчи ҳақида сўз қўзғалиб қолди.

– Бир пайтлар мен олисдаги ўқишни мартаба билиб, Санкт-Петербург шаҳрига борганман, – дея мулоқотга қўшилди думалоқ юзли, оқ-сариқдан келган истараси иссиқгина бир йигит. – Ҳашаматли шаҳар... Бутунлай бошқа дунё, ўзга одамлар... Дастлабки пайтларда атрофга завқ билан тикилиб, шаҳарни зерикмай томоша қилардим. Аммо орадан кўп ўтмаёқ кўнглим ғаш тортиб, ҳаммаси жонимга тега бошлади. Ота-онам, уйдаги барча жигарбандларим сиймолари кўз ўнгимда гавдаланиб, уларни кўргиларим, сўзларини эшиттим келарди. Ҳатто, олдимда бўлса, жажжигина кенжатой синглимнинг пойма-пой гапларини ҳам эринмай эшитишга доимо ташна юрардим.

Юрагим қаттиқ сиқилиб кетган чоғларда дарсга ҳам кирмасдан гоҳ вокзал, гоҳ аэропортга бориб қолардим. Агар савдо-сотиқ ёки хизмат сафарига кўра у томонларга бориб қолган ўзбекистонликларга кўзим тушиб қолса, қувониб кетардим. Болаларга хос уятчанлигим боис улар билан жонли мулоқотда бўлолмасам-да, ўзбек тилида сўзлашадиганларининг ортида гапларига қулоқ тутганча эргашиб кетаверардим. Шунда кўнгилнинг чигили бироз ёзилгандек бўлардию, лекин яна қандайдир бир ҳис юракни тимдаларди...

Аввалига бунга кўп эътибор бермадим. Бора-бора бунинг юрт меҳрига талпиниш, Ватан соғинчи эканлигини англадим. Кўрдиларингизми, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек мен мусофирчиликда юрганимда Ватан нималигини, инсон фарзанди ҳеч қачон киндик қони тўкилган жойда топган меҳрини ўзга ерлардан ололмаслигини тушунганман. Илк бор она юртга қайтиб, биз учган самолёт Тошкент аэропортига қўнаётганида юрагим қафасдаги қушдек типирчилаб, вужудимни аллақандай бир энгикиш тутиб кетганини ҳали ҳануз унутолмайман...

Ёши қирқ бешларни қоралаб қолган бу йигитнинг маънавият булоғига чўмилтириб олгандек самимий суҳбатини тинглар эканман, ўйга ботдим. Қаранг, кимлардир Ватанни муқаддас саждагоҳ билиб, тупроғини кўзларига тўтиё қилишга ошиқса-ю, кимлардир худди ўз ота-онасига қўл кўтарган оқпадар фарзанд, яқинларига ёвузлик истаган биродаркуш сотқин янглиғ киндик қони томган юртга тош отиб, бегона жойларда санғиса.

Бундайлар манфур мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган манқуртлардир. Уларнинг, пешонасига тубанликда яшашдек даҳшатли жазо муҳрланган. Аммо арзимаган пул, мол-дунё орттириш ёки яшаш учун қулай гўша топиш илинжида хорижга талпиниб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаётганларга не дейиш мумкин?! Келинг, ўзимизча мулоҳоза юритишга шу ерда нуқта қўйиб, бу саволнинг жавобини ҳам ҳаётий воқеалар замиридан ахтарайлик.

Қўшни қишлоқда турадиган бир оғайнимнинг қўлида гулдек ҳунари бўлиб, рўзғорини ҳалолдан топганига тебратиб юрарди. Кунларнинг бирида у хорижга кўчадиган бўлиб қолибди. Буни эшитиб, унинг олдига бордим. Шаштидан тушириб, бу йўлдан қайтариш мақсадида сўз бошладим:

– Дўстим, гап-сўзларга қараганда кўчмоқчи экансан, тинчликми?

– Ҳа, у ёқларда пул топиш осон дейди, ёшликда ҳаракат қилиб қолайлик-да!

– Ватан-чи, киндик қонинг томган тупроқ-чи? – дедим унинг бепарво жавобидан жиндек дарғазаб бўлиб.

– Э-э, оғайни, қизиқ экансан-ку. Қаерда қорнинг тўқ, устинг бут бўлиб, яшаш учун бошпананг борми, ўша ер Ватан-да, йигит кишига!...

Унинг бу жавобидан ортиқча гапга ўрин қолмаганини англаб ўринмдан турдим. Оғайним кўп ўтмай кўчиб кетди. Ўша йилнинг ўзидаёқ унинг яхшигина уй қуриб, бинойидек яшаётганини эшитиб, қувондим. Йўлим тушиб қолса, уникига бирров кириб, ҳолидан хабар олишни дилга туйиб қўйдим. Аммо орадан уч йил ўтиб-ўтмасдан ўзимга ўзим ишонолмай, ҳайрон қолдим.

Ўшанда хизмат тақозосига кўра пойтахтга бориб, кечроқ қайтгандим. Роҳат кўли ёнидаги бекатда ўтган-кетган машиналарга қўл кўтараётган «хорижлик» оғайнимни кўриб, беихтиёр тормозни босдим. Машинадан шошиб тушганча у билан қучоқлашиб кўришдим. Салом-аликдан сўнг: «Ўтир оғайни қолганини йўлда гаплашамиз» дея уни салонга таклиф қилдим. Машина енгил силкиниб ўрнидан қўзғалгач, қисқа фурсатли сукунатни ўзим буздим.

– Қандай оғайни, ишларинг дурустми?

– Раҳмат яхши, ўзинг қалайсан?

– Қачон келдинг, қаердан сўраймиз энди?

– Ўзинг кўрган уйдаман.

– Бола-чақаларинг-чи?

– Уч ой бўлди, ҳаммамиз кўчиб келганмиз.

– Жуда яхши қилибсан, кампир-чолинг яхши юришибдими?

– Раҳмат оғайни, раҳмат! Мени ўшанда ғафлат босиб, сени хафа қилган эканман. Узр дўстим! – деди-да, у негадир чуқур сўлиш олиб яна сўзида давом этди. – Киши мусофир бўлмай, мусулмон бўлмайди, деганлари рост экан. Тўғриси, хорижга бориб кам бўлмадим. Эшитган бўлсанг ҳайҳотдек уй қуриб, яхшигина яшадим. Топиш-тутишим ҳам чакки эмасди. Бироз бойлик ҳам орттирдим. Таниш-билишлар ҳам кўпайди. Аммо яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам элгизлатиб қўймайдиган, тилимни, дилимни тушунадиган дўст-ёрлар топмадим. Қарасам, бийрон-бийрон ўзбекча гапирадиган ўғил-қизларимнинг ҳам тили ўзгара бошлабди. Бир куни хотинимга «қани, нарсаларни йиғиштиринглар, Ўзбекистонга кетамиз», десам, у ҳам тўлиб турган экан, суюнганидан йиғлаб юборди. Энди болаларнинг хурсандчилигини айтмайсизми. Яхшиямки, катта-кичикнинг гапи билан уйни сотмаган эканман. У ёқ-бу ёғини таъмирлаб кириб олдим. Энди янаги якшанбага ўғилни суннатга ётқизаяпман, тўйга ўт дўстим!...

Бу гапни эшитиб, оғайнимнинг бунчалик кескин ўзгарганига бир зум лол қолдим-у, беихтиёр: «Барибир сен муқаддассан , муқаддас Ватан!» деган гапнинг нақадар ҳақлигига яна бир бор иймон келтирдим.

Жамолиддин АБДИЕВ.

Ўзбекистон – дунё эътирофида

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали бир қувончли хабарни ўқидик. Унга кўра, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Болалар жамғармаси ҳисобланган ЮНИСЕФ Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида таълимни ривожлантириш соҳасидаги ўз тадқиқотлари натижаларини дунё жамоатчилиги эътиборига ҳавола қилган. Мазкур ҳужжат «Таълим: кимгадир кўп, кимгадир кам» деб номланган бўлиб, унда тилга олинаётган минтақаларда таълим соҳасида жараёнлар, ислоҳотлар, муаммолар атрофлича таҳлил қилинган.

Яхши биламизки, БМТнинг мингйиллик бўсағасида қабул қилган тараққиёт соҳасидаги мақсадлари қаторида умумий бошланғич таълимни таъмин этишдек устувор мақсад бор. Хўш, таҳлилда бу мақсад йўлидаги одимлар, хусусан Ўзбекистондаги аҳвол қай даражада акс этган?

Тадқиқотнинг кўрсатишича, келтириб ўтилган минтақаларнинг аксарият мамлакатлари 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш йўлидан дадил бормоқда. ЮНИСЕФ томонидан бу мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Эстония, Литва, Россия, Словения каби давлатлар ва бошқа мамлакатлар киритилган бўлиб, улар биринчи гуруҳни ташкил этди.

Қувонарлиси шундаки, ҳужжатда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимининг ривожланиш даражаси ижобий намуна сифатида келтириб ўтилган. Бу ҳам бўлса соҳадаги ислоҳотларимиз жадал суръатлар билан давом этаётгани эътирофидир.

Шунингдек, халқаро ташкилот экспертлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларимизга юксак баҳо беришиб, Ўзбекистонда мактаблар, коллеж ва лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта маблағ ажратилаётганига эътибор қаратиб ўтган.

Имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбиясига ҳам истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ улкан эътибор қаратиб келиняпти. Халқаро тадқиқотчилар бу йўналишда ҳам мамлакатимизда ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганини эътироф этишган.

Яхши маълумки, мамлакатимиз таълим соҳасига улкан маблағ сарфлаб келяпти. Бу бежиз эмас. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таълим соҳасидаги ислоҳотларимизга тўхталар экан, жумладан шундай дейди: «Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, **мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга».**

ЮНИСЕФ мутахассислари таълимга йўналтираётган улкан маблағларимиз жиҳатидан ҳам юртимизни бошқа мамлакатларга намуна сифатида таъкидлашади. Тадқиқот якунида эса минтақа давлатлари ҳукуматларини таълим эҳтиёжлари учун харажатларни кўпайтириб, уларни ҳеч бўлмаганда бугунги кундаги 3-4 фоиздан 6 фоизга оширишга даъват қилар экан, нуфузли ташкилот Ўзбекистоннинг ушбу мақсадларга ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоизини сарфлаётганини алоҳида қайд этгани ютуқларимиздан янада руҳланишимизда муҳимдир.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

Инсонийлик мезонлари

ОТА ИБРАТИ

Ҳаётда шундай дилкаш инсонлар бўладики, суҳбатлашган сайин суҳбатлашгингиз келади. Неъмат ота Абдубоев ҳам ана шундай ширинсуҳан, табаррук инсонлардан. Ёши етмишдан ошганига қарамасдан фикрлари теран, сўзлари ёқимли суҳбатдошим ҳаётда ўз ўрнини топгани ва бундан мамнун эканлиги нурли чеҳрасидан сезилиб турарди. Бу одам ҳақида этишган илк таърифим шундай бўлди:

– Бироннта кимсага ёмонлик қилганини ҳеч ким эшитмаган. Аммо кўпчиликка яхшилик қилиб юришини ҳамма билади. Тўй-ҳашамларда, маъракаларда бош-қош. Беморларни биринчи бўлиб йўқлашга ошиқади. Кексаларни, ночор кимсаларни йўқлаб, баҳоли қудрат ёрдам беради. Бегоналардан ҳам ҳимматини аямайди. Бир куни Тошкент вилоятининг олис туманида истиқомат қиладиган, унча таниш бўлмаган бир одам ундан қарз сўрайди. Ўша пайтларда бу пулга, мойи артилмаган «Жигули» берарди. Орадан бир неча йил ўтиб кетганига қарамасдан қарздор қорасини кўрсатмайди. Ниҳоят отахоннинг ўзи уни излаб боради. Қарздорнинг оилавий шароитини кўргач, қарзини ҳам сўрамай, уйдан чиқаётганида кўрпача қатига бир даста пул тиқиб қўяди. У киши ана шундай, ўзгаларга яхшилик қилиб, ич-ичидан қувониб юради. Айниқса, маҳалла-кўйда дейсизми, ошна-оғайнилару қариндош-уруғлар орасида дейсизми доим аҳилликни, бир-бирига меҳрибонликни даъват этади, бу борада ўзи намуна кўрсатади. Отахон катта хонадон соҳиби: агар улар бир ерга тўпланмаган бўлишса, чоғроқ тўйхона торлик қилиб қолиши шубҳасиз.

Отахонга биринчи саволим шундай бўлди:

– Сиз бу ажойиб инсоний фазилатларни кимдан ўргангансиз?

– Отамдан!

– Отам тўрт ёшимда урушга кетган, танимай қолганман, деяпсиз-ку?!

– Тўғри. Мен ва икки синглим отадан ёш қолганмиз. Бизларни онам катта қилди. Ўша кезлардаги машаққатли меҳнатларга дош бериб, бизларни бирор нарсага зориқтирмасдан улғайтирди. Отамнинг йўлига интизор боқиб, кутиб яшади. Мана ҳозир ҳам онам тўқсон ёшдан ошиб кетганига қарамасдан ҳамон отамни кутади. Тўй-ҳашамларда «Оҳ, қанийди, шуни отанг кўрганида...» деб кўз ёши қилиб олади. Мен эсимни танигандан бошлаб отам ҳақида суриштира бошладим. Дастлаб онам ҳикоя қилиб берди. Кейин эса ошна-оғайниларидан сўрадим. Отам оддий деҳқон бўлса-да, очиққўнгил саховатпеша, одамларга меҳрибон бўлган экан. Мен унинг барча инсоний хислатларини қалбимга жо қилишга уринардим. Ўзим болаликдан онамнинг юмушларига қараша бошладим. Мактабга ҳам тўққиз ёшимда чиққанман.

Неъмат ота Абдубоев чиндан ҳам ёшлигиданоқ ҳушёрлиги, зеҳни ўткирлиги, катталарни ҳурмат қилиши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ундаги бу фазилатни хўжалик раҳбари ҳам кузатиб юрган экан, бир куни ҳузурига чақиртириб:

– Сени хўжалик ҳисобидан ўқишга юбормоқчиман. Розимисан? Тугатиб келганингдан кейин шу ерда ишлайсан...

Бу гапни эшитган онаси Маҳбуба ая суюнганидан кўзига ёш олди. Ўғлининг бўйбастига бир зум суқланганча қараб қолди. Кейин меҳри жўшиб уни бағрига босди. Онанинг орзуси ушала бошлаган эди. Неъмат Абдубоев бир йиллик ўқишни фақат аъло баҳолар ҳамда намунали ҳулқи билан тугатиб келди. Хўжалик фермасининг катталиги ёш мутахассисни чўчитмади. Ана шундан кейин у чорвачилик соҳасини янада пухта ўрганишга киришди. Унинг ажойиб хислатларидан бири ўзидан катталар айтган насиҳатларини жон-қулоғи билан тингларди. У ўз билимини, малакасини ошириш мақсадида институтни тугатиб, олий маълумотли мутахассис бўлди. Бу ерда эсида қолган хотиралардан бири, институт домласининг унга берган баҳоси эди. Ўшанда домла бир аудитория талабалар орасидан уни кўрсатиб:


– Сенинг ҳеч қийналмай ишлаб кетишингга ишонаман. Зеҳнинг ўткир, ўз устингда кўп ишлайсан, муомаланг яхши.

Бу сўзлар Неъмат Абдубоевга бамисоли қанот бўлди. Мана меҳнат фаолияти бошланганига эллик йилдан ошибдики, бирон марта ишида нуқсон сезилмаган. Салкам қирқ йил бўлибдики, сут, гўшт, озиқ-овқатлар инспекциясининг нозири вазифасида хизмат қилмоқда. Фарзандлари ҳам ота ибратидан баҳраманд бўлиб, обрў-эътиборга сазовор бўлишмоқда. Ўзбекнинг ажойиб, дунё халқлари андоза олса арзигулик фазилати шуки, кексаларни, айниқса, ота-оналар қариганида иззат-ҳурматини жойига қўйишидир. Неъмат ота Абдубоев ҳам бу борада ибратли ишлар қилмоқда. Қолаверса, ота ибратини қалбига жойлаб, инсоний хислатларни фарзандларига, набираларига улашмоқда. Ўзбекнинг жаҳоншумул қадриятларини асраб-авайлаб, ривожлантириб, келажак авлодга мерос қилиб қолдирадиган Неъмат ота каби инсонлар бор экан, инсонийлик мезонлари асло завол топмайди.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

Шифокор маслаҳати

ҚИЗАМИҚДАН САҚЛАНИНГ!



Қизамиқ – ўткир вирусли юқумли касаллик бўлиб, умумий ҳолсизлик, тана ҳароратининг ошиши, тошма тошиши билан кечади. Унинг қўзғатувчиси вирус бўлиб, у илмга маълум барча вируслар ичида энг чидамсизи ҳисобланади, ташқи муҳитда бир ярим соат мобайнида ўлади.

Инфекциянинг биридан бир манбаи бемордир. Юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардасини инфекциянинг кириш дарвозаси дейиш мумкин. Бу ерда вирус эпителий ҳужайраларида кўпаяди ва бемор одамдан соғ одамга йўталиш, аксириш ва бевосита мулоқот вақтида юқади. Касаллик тошма тошишига қадар 3 кун ва тошма тошгандан кейин 4-5 кун давомида юқумли бўлиб туради. Асоратлар пайдо бўлганда бемор атрофидаги одамлар учун (тошма тошган пайтдан бошлаб) 10 кунгача хавф туғдиради. Қизамиқ вируси ҳаво оқими билан йўлаклар ва зинапоя майдончалари орқали қўшни хоналарга, хонадонларга ҳам тарқалади. Касаллик вақти-вақти билан тарқалиб туриш хусусиятига эга, эпидемияси эса ҳар 2-4 йилда такрорланиб туради. Аҳоли ўртасида касалликнинг кўпайиши йилнинг баҳор ва қиш фаслларига тўғри келади.

Умуман ушбу касалликнинг яширин даври 8 кундан 21 кунгача давом этади. Аксарият ҳолларда аста-секинлик билан бошланади. Бош оғрийди, тана ҳарорати 38-39° гача кўтарилади, бемор тумов бўлади, қуруқ қув-қув йўталади, кўзи яллиғланади, ёруғликка қарай олмайди. Унинг юзи кўпчийди, қовоқлари салқийди, қизаради, кўзидан ёш оқади ва бурундан серозли (суюқ) ажралма келади. Шундан кейин қизамиқнинг тошма тошиш ёки иситмалаш даври бошланади. Бир вақтнинг ўзида, яъни юз терисига ва қулоқлар орқасига йирик қизил доғли тошма тошади. Бир кеча-кундуз мобайнида тошма юзнинг ҳамма ерини, қисман кўкракнинг юқори қисмини қоплайди. Иккинчи кундан бошлаб, тошма танага, қисман қўл ва оёқларига тарқалади, учинчи кунга бориб эса қўл-оёқлар терисини тўла қоплайди. Тошма теридан бўртиб турадиган доғлардан иборат бўлади. Тўртинчи кунга бориб, тошма қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай, аста-секинлик билан йўқола бошлайди. Тошма тошган жойда оч жигар ранг доғлар қолади, улар 1-2 ҳафтадан кейин қайтиб кетади. Касалликнинг ўз вақтида олди олинмаса бронхит, пневмания, ларингит, трахеит, ҳиқилдоқ, қизамиқ бўғмаси каби асоратларга олиб келиши мумкин.

Қизамиқ билан оғриб ўтгандан кейин эса одам организмида бир умрга турғун иммунитет пайдо бўлади.

Қизамиқ касаллигининг олдини олишда қуйидаги маслаҳатларга қатъий амал қилишни тавсия этамиз:

– қизамиққа қарши махсус профилактика қилиш, яъни эмлаш энг самарали тадбирдир, чунки инфекция манбаига ва унинг юқиш йўлларига қарши чора-тадбирлар аксарият кўзланган мақсадни беради;

– беморни бошқалардан ажратиб қўйиш (алоҳидалаш) ҳам эпидемияга қарши жуда муҳим тадбир ҳисобланади;

– қизамиқ қўзғатувчиси ташқи муҳитга анча чидамсиз бўлганлиги учун хонани тез-тез шамоллатиб туриш, пол ва кроватларни 1-фоизли хлорли эритма билан зарарсизлантириш, беморнинг идиш-товоқларини қайнатиш лозим;

– ўзингизни ҳамда хизматдошларингизни қизамиқдан ҳимоя қилиш мақсадида касалликнинг илк белгилари пайдо бўлгандаёқ зудлик билан таббиёт пунктига мурожаат қилиш ва тегишли муолажалар олиш керак, акс ҳолда касаллик оғир асоратлар қолдириши мумкин;

– ҳарбий жамоаларда касаллик эпидемиясига қарши режимга амал қилиш, беморларни эрта аниқлаш катта аҳамият касб этади;

– маҳаллий аҳоли ўртасида қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари кузатилганда эса бегона шахслар билан мулоқотни вақтинча таъқиқлаш, бошқа бўлинмалар шахсий таркиби билан мулоқотни кескин камайтириш лозим.

Тибиий хизмат подполковниги Қаҳрамон ХОЛИҚОВ, Илҳом АБДУКАРИМОВ, врач эпидемиолог.

Ҳарбий техника шарҳи

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧГА КИРДИ

Бельгиянинг «Сабиекс» компанияси 15,8 миллион долларга баҳоланган шартномага мувофиқ Бирлашган Араб Амирликларининг қуруқликдаги қўшинлари учун мўлжалланган янги пиёдалар жанговар машинасини (БМП) яратиш борасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг якунловчи босқичига киришди. Мазкур машинага Германиянинг қуввати 830 от кучига тенг бўлган MTU MB838 русумли дизелини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, у максимал юриш тезлигини шоссе бўйлаб соатига 60 км.га етказиш имконини беради. Машинанинг тузилиши кучланиш қурилмасини корпуснинг олд қисмига ўрнатишни кўзда тутади, унинг ўрта қисмида (томда) эса турли қуроллар ўрнатиладиган башня қурилмасини монтаж қилиш учун тишли таянч мосламаси йиғилади (вариант сифатида БМП-3 башняси кўриб чиқилмоқда). Корпуснинг қуйруқ қисмида керакли нарсалар билан тўлиқ таъминланган ўн нафар пиёда жойлашиши мумкин (башня ўрнатилганда эса фақат 4 нафар). Машинанинг таг қисми танкка қарши миналарнинг баъзи турларидан ҳимояловчи кучайтирилган зирҳ билан қопланади. Машинанинг лойиҳавий жанговар оғирлиги 45 т, узунлиги 8,5 м, эни 3,35 м, баландлиги 2,1 м.

Ғарб ҳарбий оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, 2007 йилнинг иккинчи ярмида янги машинанинг тажриба нусхаси яратилади ва кейинчалик БАА ҳудудида унинг дала синовлари бошланади. Синовлар муваффақиятли якунланса, Абу-Даби шаҳрида шундай русумдаги машиналарни ишлаб чиқарувчи завод қурилади. Дастлаб 39 та шундай машина тайёрлаш режалаштирилмоқда.

БИР ЙИЛДАН СЎНГ


Америкaнинг ATAIR AEROSPACE компанияси мутахассислари «Истиқболли тактик парашют тизимлари» дастури доирасида «Химера» русумли мотопарапланлар оиласини яратиш борасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бормоқдалар. Ушбу аппаратлар махсус операцияларни бажарувчи кучлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг оғирлиги 1000 кг.гача, учиш тезлиги 15-50 метр баландликда соатига 50 км.гача бўлиши кўзда тутилган.

Мотопараплан параплан ва итарувчи ҳаво винти бўлган аэромобилдан иборат (ерда ҳаракатланиш тезлиги соатига 100 км.гача) бўлади. Муҳандис-конструкторлар фикрига кўра, уни ташлаш С-17А «Глоубмастер» ва С-130 «Геркулес» русумли ҳарбий-транспорт самолётларидан, шунингдек, бошқарилувчи парашютли юк жиҳозларини десант қилиб ташлаш тизимлари билан жиҳозланган бошқа машиналардан амалга оширилиши мумкин. Мазкур аппарат амалий жиҳатдан ернинг ҳар қандай участкасидан парвозни амалга оширишга қодир бўлади. Чет эл оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, мавжуд режаларга мувофиқ, «Химера» оиласидаги мотопарапланларни бир йилдан сўнг АҚШ армиясининг махсус операциялар кучлари ихтиёрига етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

СИНОВЛАР ТЕЗ ОРАДА

Германиянинг «Атлас электроник» фирмаси мутахассислари «Си Оттер» Mk2 русумли мустақил ўзи ҳаракатланувчи сувости аппаратини яратиш борасидаги ишларни якунлашмоқда. Мазкур аппарат мина хавфи билан курашиш, денгизда десант операциялари ўтказишни таъминлаш, разведка қилиш ва сув остидаги вазиятни кузатиб бориш, шунингдек, операциялар ўтказиш режалаштирилган, чуқурлиги 5 м.дан 600 м.гача бўлган районларда гидрографик ва гидрологик маълумотларни тўплаш учун мўлжалланган. Аппаратнинг оғирлиги 1100 кг.га тенг бўлади, мустақил ҳаракатланиш муддати эса – 4 узел тезликда 24 соатни ташкил этади. Экспертлар мамлакатнинг денгиз чегаралари ва соҳилларини ҳимоя қилишда, денгиз террорчилиги билан курашда «Си Оттер»нинг аҳамияти муҳим бўлишини таъкидлашмоқда. Аппарат синовлари 2007 йил охирида ўтказилиши режалаштирилган.

(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).



МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



ООН не принял решения по Мьянме

Совет Безопасности ООН провел экстренное консультативное заседание для обсуждения ситуации в Мьянме. По словам дипломатов, перед членами Совета выступил специальный представитель генерального секретаря ООН Ибрагим Гамбари (Нигерия), который рассказал о нынешней ситуации в этой стране. Он отправился в регион сразу после консультаций в СБ ООН. Однако никакого решения по итогам данного заседания члены Совета не приняли.



Очередной раунд переговоров

Делегация Международного агентства по атомной энергии (МАГАТЭ) завершила очередной раунд переговоров в Тегеране, в центре внимания которого находились вопросы, связанные с созданием иранскими учеными центрифуг «Пи-1» и «Пи-2» для обогащения урана. О результатах двухдневных консультаций пока ничего не сообщается. По данным источников, близких к переговорам, стороны договорились провести новую встречу в середине октября с целью «продолжить объяснения письменных ответов Ирана на вопросы МАГАТЭ», передает ИТАР – ТАСС.



Биокосмонавты вернулись на Землю

Спускаемый аппарат орбитальной лаборатории «Фотон-М3» – «Ноев ковчег» с животными на борту приземлился точно в заданном районе. «Космические» животные помогут провести научные эксперименты и исследования. Например, тритоны, которым отсекли части тела перед выходом в космос, расскажут о процессах регенерации в условиях невесомости. В ходе полета «Фотона» также была испытана система космической почты.




Рухнул мост

Более 60 человек погибли, и более 100 рабочих находятся под обломками обрушившегося строящегося моста на юге Вьетнама, сообщает РИА Новости со ссылкой на местную газету «VnExpress». В момент аварии на объекте работали около 250 строителей. По предварительной версии спасательной службы, причиной инцидента может быть слабая система строительных опалубок.



Презентация «Sukhoi SuperJet-100»

Первый опытный экземпляр нового регионального самолета «Sukhoi SuperJet-100» впервые представлен публике. «Выкатка» состоялась на авиазаводе КНААПО в Комсомольске-на-Амуре. Первый полет этой принципиально новой машины, спроектированной «с чистого листа» на основе самых последних компьютерных технологий, состоится до конца 2007 года. Поставки стартовому заказчику – российскому национальному авиаперевозчику «Аэрофлот» – начнутся в ноябре 2008 года.




Люди лишены мышечного белка

У миллиарда жителей планеты отсутствует мышечный белок, позволяющий осуществлять резкие усилия. По всей видимости, благодаря этой мутации наши предки могли выдерживать длительные переходы и холод. Этот белок скелетной мускулатуры используется быстрыми волокнами, которые задействуются при резких нагрузках. Тем не менее, люди, не имеющие этого белка, вполне справляются с обычными нагрузками.



Новый химический элемент

Инженер из города Полевского Свердловской области обратился в Институт патентоведения Всероссийского общества изобретателей и рационализаторов с заявлением об открытии 119-го элемента периодической таблицы химических элементов Менделеева. Он считает, что этот элемент состоит из электронного ряда всех элементов таблицы и завершает ее. Также он считает, что этот элемент в 299 раз тяжелее водорода.



HDD на 1 терабайт

Компания «Sharp» анонсировала два новых рекордера дисков «Blu-ray» в серии «AQUOS»: BD-HDW20 и BD-HDW15. Модели отличаются емкостью встроенного жесткого диска – у BD-HDW20 она составляет 1 Тб, а у BD-HDW15 – 500 Гб. Одного терабайта достаточно для записи 127 часов HD-видео, отмечает iXBT.com. Оба рекордера оборудованы системой «AQUOS Fami-Link», которая позволяет с помощью одного пульта ДУ управлять плейером и телевизором «AQUOS», соединенными по HDMI.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Парашютный спорт

ПОЛЕТЫ ВО СНЕ И НАЯВУ



Не раз доводилось слышать, что людям снятся удивительные сны. Оказывается, многие летают во сне: без крыльев и всяких приспособлений. Причем испытывают непередаваемые ощущения от парения в воздухе.
А вот для членов нештатной парашютной команды Восточного военного округа полеты под куполом являются непременной составной частью тренировочного процесса. Молодым людям стоит позавидовать, ведь они наяву и не раз осуществляют свои мечты многих любителей острых ощущений.

Со старшим тренером Алексеем Борщуком мы беседуем на взлетной полосе аэродрома. Молодые спортсмены ждут своей очереди, чтобы погрузиться на борт военно-транспортного самолета АН-12. За плечами самого Алексея 471 прыжок. Он – спортсмен первого разряда.

– В нашей команде собрались и школьники, и студенты, и рабочие, и представители интеллигенции, – рассказывает тренер. – Парашютный спорт не делает различий ни в возрасте, ни в профессии, ни в половой принадлежности. Главное для нас – это соблюдение правильности укладки парашютов, умение в ходе наземной отработки элементов прыжка тщательно подготовиться, затем в точности выполнить все в воздухе.

Для некоторых членов команды парашютный является вторым видом спорта. Например, преподаватель по стрельбе из пневматической винтовки Ферганской областной школы спортивного мастерства Никита Семенов, который уже одиннадцать лет занимается здесь, имеет в активе 679 прыжков.

Автору этих строк доводилось самому находиться в непосредственной близости от задней рампы самолета, когда парашютисты один за другим устремлялись в бездну, кувыркаясь в тугих потоках воздуха, пока не раскроется парашют. Уже там явно ощущаешь повышение адреналина в крови, а уж у самих спортсменов уровень адреналина, наверное, зашкаливает.

Кто знает, может, именно ради этих ощущений студент Ферганского политехнического института Сергей Ходжаев пристрастился к прыжкам под куполом. В день нашей встречи он готовился уже в двадцать третий раз побывать в объятиях «пятого океана».

Молодежь влечет сюда романтика, желание преодолеть свои страхи и сомнения, тяга к самоутверждению. Однако для мастера завода «Химволокно» Ивана Пяткова прыжки под куполом являются не просто удовольствием, но и работой тоже. Здесь он трудится самозабвенно, каждый прыжок оценивает строго.

В этой почти мужской компании есть и своя «амазонка» – системный администратор Ферганской областной библиотеки Ирина Вялых. Ирина Евгеньевна занимается парашютным спортом вполне серьезно, у нее первый взрослый разряд, как у тренера. Выполнение фигур воздушной акробатики, прыжков на точность приземления в заданном квадрате – вполне посильная задача для этой хрупкой на вид девушки.

И, наконец, самым юным из группы готовившихся к прыжку парашютистов оказался ученик выпускного класса одной из средних школ Ферганы Константин Голубев. Сын офицера, впрочем, не самый неопытный в компании взрослых товарищей. Выяснилось, что он уже четвертый год занимается в этой команде. К слову, именно эта нештатная команда дала «путевку в жизнь» не одному молодому офицеру. Например, нынешний курсант ТВОКУ Евгений Захаров еще в школьные годы успел набрать в свой актив свыше 60 прыжков с парашютом.

Вот так белоснежный купол становится не только прекрасным увлечением для молодежи Ферганы, но и серьезной заявкой на право пополнить ряды защитников Родины.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

XV смотр спортивно-массовой работы

КОНКУРЕНЦИЯ НАРАСТАЕТ

Военная реформа, проводимая в Вооруженных Силах, оказывает благотворное влияние на все стороны боевой подготовки и повседневной жизни военнослужащих. Проведение I и II Всеармейских игр, оснащение воинских частей и учреждений современными спортивными тренажерами, конкурсный отбор на срочную военную службу физически подготовленных юношей, переход армии на профессиональную основу, вручение достойным значков «Харбий спортчи», высокие достижения спортсменов МХСК на международных состязаниях приносят свои плоды. Анализ итогов XV смотра спортивно-массовой работы среди войск Министерства обороны показывает, что состоялся настоящий прорыв в физической подготовке военнослужащих.

Прежде всего радует, что количество спортсменов-разрядников в войсках на сегодняшний день увеличилось значительно. Налицо и другие положительные тенденции, выявившиеся при подведении итогов смотра. Так, в беге на 1 километр средний результат участников стал на 22 секунды быстрее, чем в прошлом году. Средний результат в подтягивании на перекладине стал равен 24 против 16 на прошлогоднем смотре спортивно-массовой работы.

По итогам смотра спортивно-массовой работы победителям вручены переходящие Кубки и вымпелы. Успех лучшего среди высших военно-образовательных учреждений – Чирчикского ВТКИУ – во многом определило то, что офицеры, сержанты и курсанты училища приняли активное участие в смотре и показали высокие результаты. Занявшие первые места части, где командирами офицеры Н. Ашуралиев и Ж. Рахимов, сделали мощный качественный рывок в физической подготовке военнослужащих, набрав почти в два с половиной раза больше баллов, чем в прошлом году.

Среди награжденных вымпелами по итогам XV смотра спортивно-массовой работы – занявшие соответственно вторые и третьи места Самаркандское ВВАКИУ и Ташкентское ВОКУ, школы подготовки сержантов ВВО и ЮЗОВО.

За отличные показатели в подготовке личного состава к XV смотру спортивно-массовой работы приказом начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан поощрены наиболее отличившиеся военнослужащие. В их числе подполковник К. Юркевский, начальник кафедры физической подготовки и спорта Самаркандского ВВАКИУ, капитан Т. Худойкулов, начальник цикла физической подготовки и спорта ШПС, капитан О. Бебитов, начальник физической подготовки и спорта воинской части, старший лейтенант М. Марипжонов, командир курсантского подразделения, младший сержант Б. Абдулхаев, специалист-инструктор. Памятного знака начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан удостоены начальник Ташкентского ВОКУ полковник М. Байбусов, командир войсковой части майор М. Супиходжаев, специалист-инструктор младший сержант Э. Алламурадов и ряд других военнослужащих.

Главные цели, поставленные в ходе проведения XV смотра спортивно-массовой работы, достигнуты. Заметно увеличилось число военнослужащих, вовлеченных в регулярные занятия спортом, выполнение требований Военно-спортивного комплекса (ВСК) и разрядных норм по военно-прикладным видам спорта. Значительно повысился уровень физической подготовленности военнослужащих, улучшилась работа по воспитанию у них высоких морально-волевых и психологических качеств. В частях и учреждениях Министерства обороны широко развернулась пропаганда массового спорта как важнейшего средства воинского обучения и воспитания личного состава.

Проведение смотра способствовало поддержанию высокого уровня боевой готовности подразделений, развитию и популяризации военно-прикладных видов спорта. Смотр завершен, работа продолжается. Сегодня в воинских частях закладывается основа для достижения боевых успехов в следующем году. Итоги XV смотра спортивно-массовой работы наглядно показывают, что в воинских частях и подразделениях имеется немало талантливых спортсменов, способных показать на спортивных соревнованиях самые высокие результаты. Эти военнослужащие станут основой сборных от военных округов на III Всеармейских играх 2008 года и составят жесткую конкуренцию командам от высших военно-образовательных учреждений.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Срочно в номер

ПОЖЕЛАЕМ УСПЕХОВ

На следующей неделе, 5 октября, в городе Салоники (Греция) стартует очередной чемпионат мира среди мастеров борьбы самбо, в котором примет участие и сборная нашей страны.

В составе сборной Узбекистана будут выступать такие многоопытные мастера ковра, как трехкратный чемпион мира Талгат Яппаров, неоднократный победитель международных турниров, чемпион страны Зайниддин Урунбаев, мастера спорта, призеры чемпионатов мира Чингиз Тохмазов, Хасан Бабаев и другие.

О победном настрое наших спортсменов говорит и тот факт, что серьезная подготовка к этим соревнованиям началась еще в конце мая, сразу же после чемпионата Узбекистана.

В эти дни наши спортсмены-самбисты готовятся к организованному выезду на чемпионат мира в Грецию. Так пожелаем же им успехов на этих соревнованиях!

Наш корр.

БОГАТЫЙ «УРОЖАЙ» УЗБЕКИСТАНЦЕВ

В городе Бресте (Беларусь) завершились I Евроазиатские игры среди юношей и девушек. Особенно успешно выступили на этих соревнованиях спортсмены-единоборцы. Наши молодые соотечественники вернулись с богатым комплектом наград.

Самбо

ШЕСТЬ ПРИЗЕРОВ

– Наша сборная по борьбе самбо на эти состязания выехала неполным составом, – комментирует заслуженный тренер Республики Узбекистан Равшан Ахмеджанов. – В Евроазиатских играх приняли участие восемь самбистов. Из них шестеро завоевали медали различных достоинств. Счастливыми обладателями медалей высшей пробы стали Рифат Рахматуллаев (63 кг) и Шахрух Кучкаров (+78 кг). Вторыми призерами игр и обладателями серебряных наград стали Сирожиддин Обидов (51 кг), Насим Валиев (78 кг), бронзовые же медали в активе Шахзоды Нуралиевой (38 кг) и Севары Давроновой (51 кг).

Впереди у нашей молодежи «взрослые» турниры и чемпионаты. Есть надежда, что она и здесь проявит себя только с лучшей стороны.

Вольная борьба

НАГРАДЫ «ВОЛЬНИКОВ»

Медали всех достоинств завоевали и юные борцы-«вольники». Им также удалось «добыть» шесть наград.

Победителями соревнований стали Шукурулло Дадажонов (32 кг) и Олим Ташкенбаев (35 кг). Серебряных наград удостоились Мавлон Сайназаров (42 кг), Жамшид Ахатов (57 кг) и Бобур Рахимов (85 кг). Бронзовая медаль досталась Мухаммадсидику Жураеву, который боролся в весовой категории до 53 кг.

Дзюдо

«СЕРЕБРО» И ЧЕТЫРЕ «БРОНЗЫ»

Без наград не вернулись и юные мастера татами. Нашими дзюдоистами завоевано пять медалей.

Лишь в финальном поединке наш юный соотечественник Камилжон Бустонов (66 кг) незначительно проиграл своему сопернику и стал обладателем серебряной медали. Бронзовыми призерами стали Амир Файзиев (50 кг), Фаррух Заитов (81 кг), Сухроб Останаев (90 кг) и Бекзод Сахатов (+90 кг).

– Это не предел наших возможностей, – делится Камилжон Бустонов. – Я уверен, что в следующий раз мы выступим еще лучше. В нашем активе обязательно будут золотые медали.

Поясная борьба

УСПЕХ КУРАШИСТОВ

Неполным составом выступали на этих соревнованиях и представители поясной борьбы. Тем не менее, наши курашисты оставили хорошее впечатление у зрителей и специалистов этого вида спорта.

Жасуру Эгамбердиеву (83 кг) в упорной финальной схватке удалось доказать, что на сегодняшний день в этом весе он сильнее всех. А Отабеку Хамидову, наоборот, чуть-чуть не хватило силы воли и выносливости, чтобы стать счастливым обладателем золотой медали. Он завоевал «серебро».

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

Эркин ва юнон-рум кураши

ЯНА ОЛТИ ЙЎЛЛАНМА

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунига етиб, ғолиб ва совриндорлар ҳамда келаси йили Пекинда ўтадиган олимпиада йўлланмалари соҳиблари аниқланди. Бир ҳафта давом этган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг юздан ортиқ давлатларидан келган курашчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Ҳар бир вазн бўйича ўтказилган курашлар муросасиз ва қизғин баҳсларга бой бўлди.

Дастлаб беллашувларни юнон-рум кураши усталари бошлаб беришди. Курашнинг ушбу тури бўйича жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини Э.Ҳафизов, Д.Орипов, Р.Рўзиқулов, Ж.Мўминов, Д.Здориков, Г.Чхаидзе ва Д.Солдатзелар ҳимоя қилишди. Гарчи мусобақа якунига кўра ҳамюртларимиздан бирортаси совриндорлар сафидан жой ололмаган бўлса-да, кучли саккизликка кира олган Элдор Ҳафизов ва Давид Солдатзелар Пекин – 2008 олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Эркин курашчиларимиз бу борада яхшироқ натижалар кўрсатишди. Икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ҳамда Олимпия ўйинлари совриндори Артур Таймазовлар яна ғолибликни қўлга киритишларига умид боғланган эди. Аммо бу сафар омад улардан юз ўгирди. Д.Мансуров якунда тўртинчи ўринни эгаллаб, Пекин олимпиадаси йўлланмаси билан чекланган бўлса, А.Таймазов бронза медали билан кифояланди.

84 кг вазнда иштирок этган ҳамюртимиз – ўтган йили Хитойда ўтказилган жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби Заурбек Сохиев бу сафар ҳам айнан шундай натижа кўрсатди ва Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Шунингдек, 96 кг. вази тоифасида бир қанча номдор рақибларини мағлубиятга учратган вакилимиз Қурбон Қурбонов ҳам жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Шундай қилиб, қизиқарли беллашувлар якунига кўра, курашчиларимиз умумжамоа ҳисобида учта бронза медалига сазовор бўлдилар ва Пекин олимпиадасига олтита йўлланмани қўлга киритишди. Ҳали олдинда мазкур Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи Осиё чемпионати ҳам бор. Унда ҳам ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашишларига умид қиламиз.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Футбол. Ўзбекистон чемпионати

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ



Миллий чемпионатимиз олий лигасида ўтказилган 21-турда кўпчилик мухлисларнинг эътибори мусобақа жадвалининг энг юқори поғонасини эгаллаб турган пойтахт вакиллари – «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари учрашувига қаратилган эди. Бу табиий, чунки айнан шу икки жамоа чемпионлик унвони учун асосий даъвогар, деб ҳисобланмоқда.

Турнирнинг марказий учрашуви деб эътироф этилган мазкур ўйин кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган бўлса-да, учрашувда ҳисоб очилмади. Натижада чемпионатда пешқадамлик қилаётган пахтакорчилар «Қурувчи» билан ўртадаги етти очколик фарқни сақлаб қолишди ва чемпионлик сари яна бир қадам ташлашди.

Турнирнинг асосий ўйинларидан яна бири Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинги турларда тажрибали мураббий Т.Агамуродов қўл остида чиройли ва ишончли ўйин кўрсатиб, ўз мухлисларини хурсанд қилаётган майдон эгалари – «Самарқанд-Д» футболчилари мамлакатимизнинг энг кучли жамоаларидан бири бўлмиш Фарғонанинг «Нефтчи» клубини қабул қилишди. Қизиқарли ва кескин вазиятлар остида ўтган учрашув 2:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди. Ушбу мағлубият туфайли «Нефтчи» тўртинчи ўринга тушиб қолди.

21-турдаги энг йирик ҳисоб «Трактор» ва «Металлург» жамоалари учрашувида қайд этилди. Майдон эгалари О.Навкаров ва К.Абрамовнинг иккитадан ҳамда А.Тўхтабоевнинг бир голи эвазига 5:1 ҳисобида зафар қучишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тўпаланг» – «Шўртан» – 2:0, «Бухоро» – «Насаф» – 1:0, «Навбаҳор» – «Андижон» – 3:0, «Қизилқум» – «Вобкент» – 1:0, «Машъал» – «Локомотив» – 4:1.

Турнир жадвалида «Пахтакор» 57 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, иккинчи ўринда бораётган «Қурувчи» ҳисобида 50 очко бор. Иккинчи даврада ишончли ўйин кўрсатаётган «Машъал» жамоаси эса 48 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

С.ПЎЛАТОВ.


Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ ВЕРХНЮЮ ЧАСТЬ СПИНЫ

ДВИЖЕНИЯ ГРЕБЦА С ЭСПАНДЕРОМ СИДЯ

Движения гребца с эспандером сидя являются альтернативной заменой движений гребца со штангой в наклоне.

Выполнение движений гребца с эспандером сидя. Возьмитесь за ручку эспандера. Сядьте на скамейку прямо. Ноги слегка согните в коленях, ступни расположите на подставке для ног. Держите спину прямо в строго перпендикулярном к скамейке положении. Руки должны быть вытянуты вперед. Теперь тяните эспандер за ручку по направлению к верхнему отделу брюшной полости, сгибая руки в локтях и отводя их за спину. Спина должна все время сохранять строго вертикальное, перпендикулярное к скамейке положение. Перед тем как вы начнете медленно распрямлять руки, отпуская отягощение, задержитесь на секунду в точке максимального сокращения мышц, пока не почувствуете, насколько полноценно напряглись широчайшие мышцы спины. Сделайте нужное число повторов.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА миллий терма жамоаларнинг сентябрь ойига мўлжалланган янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра, Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки юздан зиёд давлат терма жамоалари ўртасида олтмиш иккинчи поғонада қайд этилган. Бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз вакиллари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари орасида Украина (17-ўрин) ҳамда Россиядан (26-ўрин) кейин учинчи поғонада. Умумий рўйхатнинг энг юқори поғонасини амалдаги жаҳон чемпиони – Италия терма жамоаси эгаллаб турибди. Аргентина ва Бразилия терма жамоалари ҳам кучли учликдан жой олган.

Жанубий Кореяда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли спортчилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам муносиб баҳс олиб боришди.

Каноэда эшкак эшиш устаси В.Миньков 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойгаларда рақибларини ортда қолдириб, терма жамоамиз ҳисобига иккита олтин медаль келтирди.

Каноэчилардан Г.Кочнев ва С.Мирбеков 1000 метрга ўтказилган пойгада кумуш, 200 ва 500 метрлик пойгада бронза медалига сазовор бўлишди.

Байдаркада эшкак эшиш мусобақаларида юртдошларимиз 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ҳотин-қизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда К.Прилепская ва М.Михеда жуфтлиги шоҳсупанинг учинчи поғонасидан ўрин эгаллади.

Умумий ҳисобда ҳамюртларимиз иккита олтин, учта кумуш ва бешта бронза – жами ўнта медални қўлга киритишди.

Украинанинг Евпатория шаҳрида Украина кураш федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мезбонлардан ташқари Россия, Грузия, Греция ва Ўзбекистондан ташриф буюрган ёш курашчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Мазкур турнирда ҳамюртларимиз муносиб қатнашиб, учта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалларига сазовор бўлишди.

Профессионал бокснинг энг нуфузли икки йўналиши – Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) ҳамда Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) энг кучли профессионал боксчиларнинг сентябрь ойи рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра, ҳамюртимиз Р.Чагаев ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони сифатида WBA йўналишининг энг юқори поғонасини эгаллаб турибди. Мазкур йўналишнинг 66,6 кг вази тоифасида рингга чиқаётган Ф.Бакиров эса рўйхатнинг ўн биринчи поғонасида.

WBO йўналишида 69,8 кг вази тоифасида муваффақиятли иштирок этаётган Қ.Тойғонбоев яна бир поғона юқорилаб, рейтингда тўртинчи ўринда қайд этилган. Мазкур йўналишнинг 52,1 кг. вази тоифасида рингга чиқаётган Қ.Орзиқулов ҳам кучли бешликдан жой олган.

Ангренда дзю-до бўйича Европа ва жаҳон чемпиони Олег Деркач совғини учун ёш спортчилар ўртасида, аньанавий турнир ўтказилди. Унда Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ва пойтахт вакиллари қаторида маҳаллий ўсмирлар спорт мактаби дзюдочилари ҳам муносиб иштирок этишди.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

КЕЛАЖАКДАН УМИДЛАРИ КАТТА



Юртимиз ёшлари хоҳ илм-фанда бўлсин, хоҳ санъат ва маданиятда, хоҳ спортда бўлсин, ўз интилишлари билан буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари сифатида дунёга ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслигини қайта-қайта намоён этишмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) Халқаро журналистика факультети талабаси, «Келажак овози – 2006» республика мега танлови «Бадиий ижод» номинацияси, публицистика йўналиши бўйича ғолиби, шунингдек, «Биз Президент фарзандларимиз» шиори остидаги «Зомин – 2006» Республика ёш ижодкорларининг X анъанавий семинар кенгашининг «Болалар адабиёти» номинацияси совриндори Назира Боймуродова ана шундай ёшлардан.

Болалигида сухандон бўлишни орзу қилган Назира мактабда ўқиб юрган кезларида адабиёт фанига ихлос қўяди. Ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлайди. Вилоят нашрларида бирин-кетин шеър ва мақолалари чиқа бошлайди. Ўрта мактабни тугаттач, Жиззах вилоят телерадиокомпаниясида жамоатчи мухбир сифатида иш бошлайди. Тажрибали журналистлардан сценарий ёзиш, лавҳа тайёрлаш, интервью олиш сирларини ўрганади. Шунда ҳаёт йўли шу соҳа билан боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, моҳир журналист бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Ёшлар» телерадиоканалида эфирга узатиладиган «Ёшлар овози», «Мунаввар тонг», «Давр» информацион дастури ва бошқа кўрсатувларда ёшлар ҳаёти, уларнинг муаммолари билан боғлиқ чиқишлар қилади.

– Ижодкор ўз овозига эга бўлиши учун йиллар давомида қаламини чархлаб бориши керак, – дейди Назира бу ҳақда. Илк шеър ва мақолаларимни ёза бошлаганимда, шунчаки бир ҳавас бўлиб туюлган, астасекин ижод ҳаётим мазмунига айланди.

«Келажак овози – 2006» мега танловининг республика босқичига йўлланма олган 40 нафар саралаган ёшлар ичида менинг ҳам борлигим, ҳаётимда қувонарли воқеа бўлди. Бу йил мен ўзим орзу қилган даргоҳ, ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультетига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Буларнинг барчаси давлатимизнинг биз ёшларга бўлган ишончи туфайли деб ўйлайман.

Келажакда қандай инсон бўлиш эса ёшларимизнинг ўзларига, аниқроғи, олдиларига қўйган мақсад ва интилишларига боғлиқ. Зеро, инсон ўз олдига аниқ бир мақсадни қўя олсагина, бирор натижага эришиши тайин.

Алишер АЗИМОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Тавсиянома – муҳим имтиёз

ҲАЁТ МАКТАБИ ТОБЛАР ЎҒЛОННИ

Бугунги армия кечагисидан тубдан фарқ қилади. Ислоҳотлар сабаб, миллий армиямизнинг нуфузи тобора ортиб, ҳарбийлик кун сайин фахр-ифтихорли соҳага айланиб бораяпти. Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ профессионаллик йўлида шаклланаётган миллий армиямиз мавқеи ва тутган ўрни қай даражада юксаклигидан далолатдир.

«Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда...» деган эди Президентимиз.



Дарҳақиқат, ҳаёт мактаби бўлган армия эр йигитнинг камол топишида, жисмонан ва маънан юксалишида, мустақил фикрга эга бўлиб, шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутади. Айниқса, бугун кенг кўламли ислоҳотлар изчил олиб борилаётган миллий армиямизда қатор ижобий ўзгаришлар амалга татбиқ этилиб, турли услуб ва меъёрлар ҳамда имтиёзларнинг жорий этилгани посбонлар учун имкониятлар эшигини ланг очди, десак нотўғри бўлмайди. Шу боис ҳам қувонч билан айта оламизки, Қуролли Кучларимиз сафларида ўз йигитлик бурчини ўташ бугунги кунда ёшларимизнинг эзгу орзусига айланиб бормоқда. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ҳар тарафлама аъло даражада адо этиб, яқинлари бағрига ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсиянома билан қайтаётганлар эса ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки энди унда талаба бўлиш имконияти нисбатан кўп, қўлидаги тавсиянома институтга кираётганда энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш имтиёзини беради-да. Зеро, тавсиянома эга бўлиш ҳам осон эмас, бунга ҳар тарафлама муносибгина эришадилар.

Бугун мазкур имтиёздан фойдаланиб, талаба деган номга эга бўлган ўғлонлар кўпчиликни ташкил этаётгани қувонарли. Жумладан, ўз йигитлик бурчини чегара қўшинлари сафида ўтаб қайтган ва шу йил Жиззах педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети биринчи босқич талабаси бўлиш бахтига эришган Фарҳод Нурматов ҳам ана шундай ўктам ўғлонлардан.

– Ўғлим Фарҳоджон йигитлик бурчини ўтаб, ёруғ юз билан, паҳлавонлардек кўкрак кериб кириб келганида, шу менинг ўғлимми, дея кўзларимга ишонолмай қолганман, – дейди унинг онаси, Жиззах вилояти Пахтакор туманида яшовчи Шарофат опа Нурматова. – Чунки болам хизматда роса тўлишибди, чинакам йигит бўлиб етилибди, Алпомишдек ўктам, баркамол посбон бўлиб тарбия топибди. Ҳа, бўйларингдан онажонинг, кўз тегмасин ишқилиб, дея роса қувонганман. Талаба бўлганини эшитганимда эса бошим осмонга етди. Армияда олган тавсияномаси ёрдам берибди, болам ўқишга қабул қилинибди. Қаранг, бугун фарзандларимиз учун жуда ажойиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Ёшлар ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз эътиборида. Беихтиёр давлатимиз раҳбарининг, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган пурҳикмат сўзлари ёдимга тушади ва ғоят тўлқинланиб кетаман. Раҳмат ҳукуматимизга ва болаларимизни ҳаёт мактабида тарбиялаётган командирларга.

– Хизматда жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни ўргандим, жисмонан чиниқдим, ҳаётий қарашларим ўсди, – дейди Фарҳоднинг ўзи. – Қатъият, шижоат, ўзимга ишонч, яқинларимга, юртимга ва юртдошларимга фидойилик туйғуларини айнан хизмат туфайли кашф этдим. Айниқса, хизматдан имтиёзли тавсиянома билан қайтишим онажонимни қанчалар хурсанд қилганини айтмайсизми! Олган билимларим келажак фаолиятимда асқотишига, иш ва турмушда қўл келишига шубҳам йўқ. Хизмат қилиб ота-онамни, яқинларимни, Ватанимни ва азиз юртдошларимни қўриқлаганимдан бир умр фахрланаман.

Катта лейтенант Давлат АСИЛОВ.

«ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ»

Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида «Дилларда Ватан мадҳи» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолининг 16 йиллик тантаналари арафасида Республика Маънавият тарғибот маркази Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда иншолар танловини ўтказган эди.

Ёш авлод қалби ва онгига мустақилликнинг беқиёс аҳамиятини чуқур сингдириш мақсадида ташкил этилган ижодий ишлар танловида юртимизнинг умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим даргоҳларининг ўн мингдан ортиқ ўқувчиси, талаба ёшлари иштирок этди. "Биз – Ўзбекистон фарзандларимиз", "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз", "Ўзбекнинг ғурури тоғлардан баланд" каби мавзулардаги ижодий ишлар танловининг туман, шаҳар, вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси босқичларидаги энг сара ижодий ишлар тўплам ҳолида чоп этилди.

"Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган мазкур тўпламдан жой олган ижод намуналарида истиқлолнинг ёш авлод тақдиридаги аҳамияти, ёшлар билими ва тафаккури, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, истеъдодини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни, йигит-қизларимизнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашдаги ютуқлари ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Тадбирда болалар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг Ватан, Истиқлолни мадҳ этувчи мусиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Халқаро сана

ТИНЧЛИК БЎЛСИН, ДУНЁДА

Ҳар йили сентябрнинг йигирма биринчи санаси Халқаро тинчлик куни сифатида нишонланишини билсангиз керак. Шундай бўлсада, эслатиб ўтамиз, 1981 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ана шундайин санани махсус резолюция билан тасдиқлаган. Ҳатто 2001 йилда ҳам бу борада қўшимча резолюция имзоланди.

Мазкур санага бағишлаб республикамизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Масалан, Ўзбекистон махсус олимпиадаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Меҳржон» жамғармаси, БМТнинг тараққиёт дастури ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорликда ўтказган оммавий байрам тадбирини бунга мисол қилса бўлади. Ёки пойтахтдаги «Бобур» истироҳат боғида ўтказилган болалар ижодий гуруҳларининг маданий-маърифий дастурларини таъкидлаш мумкин. Дарвоқе, мазкур тадбир доирасида болажонлар асфальтга ранг-баранг суратлар солишди, спорт мусобақаларида ўзаро беллашишди. Шунингдек, Тинчлик кунида болажонлар қоғоздан турналар ясашди. Маълумки, бу кейинги пайтда тинчлик, эзгулик, меҳр-оқибат рамзига айланган.

Хиросима ва Нагасакидаги фожиали воқеадан кейин 12 ёшли япон қизи Садако Сасаки мингта қоғоз турна ясаса, нурланишдан тузалиб кетишига болаларча ишонган. Хаста ҳолида эзгуликка, яхшиликка талпинган. Бу унинг қалбидаги умид, ишонч турналари эди. Бугун болажонларимиз ана шундайин рамзларни ясашаётган экан, демак, юртда тинчлик, осойишталикка ишора, бу.

Халқаро тинчлик кунида асфальтга чизилган суратларда кабутар, оила ва қуёш рамзлари ҳам акс этди. Бундан шундайин маънони уқиш мумкин: юрт осмони узра қуёш чарақлаб, оқ кабутарлар парвоз айласин, оила, хонадонлар фаровон бўлсин. Бир сўз билан айтганда, ер юзида уруш олови сўниб, тинчлик барқарор бўлишини истаб болажонларимиз бонг уришди.

Ўз мухбиримиз.



Лобар ва гўзал қизлар рукнининг бу галги меҳмони мафтункор Дилдорахон бўлади. Табиатан анча киришимли ва самимий бўлган бу фусункор ҳуси соҳибаси мана уч йилдирки миллий армиямиз сафида масъулиятли соҳада хизмат қилиб келмоқда. Ёшлигидан ҳарбийликка ҳавас қилиб, эгнига ҳарбий либос кийган шартнома бўйича хизмат оддий аскари Дилдора Аббосова айни пайтда ўз касбининг билимдони сифатида жамоадошлари ўртасида обрў қозонган. У доимо иш билан банд бўлса-да, севимли машғулотлари бўлган бичиш-тикиш ва расм чизишга ҳам вақт ажратиб, ўзининг ибораси билан айтганда, «кичкина санъат асари»ни яратиб, бундан руҳан дам олади.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қизларда, аёл кишида, биринчи навбатда, ақлу фаросат, идроку назокат бўлиши керак. Ана шунда у паст-баландни, аччиқ-чучукни, бор-йўқни, оила шароитини, имкониятларини фаҳмлай олади, идрок этади, ақл-ҳуши билан иш юритиб, кам-кўстларни бартараф этади.

Гиёҳвандлик – аср вабоси


БИЛИБ-БИЛМАЙ БОСИЛГАН ТИКАН

Ёшликни беғуборлик фасли дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу давр ҳар бир инсон ҳаётидаги энг гўзал, энг ширин, такрорланмас лаҳзалар билан аҳамиятлидир.

Аммо мана шу беғубор даврнинг қадрига етмасдан, ҳар хил ёмон йўлларга кириб кетаётган, ўз келажагини хавф остига қўяётган, шунингдек, жамиятга катта зарар етказаётган ёшларимиз ҳам учраб туради. Одоб-ахлоқ, яхши тарбия ҳақида кўп марта гапирамиз. Тарбия аввало оиладан, сўнгра эса мактабдан бошланади. Буни барчамиз биламиз, лекин кўпгина ота-оналар фарзандим мактабига ёки ўқишга бориб келяпти, деб уларнинг босаётган қадамлари билан қизиқмай қўядилар. Бундай қулай вазиятдан, яъни ота-онаси томонидан унча тергалмаётганидан фойдаланган ёшлар ўз хоҳлаганларидек ҳаракат қилишмоқда ва оқибатда гиёҳвандлик, майда безорилик ва бошқа турли жиноий йўлларга кириб қолмоқдалар.

Мана шундай ҳодисалардан бири ҳақида андижонлик бир ўртоғим ҳикоя қилиб берди.

... Бобур оилада яккаю ягона ўғил фарзанд. Эндигина ўн беш ёшга қадам қўйди. Лекин тенгдошлари орасида яхши кийиниши, қимматбаҳо қўл телефонидан фойдаланиши, ўқишга таксида келиб, таксида кетиши билан ажралиб турарди. Ота-онаси бир неча йиллардан буён савдо билан, аниқроғи, олиб-сотарлик билан шуғулланишади. Фарзандларининг тарбияси билан шуғулланишга деярли вақтлари йўқ. Мактабда ҳар ойда ўтказилаётган ота-оналар йиғилишида ҳам қатнашишмайди. Ўқитувчилар эса уларни уйларидан тополмай ҳалак. Бироқ биттаю битта ўғилларини пул масаласидан қийишмади. Эркатойимиз, дея эркалаб, даста-даста пулни қўлига бериб қўйишди. Мактаб ўқувчиси бўлган Бобур бошида бу пулларни нима қилишини билмай қолди. Гоҳи-гоҳида ота-онасини ҳафтада-ойда бир-икки кўрадиган жажжи сингилларига ширинлик ҳам олиб келиб берди. Лекин пул барибир тугай демасди. Яхшиси катта-катта еб-ичиб, улфатчилик қилгани маъқул. Шу хаёллар билан юрган Бобур атрофида қандай улфатлар йиғилиб қолганини ҳам сезмай қолди. Мактаб, ўқиш масалалари унинг учун иккинчи даражали ишга айланди. Кўпинча уйда ёлғиз қоладиган сингиллари ҳам кечаси алламаҳалгача акаларини кутиб, ухлаб қолишарди. Бобур эса бу вақтга келиб, яхшигина кайфу сафога берилиб кетган, мактабдаги дўстларини менсимай қолган эди. Унинг пуллари бор, ёнидаги улфатларида эса у хоҳлаган нарса, яъни гиёҳвандлик моддаси. Орадан бир йил ўтар-ўтмас савдони, пулни орқасидан қувган ота-она касодга учраб, каттагина қарз бўлиб қолишди. Бу орада Бобурнинг қўлидан ҳам пул узилди. Улфатлари пули йўқлиги учун унга ҳеч нарса бермай қўйишди. Хуморнинг тафтини ҳеч нарса билан боса олмаган фарзанд ўғирликка қўл урди. Аста-секин уйдан қимматбаҳо буюмлар йўқола бошлади. Оилада ҳар куни жанжал, ғурбат тонгтача давом этарди. Бир куни Бобурнинг мазаси бўлмай қолди, қўрқиб кетган ота-она уни дарҳол шифохонага олиб боришди. Бош шифокор анча вақт жим туриб, шундай деди:



– Кеч бўлибди, энди ҳеч нарса қўлимиздан келмайди. Ўғилларингиз гиёҳвандлик балосига йўлиқиб, ОИТС касаллигини юқтирибди. Бунга анча бўлган. Жуда кеч мурожаат қилдинглар. Аввалроқ ҳаракат қилиш керак эди.

Бу гап ота-онани карахт қилиб қўйди. Иккаласи ҳам бир-бирига қараб, ҳеч нарса дейишолмай лол эди.

Бобурнинг умри якун топди. Ёшликнинг энг ширин дамларини тотиш, орзулари руёбини кўриш насиб этмади.

Аҳрор РАЖАБОВ.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
Тщательно спланируйте мероприятия, чтобы успеть сделать все, что намечено. В отношениях с зарубежными партнерами лучше проявить разумную осторожность. Может поступить не совсем приятная для вас информация.

ТЕЛЕЦ
Забудьте о своих обидах. Не время рисковать и впутываться в авантюрные истории. Лучше наладить отношения с родственниками, исправив возникшие недоразумения. Вы почувствуете прилив сил.

БЛИЗНЕЦЫ
Постарайтесь быть вежливее, чем обычно, с окружающими. Вас непременно посетит большая удача. Вы сможете решить самые острые и насущные проблемы. Вас могут озадачить неожиданные события в жизни друзей или коллег.

РАК
Благоприятное время для налаживания связей и контактов. Стоит снизить нагрузки до минимума. Иллюзии и переоценка собственных сил будут способствовать разочарованиям. Хороший период для обучения.

ЛЕВ
Желательно сохранять спокойствие и рассудительность. Говорите меньше и лучше храните свои тайны. Самое время совершить очередной рывок по карьерной лестнице. Наступает период споров и конфликтов.

ДЕВА
Возможны конфликтные ситуации. Заранее продумайте план действий, чтобы избежать ссор с близкими людьми. Будьте осторожнее, общаясь с коллегами. Следите за своей речью, возможно расширение круга знакомств.

ВЕСЫ
Постарайтесь не слишком хвастать своими возможностями и достоинствами. Возникнут новые проекты и планы, могут поступить предложения и советы. Стоит взвесить все «за и против».

СКОРПИОН
Рабочие задачи будут легко решаться, а любые проблемы отступят на задний план. Вас может посетить интересная идея. Благоприятное время для повышения профессионального уровня. Возможна стажировка.

СТРЕЛЕЦ
Настало время осмысления достижений. Неплохо бы улучить момент для кратковременного отдыха. Встречаясь с зарубежными партнерами, не упустите шанса заключить выгодный контракт.

КОЗЕРОГ
Чего не стоит делать — менять место работы. Терпение и труд непременно дадут результат, хотя и отнимут массу сил. Появятся определенные возможности наладить отношения в семье и на службе.

ВОДОЛЕЙ
Постарайтесь не связывать себя никакими обещаниями. Вам необходимо быть осмотрительнее, чтобы избежать недоразумения. Если вы собираетесь в отпуск, то его хорошо бы провести на берегу реки, озера или хотя бы ручья.

РЫБЫ
Будьте более снисходительны. Дальняя поездка окажется на редкость удачной. Благоприятное время для деловых контактов и заключения договоров с зарубежными партнерами. Проявите настойчивость при отстаивании своих интересов.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ТЕША МЎМИНОВ



«СОҲИБҚИРОН РОЛИНИ ЎЙНАГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

Мирҳусайн ака рафиқаси Пўлатой опа ва олти нафар фарзанди билан Бухоро шаҳридаги ўзларининг шинам ҳовлисида тинч-тотув яшаб келишаётганди. Лекин ўтган давр, суронли кунлар оилага пароканлик олиб келди. Бирин-кетин олти фарзандини ҳам ўз қўллари билан тупроққа қўйган ота-она гўёки қўлсиз, оёқсиздай бир аҳволга тушиб қолишди. Гам-ҳасратдан қадди букилса-да, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи сўнмади, умид билан яшашди, бир-бирига суянишди. Орадан бир неча йиллар ўтиб тақдир уларни яна сийлади. 1949 йили бу мискин қалблар юзида қувонч акс этиб, хонадонида чақалоқ йиғиси эшитилди. Кексаларнинг маслаҳати билан чақалоқнинг киндиги тешада кесилиб, ўз ўрнида темирдай мустаҳкам бўлиши учун уни Теша деб номлашди.

Чақалоқнинг қадами қутлуғ келиб, оила бошидаги ташвишлар ҳам ариди. Бу чақалоқ эл-юртга таниқли санъаткор Теша Мўминов бўлади.

– Тўртинчи-бешинчи синфларда ўқирдим, – дея ўзининг болалик хотираларини эслайди, – элимиз ардоғидаги актёр Теша Мўминов. – Бир куни мактабимизда ўқувчилар кичик саҳна кўринишини намойиш қилишди. Ўзига хос талқин қилинган асар ижроси устозларимиз ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Шунда уларга қизиқиб, «Қаерда ўргандингизлар, мен ҳам сизлар билан борсам бўладими?» дея ўқувчиларнинг биридан сўрадим. У ерга роль ижро этишни истаган барча ўқувчилар бориши мумкинлигини айтган мактабдошим мени ҳам тўппа-тўғри ўқувчилар клубига олиб борди. Шундан сўнг мен ҳам ушбу клубга қатнай бошладим. У ерда бизга Садриддин Айний номидаги Бухоро театрининг актёри Азизжон Маҳмудов, Муҳаббат Содиқовалар театр санъати бўйича сабоқ бериб, маҳоратимнинг шаклланишида ўзига хос ҳисса қўшишди. Қолаверса, мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Саиджон Аҳмедовнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидласам арзийди. Шундан эътиборан, мактабдаги ҳар бир тадбир менинг иштирокимсиз ўтмасди. Санъатга бўлган бундай иштиёқимни кўрган ўқитувчиларим 6-умумтаълим ўрта мактабида Бахтиёр Ихтиёровнинг издоши етишиб чиқаётганини яхши билишарди. Шу сабабли бироз қийналган фанларимдан менга ёрдам бериб, ҳатто эркалатишарди ҳам. Лекин 6 фарзандини тупроққа қўйиб анча кексайган ота-онам учун ёлғиз фарзандини бегона шаҳарда бағридан узоқда ўқитиш ниҳоятда оғир эди. Гоҳида буни ўйлаб ўзим ҳам сиқилардим. Шунда мактабдаги ва тўгаракдаги ўқитувчиларим ота-онамнинг олдига келиб, «Фарзандингиздан келажакда яхши санъаткор етишиб чиқади. Агар тўрт-беш йилга рухсат берсангиз, у институтда ўқиб яна бағрингизга қайтади. Бухоронинг санъатини юксакка кўтаради, уни дуо қилинг! Ўғлингиз келгунига қадар биз сизга кўмаклашиб турамиз», дея уларни кўндиришди. 1966 йил ота-онамнинг дуосини олиб, пойтахтдаги Театр ва рассомчилик институтига ҳужжат топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлдим. Талабалик даврида кундузи дарсларга борсак-да, кечқурун театрга келиб, оммавий саҳналарда иштирок этиб, ўз маҳоратимизни шакллантириб борар эдик. Адашмасам 1968 йили эди. Россиянинг Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида собиқ иттифоқ таркибидаги барча санъат олий ўқув юртлари талабалари ўртасида танлов бўлди. Ушбу танловга устозимиз Нина Тимофеева Асқад Мухторнинг «Тирилиш» асарини саҳналаштириб, бизни олиб борди. Мазкур саҳна асарида мен илк бора бош қаҳрамон Кимсан образини яратдим. Буни қарангки, бизнинг спектаклимиз ушбу йирик танловда биринчи ўринни олиб, ҳатто менинг ижро маҳоратим «Энг яхши эркак роли учун» номинация билан баҳоланди. Бу ҳаётимдаги энг катта муваффақиятим эди. Ахир мен илк бора катта саҳнада роль ижро этиб, тақдирланган эдим. Қизиғи шундаки, эртаси куни мени ўша ерда институтнинг миллий курсида қолишга таклиф қилишган. Ота-онам пойтахтда ўқишимга аранг рози бўлгани учун бу таклифни рад қилганман.

– Демак, институтда ўқиб юрган пайтингиздаёқ, саҳнада роль ижро этган экансиз?

– Албатта. Ўша пайтда театрда «Олтинчи июль» асари саҳналаштирилаётганди. Давр нуқтаи назаридан жиддий асар бўлганлиги боис бош қаҳрамонлар образини ҳам истеъдодли актёрлар Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов ижро этишди. Устозимиз Турғун Азизов эса Попов ролини ўйнаётганди. Биз эса одатдагидек оммавий саҳнада. Тайёргарликлар бўлаётган бир пайтда тасодифан Турғун ака бетоб бўлиб келолмай қолди. Шунда Наби ака талабаларга мурожаат қилиб, «Попов ролини ким ижро этади?» деди. Шунда «Мен» дея чўчимасдан ўрнимдан турдим. Ўша куни Турғун аканинг ўрнида роль ўйнадим. Орадан кўп ўтмай Турғун ака соғайиб, қаҳрамони образини ўзи ижро этди. Саҳна асарининг тайёргарлик ишлари тугагач, барча жойларда намойиш қилиниб, томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Бир кун яна Турғун ака қўққисдан келмай қолди. Чипталар сотилган, томошабин кутиб турибди. Ижодкорлар нима қилишини билмай бош режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг олдига боришган. У эса «спектакл тўхтатманглар, талабалар ичида Теша деган йигит бор. Ўша ролни ижро этсин, мен унга ишонаман», дебди. Мени чақиришганда ҳайрон бўлдим. Ноилож кийиниб саҳнага чиқдим. Роль муваффақиятли ижро этилди ва шундай қилиб кутилмаганда мен Турғун акага дублёр бўлиб қолдим. Мана қирқ йилдирки, Ўзбек миллий академик драма (авваллги Ҳамза номидаги академик драма) театрида фаолият юритиб келаяпман.

– Негадир экранда кўп кўринмайсиз ёки театрни кино дунёсидан устун қўясизми?

– Аввалдан театрдаги жонли ижрога қизиқиб, бу ерга келганман. Қолаверса, актёр маҳоратининг шаклланишида ҳам театр саҳнасининг беқиёс ҳиссаси бор. Кино оламининг ҳам ўзига яраша қийинчилик ва масъулиятлари бор. Балким, энди кинода ҳам ўзимни синаб кўрарман.

– Устозларингиз ҳақида тўхталсангиз...

– Театрга илк бора келганимда устозимиз Шукур Бурхонов «Нега бу ерга келдинг? Агар обрў, мансаб, шуҳрат орттираман, деб келган бўлсанг кетавер, театр ҳақиқий фидойи инсонлар учун. Театрда актёрнинг ҳар бир чиқиши воқеа бўлиши керак. Агар йиғлаб томошабинни йилата олсанг, кулиб кулдира олсанг, сеҳрлай билсанг, саҳнага чиққин!» дея маслаҳат берган. Бугун устознинг гапларини эслаб, уларнинг тажрибасини ўрганганимга шукроналар айтаман. Ахир Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхоновлар ўзбек театр санъатининг пойдеворини яратиб кетишган. Уларнинг санъати ҳатто хорижда ҳам эътироф этилган.

– Илк бор саҳнада Соҳибқирон Амир Темур ролини ижро этган экансиз? Анча ҳаяжонланган бўлсангиз керак?

– Буюк бобокалонимиз Амир Темур қиёфасини яратишни устозларимиз Шукур Бурхонов, Аброр Ҳидоятовлар роса орзу қилишган. Лекин давр бунга имкон бермаган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буюк боболаримиз муборак номлари тилга олинганда биринчилардан бўлиб театрда Амир Темур сиймосини яратганман. Тўғриси, улуғ саркарда, жаҳонгир образини менга топширишганда аввало ғурурланганман. Лекин қайсидир маънода қўрққанман ҳам. Илк бора 1992 йил Кристофор Морлоунинг асари саҳналаштирилганда Темур қиёфасида саҳнага чиқдим. 1995 йил эса Абдулла Орипов асари асосида саҳналаштирилган спектаклда уни қайта талқин қилдим. Мана, ўн йилдан ошибдики шундайин шарафли ролни ижро этиб келмоқдаман.

– Ўзингизга кўпроқ қандай образни талқин қилиш ёқади?

– Ҳозирга қадар бир қанча жанрда ўзимни синаб кўрганман. Менга кўпинча дардли ролларни ўйнаш ёқади. Лекин ҳеч қачон роль танламаганман. Кўнглимга манзур бўлган барча образларни ижро этганман.

– Сизнингча, ўзбек театрининг халқаро майдондаги ўрни, нуфузи қандай?

– 1993 йил Тошкентда «Шарқ ва ғарб» театр фестивали бўлиб ўтган. 30дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган фестивалда театр жамоамиз Шекспирнинг «Кореолан» асарини намойиш қилган. Ўшанда ҳатто Европадан ташриф буюрган ҳакамлар ва театр жамоалари ўзбек театрига юқори баҳо бериб кетишган. Ундан кейин Қозоғистонда, Туркияда бўлганимизда ҳам театримиз спектаклларини илиқ кутиб олишган.

– Актёр, халқ ардоғидаги инсон сифатида ватанпарварлик туйғусини қандай тасаввур қиласиз?

– Мен аввало Ўзбекистондек гўзал бир заминда туғилганимга шукроналар айтаман. Шарқ маданиятининг бешиги бўлган бу кўҳна диёрда дунё тан олган Ибн Сино, Имом Бухорий, Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари кўплаб фозил инсонлар улғайган. Бундай улкан маданиятга эга бўлган Ватанда ўсиб улғайганимдан фахрланаман ва буни ўз образларимда намоён қиламан. Айниқса, хориж сафарида бўлганда Ватаннинг қадри янада билинади. Ахир бундай жаннатмакон диёрни ҳеч қаердан тополмайсиз.

Айни пайтда Ўзбек миллий академик драма театрида фаолият юритаётган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ўзининг янги-янги ижод намуналари билан халқимиз маънавиятини янада бойитмоқда. Ўзбек миллий театр санъатига беназир ҳисса қўшаётган бу етук актёрдан ўзига хос талқиндаги образларни кутиб қоламиз.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Косиблар кун бўйи букчайганча, чанг ютиб ишлашар, оғир меҳнатлари самараси кундалик бир бурда нон ва бир коса оби ёвғон эди, холос. Ҳолдан тойиб сустлашганларни назоратчилар қамчи билан аёвсиз тезлашарди.

Ҳакимнинг қадди букиклиги, чакка сочларининг оппоқ оқаргани ва кенг пешонасидаги чуқур ажинлар «Байт ут-тироз»даги изтиробли тутқунлик йиллари асорати эди. Кўзларидаги мунг эса ўғил-қизлари қул сифатида Арабистонга олиб кетилгани ва мусибатларга чидолмаган хотини қазо қилганини эшитгандан сўнг пайдо бўлган. Аммо Ҳаким эгилса ҳам синмайдиганлар тоифасидан. Кеш ёнидаги Сом тоғида халифага қарши кураш байроғини кўтарган Муқаннанинг даъватлари ўнлаб соқчилар қўриқлайдиган «Байт ут-тироз»га ҳам йўл топиб кирди. Ҳаким сирдош тутқунлардан беш-олти кишилик гуруҳ тузди. Улар исёнчиларга бориб қўшилишга аҳд қилиб, башарти қўлга тушиб қолишса, ўлимга ҳам рози эканликларини айтиб, онт ичишди. Бир куни кечқурун дастгоҳ синиқлари ва сиртмоқлар билан қуролланиб, корхона ичидаги назоратчиларни гумдон қилишди. Бошқа тутқунларни ҳам ўз аҳдларидан воқиф қилиб, хоҳлаганларни сафларига қўшилишга чақиришди. Сўнгра соқчиларга ҳужум қилиб, баъзиларини ўлдириб ё яралаб, қуролларини тортиб олиб, қолганларини қочишга мажбур этишди.

Корхона шаҳристон[1] деворига яқин эди. То соқчиларга мадад келгунча, исёнчилар арқон ёрдамида девор ошишди ва тун қоронғусида шаҳарни тарк этишди. Шу тариқа Бухоро вилоятига ёндошган бепоён Қизилқум чўлида Ҳаким бошчилигидаги исёнчи гуруҳ пайдо бўлди. Унда-бунда қишлоқларда кўтариладиган ва тез бостириладиган ғалаёнлардан фарқли ўлароқ, ҳаким бошчилигидаги тўда волий қўшинига тутқич бермас, тез-тез жойини ўзгартирар, майдароқ аскарий гуруҳларга ҳамла қилишдан ҳам тап тортмасди. Тўда тез ўсиб борар, турли қишлоқ ва овуллардан отлиқ ва пиёда йигитлар келиб қўшиларди. Исёнчиларга ихтиёрий равишда озуқа етказиб берадиган, хавф-хатардан огоҳлантирадиган хайрихоҳлар бундан-да кўп.

Қароргоҳ яқинида от дупури эшитилди. Ҳаким ўйчан нигоҳини қурол-яроғлардан узиб, сергакланиб ташқарига қаради. Қароргоҳ чеккасига бир неча отлиқ келиб тўхтади. Улардан бири отдан сакраб тушиб, бошқаларни кутмасдан, тез-тез юриб Ҳаким чодири томон кела бошлади.

«Эрназар қандайдир ошиғич хабар келтирибдур», деб кўнглидан ўтказди сардор ва бир кор-ҳол рўй беражагини сезгандек, чодир устунига осиғлиқ камари ва қиличини олиб, белига тақди ва дубулға кийиб, чодирдан чиқди. У эшик олдида найза тутган икки соқчи орасидан ўтиб, тепаликка кўтарилаётган Эрназарга пешвоз чиқди. Юзкўзи чангга беланган новча йигит сардор олдига етиб таъзим қилди ва ҳансираб деди:

– Ўн чақирим нарида қуролли суворийлар! Тўғри қароргоҳ томон келмоқда.

– Суворийлар?! Шунчалик яқиндами? Демак изимизни олишган! Йўл биладиган кимдир аларни бошлаб келаётгандир?!

Шундай дея, Ҳаким чодир олдидаги соқчилардан бирига буюрди:

– Тездан Ҳашвийни чақир!

Соқчи найзасини кўтарганча, ғизиллаб пастга тушиб кетди.

– Аларнинг сонини аниқладингми? – сўради сардор Эрназардан.

– Юз-юз эллик отлиқ, барчаси яхши қуролланган ва арабий отларда.


– Демак, алар араблар эканига шубҳа йўқ, – деди Ҳаким ва иккинчи соқчига юзланди. – Тезда юзбоши ва ўнбошиларга буйруғимни етказ: бурғу чалинсин, барча оёққа турсин!

Кўп ўтмай қароргоҳда бурғу садоси янгради ва ҳозиргина сокин қароргоҳ кучли тўлқинга дуч келган кемадек қалқиб тушди . Гўё ари ини бузилгандек, чодиру капалардан одамлар югуриб чиқа бошлади. Қилич, найза, камон, сўйил, чўқмор, паншаха, болта, учи йўнилган таёқ кўтарган исёнчилар ҳар ер-ҳар ерда тўп бўлишди. Ўтовларга яқин жойда отлиқлар тўпи пайдо бўлди. Юзбоши ва ўнбошилар сардорнинг навбатдаги буйруғини кутишарди.

Отлиқ жангчилар тарафидан ўз яроқбардори билан бирга ҳашвий от чоптириб келди. У серҳашам эгар-жабдуқ ва ёпқичли, тилла юган урилган оти жиловини яроқбардорига тутқазиб, ўзи Ҳаким ҳузурига шошди. Ҳашвий пўлат совут ва дубулға кийган, заррин камарига кумуш дастали дудама қилич таққан эди. Унинг қалқони ва чўқмори эгар қошида осиғлиқ, бошқа қуроллари, яъни найза ва ўқ-ёйини яроқбардори кўтариб юрарди. Ҳаким унга вазиятни қисқача тушунтириб, деди:

– Ғаним анча яқин келибди. қароргоҳни тездан тарк этиш даркор. Илдам юришга мослик қиладиган чодиру чайлалар ва шунга ўхшаш лаш-лушлар ташлаб кетилсин. Аммо бир дона ҳам қурол қолмасин. Олдин пиёдалар йўлга тушур, сен ўз отлиқларинг билан аларни орқа тарафдан ҳимоя қилиб борурсен.

– Ёғий юз-юз эллик атрофида экан-



ку! Биз алардан уч баробар кўпмиз, – деди Ҳашвий.

– Лекин алар барчаси суворий ва мукаммал қуролланган.

– Бизда ҳам қуроллар кўпайиб қолди. Саваш тажрибаси ҳам ошган. Отлиқлар ҳам бор.

– Муддаонгни англадим, ғаним билан сўғишайлик, демоқчисен.

– Албатта, агар изн берсангиз, сардор. Қачонгача ёғий қораси кўринганда тум-тарақай қочиб юраверамиз?

-Ким билади, бу отлиқлар ёғийнинг илғор қисмидур, балким, – дея бир зум ўйланиб қолди ҳаким ва Эрназардан сўради: – Аларнинг ортидан янада каттароқ тўп келмаётганмикин?

– Биз буни аниқлашга уриндик, сардор. Ён-атрофдаги баланд барханларга чиқиб қарадик. Бошқа бирон лашкар қораси ёки унинг аломатини билдирувчи чанг-тўзон кўринмади.

– Ундай бўлса, қароргоҳни шундоққина бўшатиб бериб бўпмиз. Ёғийни жанг билан қарши оламиз.

Сардорнинг бу сўзларига жавобан Ҳашвий ва Эрназар бир-бирларига мамнун қараб қўйишди.

– Аммо бунча отлиқ ғаним билан очиқ майдонда савашмоқ осон эмас, – сўзида давом этди Ҳаким. – Пиёдалар қароргоҳнинг жануб тарафида зудлик билан тўсиқлар ясасин. Ҳашвий сен отлиқ бўлукинг билан сўл қанотни эгаллаб тур. Ўнг томонда кўл бор – бу тарафдан бехавотирмиз.

– Бош устига, – деди Ҳашвий ва отланиб, яроқбардори билан ўз бўлуки сари елиб кетди. Ҳаким соқчиларга: «Менинг чодиримдаги аслаҳаларни юзбошиларга элтинг, энг эпчил йигитларга тарқатишсин», деб буюргач, Эрназарга деди:

– Йигитларинг билан яна отлан. Ёғийни ён томондан айланиб ўтиб, ҳар тарафга кўз-қулоқ бўлиб туринг. Чангтўзон ё лашкар қораси кўринса, дарҳол хабар қилингизким, қуршовга тушиб қолмайлик.

(Давоми бор).

ҲАРБИЙ ОИЛАЛАР ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИДА

Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва маънавий озуқа олишларига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳмиз. Бу борада гарнизон офицерлар уйи етакчилари, ҳарбий қисм клуб бошлиқлари ва қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Ушбу йўналишда хизмат қилаётган офицерларнинг иш режасида ҳарбийларимиз ва уларнинг оилалари иштирокида маданий тадбирлар, маърифий кечалар уюштириш, элимизнинг ҳар бир байрам ва азиз кунларида шодиёна давралар ташкил этиш, юртимизнинг тарихий гўшалари ва сўлим сайргоҳларига экскурсиялар уюштириш каби бир қатор тадбирлар ўрин олган. Албатта ҳар бир режа ижроси етакчи ҳарбийларимиздан ҳаракат ва ишбилармонлик, маданий-маърифий йиғинларга эътибор билан ёндашишни, бу борада ҳарбий хизматчилар ва улар оила-аъзоларининг талаб ва истакларини инобатга олишдек масъулиятли вазифани талаб этади.

Қуролли Кучларимизда давом этаётган изчил ислоҳотлар бу йўналишга ҳам бир қатор янгиланишлар олиб кирди, десак арзийди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўртасида «Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларининг Ўзбекистон давлат музейлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори фикримиз далилидир. Бу муҳим ҳужжат, ҳарбийларимиз ва оила-аъзоларининг маънавий озуқа олишлари учун янада кенг имконият яратди, дейишга ҳақлимиз. Ҳозирда ушбу қарор бўйича барча ҳарбий жамоаларда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Қўшма қарор ижроси билан қизиқиш баробарида мана шундай тадбирлардан бирида иштирок этишга муваффақ бўлдик. Тарбиячи офицер Ҳасан Нишонов ва ҳарбий қисм ҳарбийларининг оила-аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин қизлар қўмитаси раиси Райҳон Қулназарова бошчилигида ҳарбий оила бекалари ва фарзандлари билан биргаликда Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейининг тармоғи ҳисобланмиш Термиз мерос музейига йўл олдик. Ушбу музей Ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси ҳудудида жойлашган бўлиб, бу ерга ташриф буюрган саёҳатчилар улуғ аллома бобомизнинг меъморий ёдгорлигини зиёрат қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.



– Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари билан юртимизнинг бундай азиз гўшаларига ташриф буюриб турамиз, – дейди офицер Нишонов музей экспонатлари билан танишув жараёнида – Ҳарбий қисм ва муассасаларнинг республикамиздаги давлат музейлари билан ҳамкорлигини ташкиллаштириш борасида Мудофаа вазирлиги томонидан қабул қилинган қарор эса ушбу йўналишдаги олдимизга қўйилган вазифага янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки миллатимиз, ўлкамизнинг қадим тарихидан-бетакрор либослари, урф-одатлари, миллий анъаналаридан сўзловчи бундай гўшалар ҳар бир инсонда катта таассурот қолдиради, маънавий озуқа беради. Ўз ўрнида яратувчан, меҳнаткаш аждодларимизга нисбатан ғурур ва ҳурмат туйғуларини шакллантиради. Кўриб турганингиздек ташриф буюрганларнинг чеҳрасида ҳайрат ва мамнуният мужассам. Бундай ташрифларни биз йил мобайнида аскарлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари билан биргаликда амалга ошириб боришни режалаштирганмиз.

Музейларни тарих кўзгуси дейдилар. Миллий услубда қурилган «Мерос» тармоқ музейи ҳам тарихимиздан сўзловчи 600 дан зиёд экспонатларга эга бўлиб, музей ходимлари турли байрам ва саналарга бағишлаб ҳарбий қисмларда, коллеж ва бошқа таълим масканларида кўчма кўргазмалар ташкил этишидан огоҳ бўлдик. Шунингдек, музейда воҳанинг жасур ўғлони, «Жасорат» медали совриндори шартнома бўйича хизмат сержанти Муҳиддин Эштемиров хотирасига бағишлаб ихчамгина кўргазма ташкил қилингани диққатимизни тортди.

Музей ходимлари суҳбат давомида бу гўшага ҳарбий хизматчилар тез-тез ташриф буюришларини таъкидлаб ўтишди. Бундан хулоса шуки, гарнизондаги ҳарбий қисм ва муассасаларда маданий тадбирлар хусусан давлат музейларига экскурсиялар уюштириш яхши йўлга қўйилган.

Шу куни ҳам ҳарбий оила бекалари ва фарзандлари музей сафаридан бир олам таассурот ила қайтишди. Ўзига хос бу маданий ҳордиқ уларнинг ёдида қолишига, ўлкамиз тарихи ҳақида кенг тушунчага эга бўлишганига шубҳа йўқ.

Зулфия НОСИРОВА.

Коллектив Ташкентской объединенной технической школы ОСО «Ватанпарвар» глубоко скорбит и выражает соболезнования родным и близким по поводу безвременной кончины инструктора-методиста, многократного чемпиона Республики Узбекистан по автоспорту
ГОРБУНОВА
Сергея Александровича.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – Ҳарбий ҳайъат раиси аллия полковниги Шоюнус Газиевга онаси
САНОБАР аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Командование и коллектив Ташкентского ВОКУ выражают глубокое соболезнование семье, родным и близким по поводу кончины служащего Вооруженных Сил Республики Узбекистан
ПЕТРОСЯНА
Завена Аслановича.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-4114. **Адади** 25050.